

ISSN: 2181-9416



ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

ВЕСТНИК ЮРИСТА * LAWYER HERALD

ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ, ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ



CYBERLENINKA

НАУЧНАЯ ЭЛЕКТРОННАЯ
БИБЛИОТЕКА
LIBRARY.RU

ISSN 2181-9416
Doi Journal 10.26739/2181-9416

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

2 СОН, 3 ЖИЛД

ВЕСТНИК ЮРИСТА

НОМЕР 2, ВЫПУСК 3

LAWYER HERALD

VOLUME 2, ISSUE 3



TOSHKENT-2023

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

ҳуқуқий, ижтимоий, илмий-амалий журнали

№2 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2023-2>

Бош муҳаррир:
Рабиев Шерзод Миржалилович

Адлия вазирлиги қошидаги
Юристлар малакасини ошириш
маркази директори

Бош муҳаррир ўринбосари:
Отажонов Абдоржон Анварович

Адлия вазирлиги қошидаги
Юристлар малакасини ошириш маркази
профессори, юридик фанлари доктори,
профессор

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

ҳуқуқий, ижтимоий, илмий-амалий журнали

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Окюлов Омонбой

*Юристлар малакасини ошириш маркази
профессори, юридик фанлари доктори,
профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат
кўрсатган юрист*

Саидова Лола Абдувахидовна

Юридик фанлари доктори, профессор

Тошев Бобокул Норқобилович

Юридик фанлари доктори, профессор

Мамасиддиқов Музаффаржон Мусажонович

*Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза
қилиш академияси бошлигининг ўринбосари,
юридик фанлари доктори, профессор*

Отахонов Фозилжон Хайдарович

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
ҳузуридаги қонунчилик муаммолари ва
парламент тадқиқотлари институтининг
директори, юридик фанлари доктори,
профессор*

Баймолдина Зауреш Ҳамитовна

*Қозғистон Республикаси Олий Суди
Академияси ректори, юридик фанлари номзоди*

Здрок Оксана Николаевна

*Белорус давлат университети судьялар, ҳамда
суд, прокуратура ва адлия муассасалари
ходимларини қайта тайёрлаш ва уларни
малакасини ошириш институти директори*

Масъул котиб:

Раҳманов Шухрат Наимович

*Юристлар малакасини ошириш маркази
кафедра мудири, юридик фанлари номзоди*

Саҳифаловчи: Халиков Миртоҳир Мирзакирович

Контакт редакцији журнала:

100001, город Ташкент, улица Катта Дархон, 6.
WEB: yuristjournal.uz
E-mail: info@yuristjournal.uz
yuristjournal@gmail.com
Телефон: (+99871) 2345345

Contact Editorial Staff

100001, Katta Darhon str. 6, Tashkent, Uzbekistan
WEB: yuristjournal.uz
E-mail: info@yuristjournal.uz
yuristjournal@gmail.com
Telephone: (+99871) 2345345

Общественно-правовой и научно-практический журнал
ВЕСТНИК ЮРИСТА

№2 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2023-2>

Главный редактор:
Рабиев Шерзод Миржалилович

Директор Центра повышения
квалификации юристов при Министерстве
юстиции

Заместитель главного редактора:
Отахонов Аброржон Анварович

Профессор Центра повышения
квалификации юристов при Министерстве
юстиции, доктор юридических наук,
профессор

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ:

Общественно-правовой и научно-практический журнал
ВЕСТНИК ЮРИСТА

Окюлов Омонбой

*Профессор Центра повышения квалификации
юристов, доктор юридических наук, профессор,
Заслуженный юрист Республики Узбекистан*

Саидова Лола Абдувахидовна

Доктор юридических наук, профессор

Тошев Бобокул Норкобилович

Доктор юридических наук, профессор

Мамасиддиков Музаффаржон Мусажонович

*Заместитель начальника Академии
правоохранительных органов Республики
Узбекистан, доктор юридических наук,
профессор*

Отахонов Фозилжон Хайдарович

*Директор Института проблем
законодательства и парламентских
исследований при Олий Мажлисе Республики
Узбекистан, доктор юридических наук,
профессор*

Баймолдина Зауреш Хамитовна

*Ректор Академии правосудия при Верховном
Суде Республики Казахстан, кандидат
юридических наук*

Здрок Оксана Николаевна

*Директор Института переподготовки и
повышения квалификации судей, работников
прокуратуры, судов и учреждений юстиции
Белорусского государственного университета*

Масъул котиб:

Рахманов Шухрат Наимович

*Заведующий кафедрой Центра повышения
квалификации юристов, кандидат юридических
наук*

Верстка: Халиков Миртохир Мирзакирович

Контакт редакции журнала:

100001, город Ташкент, улица Катта Дархон, 6.

WEB: yuristjournal.uz

E-mail: info@yuristjournal.uz

yuristjournal@gmail.com

Телефон: (+99871) 2345345

Contact Editorial Staff

100001, Katta Darhon str. 6, Tashkent, Uzbekistan

WEB: yuristjournal.uz

E-mail: info@yuristjournal.uz

yuristjournal@gmail.com

Telephone: (+99871) 2345345

Public, legal and scientific-practical journal of
LAWYER HERALD
№2 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2023-2>

Chief Editor:
Rabiyev Sherzod Mirjalilovich

Director of the Lawyers' Training Center
under the Ministry of Justice

Deputy Chief Editor:
Otajonov Abrorjon

Professor at the Lawyers' Training Center,
Doctor of Law Sciences, Professor

EDITORIAL BOARD

Public, legal and scientific-practical journal of
LAWYER HERALD

Oqyulov Omonboy

Professor at the Lawyers' Training Center, Doctor of Law Sciences, Professor, Honored Lawyer of the Republic of Uzbekistan

Saidova Lola

Doctor of Law Sciences, Professor

Toshev Bobokul

Doctor of Law Sciences, Professor

Mamasiddikov Muzaffarjon

Deputy Head of the Law Enforcement Academy of the Republic of Uzbekistan, Doctor of Law Sciences, Professor

Otaxonov Foziljon

*Director of the Legislation and Parliamentary Research Institute under the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan
Doctor of Law Science, Professor*

Baymoldina Zauresh

Rector of the Academy of Justice at the Supreme Court of the Republic of Kazakhstan, Candidate of Legal Sciences

Zdrok Oksana

Director of the Institute for Retraining and Qualification Upgrading of Judges, Prosecutors and Legal professionals at the Belarusian State University

Executive Editor:
Rakhmanov Shukhrat

Head of the Department at the Lawyers' Training Center, Candidate of Juridical Science

Pagemaker: Khalikov Mirtokhir

Контакт редакции журнала:

100001, город Ташкент, улица Катта Дархон, 6.
WEB: yuristjournal.uz
E-mail: info@yuristjournal.uz
yuristjournal@gmail.com
Телефон: (+99871) 2345345

Contact Editorial Staff

100001, Katta Darhon str. 6, Tashkent, Uzbekistan
WEB: yuristjournal.uz
E-mail: info@yuristjournal.uz
yuristjournal@gmail.com
Telephone: (+99871) 2345345

МУНДАРИЖА

ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ. ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

1. АХМЕДШАЕВА Мавлюда Ахатовна
ЎЗБЕКИСТОН ҲУҚУҚ ТИЗИМИДА ҚОНУН ВА КОДЕКСНИНГ ЎЗАРО НИСБАТИ.....8
2. ХУЖАНАЗАРОВ Азизжон Анварович
ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ҚОНУНЛАР:
ТАҲЛИЛ ВА ТАКЛИФ 14

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ, МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ, МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ

3. АБДУЛЛАЕВА Мафтуна Мурот қизи
ЎЗБЕКИСТОНДА КОНСТИТУЦИЯВИЙ ШИКОЯТНИ
АМАЛГА ОШИРИШНИНГ МУАММОЛАРИ 19
4. НАРИМАНОВ Бекзод Абдувалиевич
ЎЗБЕКИСТОНДА НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-
ҚУВВАТЛАШНИНГ АЙРИМ ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ: ЎЗБЕКИСТОН НОДАВЛАТ
НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ МИЛЛИЙ АССОЦИАЦИЯСИ МИСОЛИДА.....24
5. РАХМОНОВ Зафаржон Зайниддинович
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТИ СОҲАСИДА
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИНИНГ ЎРНИ..... 32

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ

6. БАБАКУЛОВ Зафар Курбанназарович
ТОВАР БЕЛГИСИНинГ ТРАНСЧЕГАРАВИЙ САВДО МУОМАЛАСИДАГИ
ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ МАСАЛАЛАРИ 41
7. ПЎЛАТОВ Алишер Рамазанович
КРИПТОВАЛЮТАНИ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ВА УНИ МУОМАЛАСИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ
БЎЙИЧА АСОСИЙ ЁНДАШУВЛАР 49
8. НАСУЛЛАЕВ Мубин Нутфуллаевич
ТЎЛОВГА ҚОБИЛИЯТСИЗЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ
АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ57

СУД ҲОКИМИЯТИ. ПРОКУРОР НАЗОРАТИ. ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

9. УРОЗБАЕВ Сардорбек
ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИДА ХИЗМАТ ЎТАШНИНГ
НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ..... 65

ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ, ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ. КРИМИНОЛОГИЯ. ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ ҲУҚУҚИ

10. НОРМАНОВА Клара Эшназаровна
ЭКСЦЕСС ИШТИРОКЧИЛИКНИ КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ 72

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ. КРИМИНАЛИСТИКА, ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ҲУҚУҚ ВА СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ

11. БАБАБЕКОВ Нодир Джурабаевич ТЕРГОВГА ҚАДАР ТЕКШИРУВ ЖАРАЁНИДА МАХСУС БИЛИМЛАРДАН ФЙДАЛАНИШ	80
12. УМАРХОНОВ Азизхон Шарипхонович ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЧОРАЛАРИНИНГ ТАСНИФЛАНИШИ	87

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

13. ГАФУРОВА Нозимахон Эльдаровна, ТОШМАТОВА Висолахон РОЛЬ БИОЭТИЧЕСКОЙ НАУКИ В ЗАЩИТЕ ПРАВ ПАЦИЕНТОВ В ПЕРИОД ПАНДЕМИИ COVID-19	96
14. ХАМДАМОВА Фируза Уразалиевна ГОСУДАРСТВО КАК СУБЪЕКТ МЕЖДУНАРОДНОГО ПРАВА В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛЬНОЙ ЦИФРОВОЙ ТРАНСФОРМАЦИИ.....	104
15. РАХМОНОВА Сабрина НОРМАТИВНО-ПРАВОВОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ ПРЕДОТВРАЩЕНИЯ ДИСКРИМИНАЦИИ ПО ПРИЗНАКУ ПОЛА КАК ОСНОВА ОБЕСПЕЧЕНИЯ РАВНЫЕ ПРАВА И ВОЗМОЖНОСТИ ПРИ РЕГУЛИРОВАНИИ ТРУДОВЫХ ОТНОШЕНИЙ	110

ҲУҚУҚИЙ АМАЛИЁТ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

16. ШАКУРОВ Рафик Равильевич ПЕДАГОГИКА ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАЪМИНЛАНИШИ.....	115
--	-----

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ. ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

АХМЕДШАЕВА Мавлюда Ахатовна

Тошкент давлат юридик университети “Давлат ва ҳуқуқ назарияси”
кафедраси профессори, юридик фанлар доктори

E-mail: mavludaahmedshaeva@gmail.com

ORCID: 0000-0003-3719-6599

ЎЗБЕКИСТОН ҲУҚУҚ ТИЗИМИДА ҚОНУН ВА КОДЕКСНИНГ ЎЗАРО НИСБАТИ

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): АХМЕДШАЕВА М.А.
Ўзбекистон ҳуқуқ тизимида қонун ва кодекснинг ўзаро нисбати // Юрист ахборотномаси
– Вестник юриста – Lawyer herald. № 2 (2023) Б. 8-13.

 2 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2023-2-1>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Ўзбекистон ҳуқуқ тизимида кодексларнинг ўрни ҳамда уларнинг ижтимоий муносабатларни тартибга солишда қонун билан ўзаро муносабати, яъни муайян бир ҳуқуқ соҳасидаги муносабатларни тартибга солишда қонун ва кодекснинг ўзаро нисбати масаласи бугунги ҳуқуқий ривожланиш воқеликлари ва янги илмий маълумотлар асосида таҳлил этилади. Муаллиф таъкидлайдики, қонун ва кодекслар юридик кучининг ўзаро нисбати масаласи миллий юридик адабиётда кам тадқиқ этилган. Ушбу масаланинг ҳуқуқий асослари эса маълум даражада амалдаги қонунчиликда, аниқроғи, асосан кодексларда маълум даражада мустақамлаб қўйилган. Мақолада қонун билан кодекснинг ўзаро нисбати масаласини янада аниқлаштиришга қаратилган айрим тавсиялар илгари сурилган. Бундан ташқари, кодекслар назариясини ривожлантириш, жумладан, янги кодексларни яратиш учун асос бўладиган мезонларни ишлаб чиқиш зарурлиги асослантирилган.

Калит сўзлар: норматив-ҳуқуқий ҳужжат, ҳуқуқ тизими, ҳуқуқий тизим, қонун, қонунчиликни кодификациялаш, кодекс, мезонлар, ҳуқуқ соҳалари, кодекс назарияси.

АХМЕДШАЕВА Мавлюда Ахатовна

Профессор кафедры Теории государства и права
Ташкентского государственного юридического университета,
доктор юридических наук

E-mail: mavludaahmedshaeva@gmail.com

ORCID: 0000-0003-3719-6599

СООТНОШЕНИЕ КОДЕКСА И ЗАКОНА В ПРАВОВОЙ СИСТЕМЕ УЗБЕКИСТАНА

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматривается роль кодекса в правовой системе Узбекистана и их взаимодействие с законом в регулировании общественных отношений, то есть вопрос о соотношении кодекса и закона в регулировании отношений в определенной сфере права, анализируется исходя из реалий современного правового развития и новых научных данных. Автор отмечает, что вопрос о соотношении юридической силы кодекса и закона и мало исследован в отечественной юридической литературе. Правовая база этого вопроса в определенной степени закреплена в действующем законодательстве, точнее, в основном в кодексах. В статье выдвигаются некоторые рекомендации, направленные на дальнейшее уточнение вопроса о соотношении кодекса и закона. Кроме того, обосновывается необходимость развития теории кодекса, в том числе разработки научных основ критериев для создания новых кодексов.

Ключевые слова: нормативный правовой документ, правовая система, система права, закон, кодификация законодательства, кодекс, критерии, отрасли права, теория кодексов.

AHMEDSHAYEVA Mavluda

Professor of Tashkent State University of Law, Doctor of Law

E-mail: mavludaahmedshaeva@gmail.com

ORCID: 0000-0003-3719-6599

RELATIONSHIP OF CODE AND LAW IN THE LEGAL SYSTEM OF UZBEKISTAN

ANNOTATION

This article discusses the role of codes in the legal system of Uzbekistan and their interaction with the law in regulating public relations, that is, the question of the relationship between law and code in regulating relations in a certain area of law, is analyzed based on the realities of modern legal development and new scientific data. The author notes that the issue of the relationship between the legal force of laws and codes has been little studied in domestic legal literature. The legal basis for this issue is to a certain extent enshrined in the current legislation, more precisely, mainly in the codes.

The article puts forward some recommendations aimed at further clarifying the issue of the relationship between the law and the code. In addition, the necessity of developing the theory of codes, including the development of scientific foundations for the criteria for creating new codes, is substantiated.

Keywords: normative legal document, legal system, system of law, law, codification of legislation, code, criteria, branches of law, theory of codes.

Халқаро ҳуқуқнинг тўла ҳуқуқли аъзоси бўлган Ўзбекистон, айтиш пайтда жаҳон ҳуқуқий маконининг ҳам таркибий қисми сифатида фаолият олиб борилмоқда. Мамлакатимизда қонунийлик, қонун устуворлиги ва ҳуқуқ устунлиги (Rule of law) ни мустаҳкамлаш борасида олиб олиб борилаётган саъй ҳаракатларимиз халқаро ҳамжамият томонидан муносиб равишда эътироф этилмоқда. Мамлакатимизда кечаётган янгиланишлар жараёни, айниқса инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида кейинги йилларда эришилган натижалар, жамиятнинг демократик асосларининг мустаҳкамланиши, ўз навбатида Асосий Қонунимизнинг ҳам янгилаш заруратини кун тартибига қўйди ва конституциявий ислохотлар жараёни бошланди. 2023 йил 30 апрелда бўлиб ўтган умумхалқ референдумида халқимиз янгиланган Конституцияга ўз муносабатларини билдиришди. Айтиш жоизки, Конституция Асосий Қонун сифатида

эҳтимоли мавжуд. Бироқ кодекс нормалари билан тартибга солинадиган, яъни унинг бевосита предметини ташкил этадиган муносабатларни тартибга солишда қонун ва кодекснинг ўзаро муносабати қанақа, башарти улар ўзаро коллизия ҳолатига тушса, устуворлик кимга берилади, деган савол нафақат назарий, балки ҳуқуқни қўллаш амалиёти учун маълум даражада амалий тусга ҳам эга.

Шуни таъкидлаш керакки, қонун ва кодекс ўртасидаги муносабатлар масаласи нафақат назарий, балки амалий аҳамиятга эга. Шуниси эътиборга лойиқки, юридик фан ва таълим соҳасида, кодекс ўзининг юридик кучига кўра қонундан бироз устундир, деган фикрлар ҳам мавжуд. Таъкидланишича, ушбу ўзаро нисбат нисбат қўйидаги шаклларда бўлиши мумкин:

- кодексларнинг ўзида кодекс қонунлардан юқори эканлиги мустақамланиб қўйилади;
- айрим қонунлар кучга киритилганда, тегишли кодексларнинг нормаларига ўзгартиришлар киритилади;
- кодексларнинг ўзи қонунга устунлик беради ва яна бошқа шакллар [3].

Кодекс ва қонун ўртасидаги муносабатларга оид миллий ҳуқуқ назариясида ушбу нисбатни кодекс фойдасига ҳал этувчи қарашлар мавжуд. Масалан, “Қонунчилик техникаси” дарслиги муаллифлари М.Нажимов ва Ш.Сайдуллаевлар “...Кодекс ўзининг мукамаллиги, тузилиши ва барқарорлиги билан оддий қонундан фарқ қилади. Агар қонунчиликнинг маълум бир соҳасида бир вақтнинг ўзида Кодекс ва бир нечта қонун ҳужжатлари мавжуд бўлса, бу ҳолда Кодекс устувор юридик кучга, шунингдек, тартибга солувчилик кучига эга” [4].

Яна бир муаллиф З.Убайдуллаев ёзишича, “Кодекс алоҳида бир соҳанинг норматив қоидалари мажмуини ўзида мужассам этади, унга киритилган нормалар бир-бири билан мантиқий боғланган ва кетма-кет ва тизимли жойлашган бўлади. Айнан мана шу жиҳати билан у оддий қонунлардан устун туради” [5].

Айни пайтда миллий юридикадабиётларда ушбу масала юзасидан илмий тадқиқотлар ҳали етарли эмас. Гарчи қонун ҳужжатларида, аниқроғи кодексларнинг ўзида, мазмуни қонунга нисбатан кодекснинг устуворлигини кўрсатадиган айрим нормалар мавжуд. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги кодексларининг тегишли моддаларига тўхталамиз.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 1-моддаси 1-қисмида мустақамланишича, “Жиноят-ижроия қонунчилиги Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосланади ҳамда ушбу Кодексдан, шунингдек, унга мувофиқ қабул қилинадиган бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборат” [6]. Худди шу мазмундаги норма Оила кодексига ҳам мустақамланган [7]. Ушбу нормалар мазмунидан, кодекс предметига оид муносабатларни тартибга солишда қонунга нисбатан кодекснинг бирламчилиги англашилади.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг (янги таҳрири) “Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари” деб номланган 2-моддасининг 1-қисмига мувофиқ, “Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Кодексдан ва қабул қилиниши ушбу Кодексда тўғридан-тўғри назарда тутилган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан иборат. Бундан кўриниб турибдики, кодекс предметига доир қандай қонунлар қабул қилиниши кераклиги кодексда белгилаб қўйилади.

Айни чоғда Солиқ кодексига бошқа кодекслардан фарқ қилган ҳолда алоҳида норма ҳам мавжуд. “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ёки уларнинг қисмларини ушбу Кодекснинг қоидаларига мувофиқ эмас деб топиш” деб номланган 3-модданинг 1-қисмида мустақамланишича, “Норматив-ҳуқуқий ҳужжат ёки унинг бир қисми, агар мазкур ҳужжатга нисбатан қўйидаги шартлардан ҳеч бўлмаганда биттаси бажарилса, ушбу Кодекснинг қоидаларига мувофиқ эмас деб топилади:

1) ушбу Кодексга мувофиқ бундай ҳужжатларни қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлмаган орган томонидан қабул қилинган бўлса ёхуд норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишнинг белгиланган тартиби бузилган ҳолда қабул қилинган бўлса;

2) солиқ муносабатлари субъектларининг ушбу Кодексда назарда тутилган ҳуқуқларини бекор қилса ёки чекласа;

3) солиқ муносабатлари субъектлари ҳаракатларининг ушбу Кодексда белгиланган асосларини, шартларини, кетма-кетлигини ёки тартибини ўзгартирса;

4) ушбу Кодексда тақиқланган ҳаракатларга рухсат берса ёки йўл қўйса;

Ушбу Кодексга мувофиқ бўлмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилган орган ёки унинг юқори турувчи органлари бу ҳужжатни бекор қилишга ёки унга зарур ўзгартишлар киритишга ҳақли. Бу органлар ушбу Кодексга мувофиқ бўлмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатни бекор қилишни ёки унга зарур ўзгартишлар киритишни рад этган тақдирда, у суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат ёки унинг қисми улар қабул қилинган санадан эътиборан ушбу Кодексга мувофиқ эмас деб топилади” [8].

Бу ҳолатда қонун ва кодекснинг бундай нисбати, бизнингча, улар тартибга соладиган муносабатларнинг ўзига хослиги, яъни солиқ муносабатлари ва уларнинг давлатнинг нормал фаолият юритиши учун зарурий аҳамияти билан боғлиқ.

Солиқ кодексининг 3-моддасида Солиқ кодексининг тартибга солиш предмети бўйича бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан устуворлиги тўғрисидаги қоидалар, бизнингча, биров тушунтиришни талаб қилади. Кўриниб турибдики, Солиқ кодексига норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳақида гап кетганда, қонунчилик ҳужжатлари эмас, балки фақат қонуности, аниқроғи идоровий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар назарда тутилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси «Бюджет тўғрисидаги қонунчилик» деб номланган 2-моддасининг 1 ва 2-қисмларига мувофиқ «“Бюджет тўғрисидаги қонунчиликнинг бошқа қонунчилик ҳужжатларида кўрсатилган нормалари ушбу Кодексга мувофиқ бўлиши керак” [9].

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексининг “**Фуқаролик қонунчилиги ҳужжатлари**” деб номланган 3-моддаси 2 ва 3 қисмларига мувофиқ белгилаб қўйилганки, “Бошқа қонунлар ва қонунчилик ҳужжатларидаги фуқаролик қонунчилиги нормалари ушбу Кодексга мос бўлиши шарт.

Вазирликлар, идоралар ва бошқа давлат органлари **ушбу Кодексда, бошқа қонунлар ҳамда қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва доирада** фуқаролик муносабатларини тартибга солувчи ҳужжатлар чиқариши мумкин” [10].

Шу жойда Фуқаролик кодекси қонун ва кодекснинг ўзаро муносабати масаласида анча аниқликка эгаллигини кўриш мумкин, чунки юқоридаги модда қисмларида кодекс предметида оид қонунчилик нормалари кодексга мос бўлиши шартлигидан ташқари идоровий норма ижодкорлигининг кодекс предметида оид қисмининг шарт-шароитлари ҳам белгилаб қўйилган.

Шу ўринда кодексларда қонун ва кодекснинг ўзаро нисбатининг мустаҳкамланишида ушбу кодекслар тартибга соладиган муносабатларнинг хусусияти, уларни тартибга соладиган қонунчиликнинг ўзига хос жиҳатлари каби омилларни эътиборга олиш керак бўлади. Масалан, солиқ муносабатлари бевосита давлатнинг функцияларини амалга оширишнинг моддий таъминланиши билан боғлиқ масала эканлиги ушбу кодексда қонун ва кодекс ўртасидаги нисбат асосларининг бирмунча батафсил мустаҳкамланишини белглаб берган бўлса, меҳнат кодексига эса бу масалага алоҳида эътибор қартишга эҳтиёж йўқлиги, чунки кодекс предметида ташкил этувчи муносабатлар меҳнат тўғрисидаги қонунчилик, жамоа келишувлари, шунингдек жамоа шартномалари ва бошқа локал норматив ҳужжатлар билан тартибга солиниши билан изоҳланади, деган хулосага келиш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг қатор кодексларида кодекснинг ушбу кодекснинг предметида тартибга соладиган муносабатларни қонунчилик ҳужжатларига нисбатан муносабати ва нисбати масаласи бирон-бир қоида назарда тутмаган, масалан шаҳарсозлик, ҳаво, сайлов кодекслари.

Шу ўринда мамлакатимизда кодификация жараёни анча жадал суръатларда амалга

ошаётганлигини кўришимиз мумкин. Бугунги кунда кўплаб ҳуқуқ тармоқларидаги муносабатларни тартибга солувчи 18 та кодекс амалда бўлиб, улар Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик, фуқаролик-процессуал, жиноят, жиноят-процессуал, жиноят-ижроия, маъмурий жавобгарлик, маъмурий суд ишларини юритиш, иқтисодий-процессуал, шаҳарсозлик, оила, меҳнат, божхона, турар-жой, солиқ, ер, ҳаво, бюджет ва сайлов кодексларидир.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикасининг тадбиркорлик, экологик, Нодавлат-нотижорат ташкилотлари ҳақида, ахборот, соғлиқни сақлаш кодексларини қабул қилиш қилиш режалаштирилган бўлиб, ҳозирги кунда уларнинг лойиҳалари ишлаб чиқилган, тегишли тартибда муҳокамадан ўтганидан сўнг қабул қилинади.

Таъкидлаш жоизки, амалдаги кодексларнинг айримлари ўз мазмуни ва тартибга соладиган муносабатлари хусусиятларига кўра функциявий тусдаги кодекслардир. Бундай кодексларга мисол қилиб, шаҳарсозлик, бюджет ва сайлов кодексларини келтиришимиз мумкин.

Ўзбекистонда қонун билан кодекснинг ўзаро нисбати масаласидаги фикримизни яқунлаб, шу аснода қуйидаги хулосаларни илгари суриш мумкин:

- миллий ҳуқуқ фанида қонун ва кодекснинг ўзаро боғлиқлиги масаласига оид назарий ишланмалар етарли эмаслиги, шу муносабат билан бу борадаги тадқиқотларни кучайтириш ва кенгайтириш зарурлиги;

- айна пайтда мамлакатимизда 5 та кодекс лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда, бироқ жамоатчилик билан алоқалар тўхтаб қолаётгани йўқ, ҳар бир соҳа бўйича салмоқли миқдордаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинаётгани уларни қўллашда қийинчиликларга, такрорийлик, ноаниқлик ва ҳоказоларга олиб келмоқда.

- ана шундай йўналишлардан бири норма ижодкорлиги жараёни бўлиб, у турли даражадаги ва юридик кучга эга бўлган турли ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади. Шу муносабат билан ушбу соҳадаги асосий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни бирлаштириб, тизимга солувчи ҳамда тегишли қонунчиликни такомиллаштиришга хизмат қиладиган Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар (ёки Қоидалар ижодкорлиги тўғрисидаги кодекс) лойиҳасини ишлаб чиқишни режалаштириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Эргашев И.А. Солиқ интизомини таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш. Т.:Юрид.фанл.докт. илм. дараж. олиш учун ёзилг. дисс. автореф. Т.: 2023. Б.17;

2. Ўзбекистон Республикасининг Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги ЎРҚ 682-сон Қонуни // URL: <https://lex.uz/docs/5378966>;

3. Тихомиров Ю.А. Теория кодекса // Кодификация законодательства: теория, практика, техника. Н.Новгород.2009;

4. Нажимов М.К., Сайдуллаев Ш.А. Қонунчилик техникаси. Қайта ишланган ва тўлдирилган 2-нашр. –Т.: ТДЮИ, 2012;

5. Убайдуллаев З. Кодификация законодательных актов— важная задача // «Народное слово», 23 декабря 2010 года;

6. Ўзбекистон Республикаси Жиноий-ижроия кодекси // URL: <https://lex.uz/docs/163627>;

7. Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси // URL: <https://lex.uz/docs/104723>;

8. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. (янги таҳрири) // URL: <https://lex.uz/docs/4674902>;

9. Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси // URL: <https://lex.uz/acts/230413>;

10.Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси // URL: <https://lex.uz/docs/111189>.


ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

ХУЖАНАЗАРОВ Азизжон Анварович

Тошкент давлат юридик университети “Давлат ва ҳуқуқ назарияси”
кафедраси катта ўқитувчиси, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)
E-mail: a.xujanazarov@tsul.uz

ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ҚОНУНЛАР: ТАҲЛИЛ ВА ТАКЛИФ

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): ХУЖАНАЗАРОВ А.А.
Тўғридан-тўғри таъсир қилувчи қонунлар: таҳлил ва таклиф // Юрист ахборотномаси –
Вестник юриста – Lawyer herald. № 2 (2023) Б. 14-18.

 2 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2023-2-2>

АННОТАЦИЯ

Сўнгги йилларда, норма ижодкорлиги соҳасига оид илмий изланишлар ва концептуал тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Мазкур тадқиқот ишлари ўз навбатида ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва қонунчиликни такомиллаштиришга хизмат қилмоқда. Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган мазкур изланишлар ўз навбатида барқарор қонунчиликни яратилишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Шундан келиб чиқиб, ушбу мақолада “Тўғридан-тўғри таъсир қилувчи қонунлар” мавзуси илмий таҳлил қилинган бўлиб, унда соҳага оид илмий тадқиқот ишлари ва қонунчилик ҳужжатлари асосида баён қилинган. Мақолада ҳозирги кунга қадар қабул қилинган қонунчилик ҳужжатларига оид статистик кўрсаткичлар амалий мисоллар асосида тизимли таҳлил қилинган. Шунингдек, ушбу мақолада тўғридан-тўғри таъсир қилувчи қонунларни ишлаб чиқиш бўйича қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган муаллифлик таклифи илгари сурилган ва ҳуқуқий жиҳатдан асослаб берилган.

Калит сўзлар: қонун, норма, қоида, давлат, норма ижодкорлиги, юридик, таъсир.

ЗАКОНЫ ПРЯМОГО ДЕЙСТВИЯ: АНАЛИЗ И ПРЕДЛОЖЕНИЕ

ХУЖАНАЗАРОВ Азизжон Анварович

Старший преподаватель кафедры “Теория государства и права”
Ташкентского государственного юридического университета,
доктор философии по юридическим наукам (PhD)
E-mail: a.xujanazarov@tsul.uz

АННОТАЦИЯ

В последние годы проводятся научные и концептуальные исследования в области нормотворчества. Исследовательские работы, в свою очередь, служат совершенствованию законодательства и правоприменительной практики, и в свою очередь, приобретают все большее значение в создании стабильного законодательства. Исходя из этого, в статье анализируется определение «законы прямого действия», что разъясняется на основе

научно-исследовательских работ и нормативно-правовых документов, относящихся к данной сфере. В статье приводятся статистические показатели нормативно-правовых документов на примере практики. На основе анализа выдвигается и юридически обосновывается авторское предложение по совершенствованию законодательства с учетом разработки закона прямого действия.

Ключевые слова: закон, норма, правило, государство, норма, творчество, правовое, влияние.

KHUJANAZAROV Azizjon

Senior lecturer of Tashkent State University of Law,

Doctor of Philosophy (PhD) in Law

E-mail: a.xujanazarov@tsul.uz

LAWS OF DIRECT ACTION: ANALYSIS AND OFFER

ANNOTATION

In recent years, scientific research and conceptual studies in the field of rulemaking have been carried out. These research works, in turn, serve to improve law enforcement practice and legislation. These studies aimed at improving rule-making, in turn, are becoming increasingly important in the creation of stable legislation. Based on this, this article scientifically analyzes the topic "Directly affecting laws", which is explained on the basis of research papers and legal documents related to this area. The article systematically analyzes the statistical indicators of the legal documents adopted so far on practical examples. Also, this article puts forward and legally substantiates the author's proposal aimed at improving the legislation on the development of laws of direct action.

Keywords: law, norm, rule, state, norm, creativity, legal, influence.

Энг муҳим ва барқарор ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат бу – Қонун ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси асосида ва уни ижро этиш учун қабул қилинади.

Давлатимиз тарихида илк қонун "Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили тўғрисида" ги Қонуни 1989 йил 21 октябрда қабул қилинган. Ушбу Қонун ўзбек тилининг Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида (майдонида) давлат тили сифатида амал қилишининг ҳуқуқий асосларини белгилаб берди [1].

Маълумот ўрнида:

Бугунги кунга қадар жами 80 459 та қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинган бўлса, шундан 3715 тасини қонунлар ташкил қилади [2].

Таъкидлаш лозимки, сўнгги йилларда норма ижодкорлиги фаолиятида ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган тўғридан-тўғри таъсир қилувчи қонунларни қабул қилиш амалиёти кенг йўлга қўйилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида "қонун лойиҳаларини пухта ва ижтимоий муносабатларни тўғридан-тўғри тартибга соладиган даражада ишлаб чиқиш, айниқса, идоравий ҳужжатларни кескин қисқартириш зарур" лигини таъкидлаб ўтган [3].

Қонунчилик амалиётида биринчи марта, қонунчилик ҳужжатларининг "тўғридан-тўғри таъсири" га оид ҳуқуқий механизм конституцион норма билан белгиланди.

Хусусан, Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15-моддаси иккинчи қисмида Конституция мамлакатнинг бутун ҳудудида олий юридик кучга эга, тўғридан-тўғри амал қилади ва ягона ҳуқуқий маконнинг асосини ташкил этиши белгилаб қўйилади [4].

“Тўғридан-тўғри таъсир қилувчи қонунлар” мавзуси доирасида “Қонун” тушунчасини илмий таҳлилини кўриб чиқиш ўринли.

Ҳуқуқ манбаси сифатида “Қонун” категориясини юриспруденция йўналишида тушуниш борасида ҳуқуқшунос олимлар томонидан турли илмий концепциялар илгари сурилган.

Хорижлик олим М.Лонг, қонуннинг асосий мазмунини инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари ташкил этиши, давлатнинг асосий вазифаси уларни ҳимоя қилиш ва амалга ошириш эканлигини таъкидлайди. Демак, давлат ҳокимияти органларининг қонунчилиқни тартибга солиш жараёнидаги ҳаракатлари ҳуқуқ манбаи сифатида қонуннинг ўзини алмаштирадиган керак [5, Б.10].

А.Петковнинг фикрича, қонун жамиятдаги ижтимоий муносабатларининг барча соҳаларини, хусусан: давлат аппаратини ташкил этиш ва фаолиятини, ижтимоий тизим асосларини, давлат фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликларини, ҳуқуқ субъектлари ўртасидаги муносабатларни ва бошқаларни тартибга солади [6, Б.55].

Р.Луцкий ўз тадқиқот ишларида “Қонун” нинг тегишли хусусиятларини таҳлил қилиб, қуйидаги хусусиятларни қайд этиб ўтган, яъни: а) бу табақалаштирилган ҳуқуқий нормалар мажмуи, чунки давлат аппарати қонун ижодкорлиги ваколатига эга бўлган органларнинг кўп тармоқли тузилишига эга ва улар амалга ошириладиган бошқа функцияларнинг улкан доирасига эга; б) иерархик тузилмадир, чунки бу тизим турли хил актларнинг юридик кучи асосида қурилган; в) тартибга солиш предмети, ҳуқуқни амалга ошириш ва амалга ошириш субъектлари, манбалардаги кўрсаткичлар ҳақида батафсил маълумот берилган [7, Б.27].

“Тўғридан-тўғри таъсир қилувчи қонунлар”га мисол сифатида А.Б.Венгеронинг фикрича, “қонуннинг бевосита ҳаракати” ўз навбатида барча ҳуқуқларни ўз ичига олган ҳуқуқни амалга оширишнинг мустақил ижтимоий шакли сифатида қаралиши мумкин [8].

Бундан ташқари, миллий олимларимиз А.Х.Саидов, З.М.Исломов, Х.Т.Одилқориев, М.А.Ахмедшаева, О.Т.Хусанов, М.К.Нажимовларнинг илмий асарларида ушбу мавзунинг айрим жиҳатлари атрафлича тадқиқ этилган.

Шунга қарамасдан, “тўғридан-тўғри таъсир қилувчи қонунлар” мавзуси монографик тадқиқот иши даражасида комплекс ўрганилмаганлигини қайд этиш мумкин.

Шунингдек, ушбу илмий мақоламизда тадқиқотда илмий билишнинг таҳлил, умумлаштириш, қиёсий-ҳуқуқий, мантиқий, тарихий, статистик, сотсиологик, тизимли-тузилмавий, формал-юридик ўрганиш усулларидадан фойдаланилди.

Норма ижодкорлиги соҳасига оид илмий изланишлар таҳлили “Тўғридан-тўғри таъсир қилувчи қонунлар” мавзуси доирасида етарлича тадқиқотлар амалга оширилмаганлигини кўрсатмоқда.

Шундай бўлсада, айрим олимлар ва соҳа мутахассислари ўзларининг изланишлари ва манбаларида “Тўғридан-тўғри таъсир қилувчи қонунлар” мавзусига қисман тўхталиб ўтишган.

2018 йил 24 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини амалга ошириш бўйича Қонунчилик палатаси Спикери Н.Исмоилов раҳбарлигидаги комиссиянинг йиғилишида “Бугунги кенг кўламли ва шиддатли ислохотлар даврида ҳар бир қонунни пишиқ-пухта, тўғридан-тўғри ишлайдиган қилиб яратишни даврнинг ўзи тақозо этаётганлиги, бундан буён қуйи палата киритилаётган қонун лойиҳаларининг сифати, уларнинг тўғридан-тўғри амал қилувчи ҳужжат сифатида нечоғлик тайёрлангани масаласига жиддий эътибор қаратилиши қайд этиб ўтилган. Қонун ижодкорлиги соҳасида шу пайтга қадар учраб турган долзарб муаммолар – идоравий қонун ости ҳужжатларининг кўплиги ҳамда ҳуқуқни қўллашда турлича талқин қилиш ва мураккабликлар юзага келишига сабабчи бўлаётган бошқа омилларни бартараф этиш бугунги куннинг муҳим вазифаси эканлиги алоҳида таъкидланган” [9].

Маълумот ўрнида:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида 2019 йил муҳокама қилинган «Таълим тўғрисида»ги Қонун лойиҳасининг муҳокамаси жараёнида 238 та нормага тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Лойиҳадан идоравий норматив-ҳуқуқий

хужжатларни имкон қадар қисқартириш, умумий тусдаги, ҳаракатсиз ва ҳуқуқни қўллашга таъсир этмайдиган қонун ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш оқибатида 123 та норма чиқариб ташланди. Уларнинг ўрнига **54 та янги тўғридан-тўғри амал қилувчи** нормалар киритилди. Жумладан, таълим бериш тили билан боғлиқ модда ҳаволаки тусда бўлиб қолгани боис, депутатлар томонидан уни қонун лойиҳасидан чиқариб ташлаш таклиф қилинди. Бу албатта, хужжатнинг ҳаволаки нормалардан ҳоли бўлиши, амалиётда тўғридан-тўғри ишлашини таъминлашга хизмат қилади [10].

Бугунги кунда, мамлакатимизда ҳуқуқни қўллаш амалиётида ижтимоий муносабатлар асосан қонун ости ҳужжатлари асосида тартибга солиниши ҳолатлари кўпайиб бормоқда.

Мазкур ҳолатларни тизимли тартибга солиш, хусусан энг муҳим ва барқарор ижтимоий муносабатлар асосан қонунлар орқали тартибга солиниши бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги ПФ-5505-сон Фармони билан тасдиқланган Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш Концепциясининг биринчи йўналиш, 7-бандида, “тўғридан-тўғри амал қилувчи қонунларни қабул қилишнинг самарали механизмларини жорий этиш” белгиланган [11].

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2019 йил 26 мартдаги 2419-III/КҚ-523-III-сонли Қўшма қарори билан Тўғридан-тўғри амал қилувчи қонунларда тизимлаштирилиши ва унификация қилиниши лозим бўлган қонун ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш бўйича Йўл харитаси тасдиқланиб, тизимлаштирилиши ва унификация қилиниши лозим бўлган қонунчилик ҳужжатлари ҳисобига 60 дан зиёд тўғридан-тўғри амал қилувчи қонунларни Парламентга киритиш кўзда тутилди [12].

Қонунларга эмас, асосан, қонуности ҳужжатларига таяниш нафақат ҳуқуқни қўллаш амалиётини мураккаблаштиради, балки коррупция учун қулай шароит яратиб, турли давлат органларига уларни ўз хоҳишларига қараб талқин қилиш имконини ҳам беради. Вазирлик ва идоралар томонидан тайёрланган қонунлар ҳамда бошқа ҳужжат лойиҳаларида аксар ҳолларда тор идоравий манфаатлар устунлик қилиб, уларни амалга оширишнинг аниқ механизмлари, муайян вазиятнинг чуқур таҳлили мавжуд эмас.

Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясига кўра, идоравий норматив ҳужжатлар қабул қилиш тажрибасидан босқичма-босқич воз кечиш назарда тутилган. Бунинг ўрнига қўшимча тушунтиришларсиз тўғридан-тўғри таъсир қиладиган қонунлар қабул қилишни таққозо этмоқда.

Маълумот учун:

Ҳозирга қадар **жами 80 459 та** қонунчилик ҳужжатлари, шундан 3715 таси қонун, 13938 таси Президент ҳужжатлари, 29122 таси Ҳукумат қарорлари, 22643 таси идоравий-норматив ҳуқуқий ҳужжатлар, 11041 таси маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорлари қабул қилинган.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, шу кунга қадар қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг **атиғи 4,6 фоизини** қонунлар ташкил қилмоқда [2].

Айни вақтда тўғридан-тўғри ишлайдиган қонунларни қабул қилиш бўйича самарали ишлар олиб борилаётганига қарамай қонуности ҳужжатларининг салмоғи камаймаяпти.

Миллий қонунчилик базасини қонун ости ҳужжатлари, айниқса идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ҳисобига салмоғи ортганлигини ҳисобга олиб, **Тўғридан-тўғри амал қилинувчи қонунларни тайёрлаш методикасини** яратиш зарурати мавжудлигини кўрсатмоқда.

Хулоса ўрнида қайд этилганлардан келиб чиқиб, қуйидагиларни назарда тутувчи “Тўғридан-тўғри амал қилинувчи қонунларни тайёрлаш” методикасини ишаб чиқиш таклиф этилади:

– қонун қабул қилинганидан сўнг, унинг ижросини таъминлаш учун бир-бирига зид, айрим бошқарув соҳаларининг манфаатларини ёқловчи қонуности ҳужжатлар ва йўриқномалар пайдо бўлмаслиги ҳамда уларга эҳтиёж туғилмаслиги лозим. Шу сабабли,

қонуннинг ижро механизми ҳаволаки нормалар орқали қонуности ҳужжатларида эмас, қонуннинг ўзида ифода этилиши мақсадга мувофиқ;

– суд ва давлат идораларида фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бевосита қонунчилик нормаларида белгилаш ҳамда уларнинг бир нечта қонун ости ҳужжатлари эмас, тегишли қонун нормаларига таяна олишларини таъминлашни назарда тутувчи ҳуқуқий механизмларни ишлаб чиқиш;

– идоравий ҳужжатлар билан қонунларни ишлаш механизмини белгилаш, яъни, қонунни ҳаракатга келтириш усулидан воз кечиш бўйича аниқ ҳуқуқий тартиб-таомиллар;

Ушбу методика орқали қонун қабул қилинганидан сўнг, унинг ижросини таъминлаш учун бир-бирига зид, айрим бошқарув соҳаларининг манфаатларини ёқловчи қонуности ҳужжатлари пайдо бўлмаслигида, қонуннинг ижро механизми ҳаволаки нормалар орқали қонуности ҳужжатларида эмас, қонуннинг ўзида ифода этилишида, шунингдек фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг бир нечта қонун ости ҳужжатлари эмас, айнан аниқ нормаларга таяна олишларини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

“Инсон қадр” тамойилидан келиб чиқиб, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини жамият ва давлат соҳаларида тўла-тўқис таъминлашни учун, яратилаётган қонунчилик ҳужжатларининг “тор доира” манфаатларига хизмат қилишини олдини олиши мақсадида тўғридан-тўғри амал қилинувчи қонунларни қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этади.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили тўғрисида”ги Қонуни // URL: <https://lex.uz/docs/109394>;
2. Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базасининг 26.03.23 йилги маълумотлари // URL: <https://www.lex.uz>;
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган маросимдаги маърузаси. // <https://www.gazeta.uz/uz/2016/12/07/speech>;
4. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // URL: <https://lex.uz/docs/6445145>;
5. Лонг М. ЗАКОН // Правовые исследования во Франции. 2007. №2007. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/zakon>;
6. Петков Александр Сергеевич Закон в системе источников (форм) права: правовая характеристика // Огарёв-Online. 2015. №16 (57) // URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/zakon-v-sisteme-istochnikov-form-prava-pravovaya-harakteristika> (дата обращения: 26.03.2023).
7. Луцький Р.П. Ієрархічність правових джерел (нормативних актів) як відображення буття позитивного права // Часопис Київського університету права. – 2012. – № 2. – С. 18–21;
8. https://elementary_law.academic.ru;
9. Тўғридан-тўғри амал қиладиган қонунлар – ислохотлар самарадорлиги гарови // URL: <https://meningfikrim.uz/uz/news/view/257>;
10. «Таълим тўғрисида»ги Қонун лойиҳасининг муҳокамаси ҳамон давом этаётганига сабаб нимада? // URL: <https://kun.uz/17839283>;
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги “Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5505-сон Фармони // URL: <https://lex.uz/docs/3858817>;
12. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2019 йил 26 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Норма ижодкорлиги ва парламент назорати йўналишидаги фаолиятини кучайтириш ҳамда самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2419-III/КҚ-523-III-сон қўшма қарори // URL: <https://lex.uz/ru/docs/4612033>;

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ. МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ

АБДУЛЛАЕВА Мафтуна Мурот қизи
Тошкент давлат юридик университети докторанти (DSc),
юридик фанлар бўйича фалсафа фанлари доктори (PhD)
E-mail: Mary.Lennox.92@mail.ru

ЎЗБЕКИСТОНДА КОНСТИТУЦИЯВИЙ ШИКОЯТНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ МУАММОЛАРИ

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): АБДУЛЛАЕВА М.М.
Ўзбекистонда конституциявий шикоятни амалга оширишнинг муаммолари // Юрист
ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 2 (2023) Б. 19-23.

 2 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2023-2-3>

АННОТАЦИЯ

Мақолада конституциявий шикоят институти инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилувчи воситаларидан бири сифатида таҳлил қилинади. Ушбу институтнинг муҳим хусусиятлари, конституциявий шикоятнинг моҳияти, унинг турлари ва асосий хусусиятлари бўйича маҳаллий ва хорижий тадқиқотчиларнинг нуқтаи назари ёритилади. Конституциявий шикоят институти миллий қонунчиликда татбиқ этиш масаласи, шунингдек, ушбу институтни хорижий мамлакатларда қўллаш тажрибаси қиёсий жиҳатдан таҳлил қилинади. Ривожланишнинг ҳозирги босқичида Конституциявий суд ваколатларини модернизация қилиш тенденциялари ва имкониятлари алоҳида қайд этилган. Конституциявий суд фаолиятини фаоллаштириш ва самарадорлигини ошириш, айниқса инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш даражасини ошириш мақсадида амалдаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритиш таклиф қилинди.

Калит сўзлар: инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатлари, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, конституциявий судлов, Конституциявий суд, конституциявий шикоят, конституциявий суд ишларини юритиш.

АБДУЛЛАЕВА Мафтуна Мурот қизи
Докторант Ташкентского государственного юридического университета (DSc),
доктор философии по юридическим наукам (PhD)
E-mail: Mary.Lennox.92@mail.ru

ПРОБЛЕМЫ РЕАЛИЗАЦИИ КОНСТИТУЦИОННЫХ ЖАЛОБ В УЗБЕКИСТАНЕ

АННОТАЦИЯ

В статье анализируется институт конституционной жалобы как средство защиты прав и свобод человека. Рассмотрены характеристики этого института, ее виды и ключевые особенности с точки зрения отечественных и зарубежных исследователей. Проанализирован вопрос правового закрепления этого института, и осуществлено сопоставление с опытом применения указанного института в зарубежных странах. Также, отмечены тенденции развития и возможности модернизации компетенции Конституционного Суда на современном этапе развития. Предложено внесение изменений в действующее законодательство с целью активизации и повышения эффективности деятельности Конституционного Суда, с учетом оптимизации защиты прав и свобод человека.

Ключевые слова: гарантии прав и свобод человека, защита прав и свобод человека, конституционная юстиция, Конституционный Суд, конституционная жалоба, конституционное судопроизводство.

ABDULLAYEVA Maftuna

The doctoral student of Tashkent State University of law (DSc),
Doctor of Philosophy (PhD) in Law
E-mail: Mary.Lennox.92@mail.ru

THE PROBLEMS OF IMPLEMENTATION OF CONSTITUTIONAL COMPLAINT IN UZBEKISTAN

ANNOTATION

The article analyzes the institute of a constitutional complaint as a means of protecting human rights and freedoms. The author considers essential features of this institution taking into account the standpoint of domestic and foreign researchers on the nature of a constitutional complaint, its types and key features. The author analyses the enshrinement of a constitutional complaint into the legislation, as well as compares the foreign experience of the application of the institute. The development trends and upgradeability of the competence of the Constitutional Court at the present stage of development are noted. The author proposes changes to the current legislation of the in order to strengthen and enhance the effectiveness of the activities of the Constitutional Court and, in particular, in order to increase the level of protection of the human rights and freedoms.

Keywords: guarantees of human rights and freedoms, protection of human rights and freedoms, constitutional justice, Constitutional Court, constitutional complaint, constitutional process.

Ўзбекистон Республикаси Янги таҳридаги Конституциясининг 13 моддасида “Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади” деб белгилаб қўйилган. Мазкур вазифаларни амалга оширишда қафолатлар ҳам белгиланган бўлиб, шундан қафолатлардан бири суд орқали ҳимоя қилишдир. Айнан су конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларни ҳамда қадриятларни ҳимоя қилувчи қафолатлардан биридир. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди фаолиятининг ҳам бош мақсади даставвал инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, давлат ҳокимияти тармоқлари ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатини барпо этиш, Конституциянинг устунлигини таъминлаш ҳамда уни махсус муҳофаза қилишдир.

Конституциявий суд ваколатлари орасида инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ваколати долзарб ҳисобланади. Шу боис Конституциявий судларнинг энг муҳим ваколатларидан бири бу конституциявий шикоятларни кўриб чиқишдир. Конституциявий шикоят инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш бўлибгина қолмай, “замонавий демократик давлатнинг асосини ташкил этади [1]”.

Ўзбекистонда 2021 йилдаги “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий Қонуни билан конституциявий шикоят институти, яъни Фуқаролар ва юридик шахсларнинг конституциявий ҳуқуқлари бузилганлиги устидан шикоятлар бўйича муайян ишда қўлланилган қонуннинг Конституцияга мувофиқлигини аниқлаш тўғрисидаги ишларни юритиш жорий этилди.

Маълумки адабиётларда конституциявий шикоятнинг аниқ ва мавҳум турлари келтириб ўтилади. Мавҳум конституциявий шикоятда ҳар бир шахс норматив-ҳуқуқий ҳужжат эълон қилингандан сўнг конституциявий шикоят билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга, бунда асосий ҳуқуқ ва эркинликлари бузилган бўлиши шарт эмас. Аниқ конституциявий шикоятда эса даъвони тақдим этишда, умумий нормаларни қўллашда арзчининг қонуний манфаатларини исботлаш талаб этилади. Шунингдек норматив конституциявий шикоят тури мавжуд бўлиб, бу турдаги конституциявий шикоятда ҳар бир шахс ўзининг субъектив ҳуқуқлари норматив ҳужжат асосида қабул қилинган индивидуал ҳужжат натижасида бузилиши устидан шикоят бериши мумкин. Яъни бунда шахснинг ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етган бўлиши керак. Ўзбекистон қонунчилигига мувофиқ норматив конституциявий шикоят тури ҳамда фақат қонунлар устидан шикоят қилиш мумкинлиги жиҳатидан қисман (норматив конституциявий шикоят) тури жорий этилган. Норматив конституциявий шикоятнинг икки тури мавжуд. тўлиқ – бу каби ҳолатда ҳар бир шахс конституциявий судга ҳар қандай ҳуқуқий ҳужжатнинг конституциявийлигини аниқлаш масаласи бўйича ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг барча имкониятларидан фойдаланиб бўлганидан сўнг мурожаат қилиши мумкин. қисман мазкур турдаги шикоятнинг ўзига хос хусусияти конституциявий шикоятнинг объектлари доираси чекланганлигидадир. Бу асосан судлар томонидан қўлланилган муайян қонуннинг конституциявийлиги масаласи Конституциявий судда низолашилади.

Ўзбекистон қонунчилигига мувофиқ, конституциявий шикоят берилиши учун қуйидаги талаблар мавжуд:

конституциявий шикоятнинг предмети фақат **Қонун** нормалари бўлиши мумкин (бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар эмас);

этироз билдирилаётган қонун шикоятчининг ҳуқуқ ёки мажбуриятларига дахл қилиши керак – бошқача қилиб айтганда, муайян шахснинг бузилган ҳуқуқсиз жамоат манфаатларини кўзлаб (астио популярис) шикоят беришга йўл қўйилмайди;

шикоятчига нисбатан низоли қонун қўлланилган суднинг якуний қарори қабул қилиниши керак, (судда ишни кўриб чиқиш тугаган бўлиши керак) яъни судда ҳимоя қилишнинг бошқа барча воситаларидан фойдаланиб бўлинган бўлиши керак.

Қонун билан мазкур талаблар ўрнатилган бўлсада такомиллаштирилиши лозим бўлган қуйидаги масалалар мавжуд:

Биринчидан, Қонунда конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари муайян ишда қўлланилган ва Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ бўлмаган қонунда бузилган деб ҳисобловчи **фуқаролар ҳамда юридик шахсларнинг шикоятлари**, агар судда ҳимоя қилишнинг бошқа барча воситаларидан фойдаланиб бўлинган бўлса, судда ишни кўриб чиқиш тугаган кундан эътиборан бир йилдан кечиктирмай берилади деб белгиланган. Аммо қонун билан чет эллик фуқаролар ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг конституциявий шикоят билан мурожаат қилиш ҳуқуқидан хусусида сўз юритилмаган. Хорижий мамлакатлар Германия, Грузияда ўз ҳуқуқ ва эркинликлари бузилган деб ҳисобловчи ҳар бир шахс Конституциявий судга конституциявий шикоят билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга [2]. Хусусан Латвиянинг Конституциявий суд

тўғрисидаги қонунига мувофиқ, ҳар бир шахс конституциявий шикоят билан мурожаат қилиш ҳуқуқи келтирилган [3].

Шу билан биргаликда Россия Федерациясининг Конституциявий суди тўғрисидаги қонунига мувофиқ, жамоавий тарзда конституциявий шикоят тақдим этиш ҳуқуқи назарда тутилган. Фикримизча миллий қонунчилигимизда ҳам жамоавий (коллектив) тарзда шикоят бериш ҳуқуқи хусусида ёритиш мақсадга мувофиқ.

иккинчидан, таъкидлаш жоизки конституциявий шикоят тушунчаси қонунда фойдаланилмаган. Фақатгина “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ–6012-сон Фармони (2020) да конституциявий шикоят атамасидан фойдаланилган. Қонунда “фуқаролар ва юридик шахсларга муайян ишда қўлланган қонун билан уларнинг конституциявий ҳуқуқлари бузилгани юзасидан шикоят” жумласи қўлланилган. Фикримизча қонунда конституциявий шикоят институтининг аниқ таърифини келтирилиши келгусидаги тушунмовчиликларни олишда муҳим рол ўйнайди.

учинчидан, қонунга мувофиқ конституциявий шикоят судда ишни кўриб чиқиш тугаган кундан эътиборан бир йилдан кечиктирмай берилиши белгиланган. Бироқ қонунда процессуал муддатлар билан боғлиқ барча муносабатларни тўлиқ қамраб олинмаган. Хусусан қонунда процессуал муддатларни ўтказиб юбориш, унинг ҳуқуқий оқибатлари, процессуал муддатлар ўтказиб юборилганда суд томонидан амалга оширилиши лозим бўлган процессуал ҳаракатлар тавсифи, процессуал муддатларни тўхтатиб туриш, узайтириш ва тиклаш масаласи, агар процессуал ҳаракат судда амалга оширилиши керак бўлса бундай ҳолатларда процессуал муддатни белгилаш масаласи очиқ қолдирилган. Қонунда процессуал муддатлар билан боғлиқ 3 та модда (10 боб) келтириб ўтилган бўлиб, (ишни кўриб чиқиш муддатлари, процессуал муддатларни ҳисоблаш, процессуал муддатларнинг тугаши) мазкур моддалар процессуал муддатлар билан боғлиқ асосий қоидаларни акс эттирмайди.

тўртинчидан, босқичма-босқич конституциявий шикоятнинг тўлиқ шаклини жорий этиш лозим (тўлиқ конституциявий шикоят– бу ҳар бир шахс конституциявий судга ҳар қандай норматив ҳуқуқий ҳужжатнинг конституциявийлигини аниқлаш масаласи бўйича ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг барча имкониятларидан фойдаланиб бўлганидан сўнг мурожаат қилиши мумкин). Ҳозирги кунда фақат қонун устидан шикоят қилиш мумкин бўлиб, келгусида барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар устидан шикоят қилиш ҳуқуқи берилиши лозим. Бу борада Европа Кенгашининг Венеция комиссияси “модомики давлат ҳокимиятининг ҳар қандай ҳужжати устидан шикоят қилиш мумкин экан, тўлиқ конституциявий шикоят шубҳасиз, конституциявий одил судловга кенг қамровли индивидуал мурожаат қилиш имконини бериши”да деб баҳолайди [4].

бешинчидан, конституциявий шикоят институтини самарали ишлаши учун энг аввало, конституциявий суд иш юритувига оид масалаларни тўлиқ тартибга солиш лозим. Амалдаги қонун конституциявий суд иш юритуви билан боғлиқ барча масалаларни қамраб ололмайди. Хусусан, процессуал муддатлар, далиллар, исботлаш, эксперт, мутахассисларнинг жавобгарлиги ва ҳ.к. Хорижий мамлакатларда конституциявий суд иш юритуви масалалари қонун билан қамраб ололмаган масалалар бўлса, фуқаролик процессуал ҳамда иқтисодий процессуал моддалар нормаларига ҳавола этилади. Хусусан, Испаниянинг “Конституциявий трибунал тўғрисида”ги Қонунининг 80-моддасига мувофиқ, “Фуқаролик процессуал кодекси ҳамда суд ҳокимияти тўғрисидаги органик қонунларнинг қоидалари мазкур қонунга қўшимча сифатида қўлланилади. Қуйидагилар: процессда иштирок этиш, номзодни рад этиш, ўзини ўзи рад этиш, процессуал ҳужжат шакллари ҳамда ошкоралиги, суд харажатларига имтиёзлар, суд иш жадвали, процессуал муддатларни ҳисоблаш, суднинг овоз бериши ва ҳужжатни қабул қилиши, даъводан воз кечиш, суд ишлари юритиладиган расмий тил, суд мажлиси тартибини бузган қоидабузарга қўлланиладиган чоралар”.

Испанияда конституциявий суд процесси қисман фуқаролик процессуал кодекси

нормалари билан тартибга солинади. Германиянинг Конституциявий суд тўғрисидаги Қонунида бир қатор бланкет нормалар мавуд бўлиб, улар фуқаролик процессуал ва жиноят процессуал кодекси нормаларига ҳавола қилади. Масалан, гувоҳ ва экспертларни сўроқ қилиш (Германиянинг Конституциявий суд тўғрисидаги Қонунининг 28-моддаси), қамоқ ва тинтув сингарилар [5, Б.4].

олтинчидан, ёзма тартибда иш юритиш, яъни оғзаки эшитувлар ўтказмасдан ишларни кўриб чиқиш тартиби жорий этилиши лозим. Амалдаги қонунда Конституциявий суд маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлигини аниқлаш, Ўзбекистон Республикаси қонунларининг нормаларига расмий шарҳ бериш тўғрисидаги ишларни оғзаки эшитувлар ўтказмасдан кўриши мумкинлиги белгиланган. Истиқболда барча турдаги ишлар бўйича оғзаки эшитувлар ўтказмасдан ишларни кўриш тартибини жорий этиш лозим. Ёзма иш юритиш тартибини татбиқ этиш суд иш юритиш жараёнини янада самарали ва қисча муддатларда кўрилишини таъминлайди. Россия Федерациясининг “Конституциявий суди тўғрисида”ги Қонунининг 47¹-моддаси, Латвиянинг “Конституциявий суд тўғрисида”ги Қонунининг 28¹-моддаси, Беларусь “Конституциявий суд иш юритуви тўғрисида”ги Қонуни 11-моддаси учинчи қисмида назарда тутилган. Европа мамлакатларида конституциявий суд ишларини кўриш асосан ёзма шаклда олиб борилади.

Хулоса қилиб айтганда, Конституциявий шикоят институтини тўлақонли ҳамда самарали ишлаши учун бизнинг фикримизча, истиқболда бир қатор чора-тадбирларни амалга ошириш лозим. Хусусан, биринчидан, Ўзбекистонда конституциявий шикоят институтини назарий жиҳатдан тўлиқ тадқиқ этиш, иккинчидан, фуқароларнинг бу тартибдаги мурожаатларни амалга оширишлари борасида ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, тўлиқ конституциявий шикоят институтини жорий этиш, Конституциявий суд томонидан конституциявий шикоятларни кўриб чиқиш тартиби билан боғлиқ йўриқнома ишлаб чиқиш шулар жумласидандир.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Петина М.М. Конституционная жалоба в системе средств защиты прав человека в России // URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/konstitutsionnaya-zhaloba-v-sisteme-sredstv-zaschityprav-cheloveka-v-rossii>;
2. Конституция ФРГ 1949. ст. 93. П. 4а, // URL: <http://lawers-ssu.narod.ru/subjects/constzs>; Конституция Грузии 1995 г. ст.89. // URL: <https://legalns.com/download/books/cons/georgia.pdf>;
3. Латвиянинг Конституциявий суд тўғрисидаги Қонуни // URL: <http://www.parliament.am/library/sahmanadrakan%20dataranner.nor/latvia.pdf>;
4. О прямом доступе к конституционному правосудию: Исследование Венецианской комиссии N 538/2009. Принято на 85 пленарном заседании (Венеция, 17-18 декабря 2010 года). CDL-AD (2010) 039. С. 30. // URL: <http://concourt.am/armenian/news/doc/CDL-AD-2010-039-ru.pdf>;
5. Г.Н.Нуриев Применение классического процессуального (судебного) права в конституционных судопроизводствах европейских государств. // Конституционное и муниципальное право. 2011 №3.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

НАРИМАНОВ Бекзод Абдувалиевич

Тошкент давлат юридик университети мустақил изланувчиси (DSc),
юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd), доцент

E-mail: tiu-bek@inbox.ru

ORCID: 0000-0002-4703-3358

ЎЗБЕКИСТОНДА НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ АЙРИМ ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ: ЎЗБЕКИСТОН НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ МИЛЛИЙ АССОЦИАЦИЯСИ МИСОЛИДА

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования): НАРИМАНОВ Б.А.
Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлашнинг айрим
ҳуқуқий масалалари: ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий
ассоциацияси мисолида // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 2
(2023) Б. 24-31



2 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2023-2-4>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси фаолияти, унинг ташкил этиш ҳуқуқий асоси, жамиятда тутган ўрни ҳамда ижтимоий соҳага қўшган ҳиссаси, ННТларнинг равнақи йўлида олиб борган ишлари юзасидан таҳлилий маълумотлар асосида Ассоциациянинг фаолияти тадқиқ этилди. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини қуриш концепциясини амалда руёбга чиқариш мақсадида Ассоциация томонидан олиб борилган ва амалга оширилаётган ислохотлар ёритилди. Ушбу тадқиқот ННТларни ўзаро мувофилаштириб боровчи Ассоциациянинг ҳозирги кунда бутун республика кесмида фаолият доираси ва унинг ўз асосий мақсадларини амалга оширишда йўл қўйилаётган камчиликлар ва хатоларни таҳлил қилиб, унга ҳуқуқий ечим бериш мақсадида қилинди. Мақолада Ассоциациянинг йиллик қилган ишлари юзасидан статистик маълумотлар таҳлил қилиниб, келажакдаги фаолияти юзасидан эҳтимолий фикр билдирилди. Нодавлат нотижорат ташкилотлари уюшмаси сифатида Ассоциациянинг давлат бошқаруви ва ҳокимият органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилишда тутган ўрни, унинг халқаро ва ҳудудий кесимда ННТлар учун тадбир ташкил этиш ва меморандумларни тузишдаги иштироки таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Ассоциация, молиялаштириш, форум, давлат дастури, экспертлар гуруҳи, жамоат бирлашмаси, уюшма, фуқаролик жамияти, мурожаатлар, қонуний ташаббус.

НАРИМАНОВ Бекзод Абдувалиевич

Соискатель Ташкентского государственного юридического Университета (DSc),
доктора философии по юридическим наукам (PhD), доцент

E-mail: tiu-bek@inbox.ru

ORCID: 0000-0002-4703-3358

НЕКОТОРЫЕ ПРАВОВЫЕ ВОПРОСЫ ПОДДЕРЖКИ НЕПРАВИТЕЛЬСТВЕННЫХ НЕКОММЕРЧЕСКИХ ОРГАНИЗАЦИЙ В УЗБЕКИСТАНЕ: НА ПРИМЕРЕ НАННОУЗ

АННОТАЦИЯ

В статье рассматривается деятельность Национальной ассоциации негосударственных некоммерческих организаций Узбекистана, правовые основы ее организации, роль в обществе и вклад в социальной сфере, а также деятельность Ассоциации по развитию НПО на основе аналитических данных. В целях реализации концепции построения гражданского общества в Узбекистане были особо отмечены проводимые и осуществляемые Ассоциацией реформы. Данное исследование проведено с целью анализа деятельности Ассоциации, координирующей ННО в целом, недостатков и ошибок, допущенных при реализации ее основных целей, и обеспечения их правового решения. Так, проанализированы статистические данные о годовой деятельности Ассоциации и высказано возможное мнение относительно будущей ее деятельности.

Ключевые слова: Ассоциация, финансирование, форум, государственная программа, экспертная группа, общественное объединение, объединение, гражданское общество, обращения, правовая инициатива.

NARIMANOV Bekzod

Researcher of Tashkent State University of law (DSc),

Doctor of Philosophy (PhD) in Law

E-mail: tiu-bek@inbox.ru

ORCID: 0000-0002-4703-3358

SOME LEGAL ISSUES OF SUPPORTING NON-GOVERNMENT NON-COMMERCIAL ORGANIZATIONS IN UZBEKISTAN: THE EXAMPLE OF THE NATIONAL ASSOCIATION OF NON-GOVERNMENT NON-COMMERCIAL ORGANIZATIONS IN UZBEKISTAN

ANNOTATION

In this article, the activities of the National Association of Non-Governmental Non-Profit Organizations of Uzbekistan, the legal framework of its organization, its role in society and its contribution to the social sphere, as well as the activities of the Association for the Development of NGOs, were studied on the basis of analytical data. In order to implement the concept of building a civil society in Uzbekistan, the reforms carried out and implemented by the Association were especially noted. This study was conducted in order to analyze the scope of the activities of the Association, which coordinates NGOs in the whole country, the shortcomings and mistakes made in the implementation of its main goals, and to ensure its legal solution. The article analyzed the statistical data on the annual activities of the Association and expressed a possible opinion on future activities. The role of the association in mutual cooperation with state authorities and administration, its importance in holding a number of international and regional events and memorandums is described.

Keywords: Association, financing, forum, state program, expert group, public association, association, civil society, appeals, legal initiative.

Халқаро таърибада, умуман фуқаролик жамиятини шакллантириш ва унинг институтлари фаолият самарадорлигини таъминлашда асосий устувор йўналишларидан бири сифатида ННТлари ва давлат органлари ўртасидаги ижтимоий шерикликни амалга ошириш белгиланган.

Президентимиз Ш.Мирзиёев таъбири билан айтганда “Ислохотларнинг амалий натижадорлигини оширишда, жойларда янги ташаббусларни илгари суришда аҳолимизнинг янада фаолроқ, янада ташаббускор бўлишига эришмоғимиз лозим” [1].

Янгиланган Конституцияда ҳам нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлашга оид бир қанча нормалар киритилди. XIII боб “Фуқаролик жамияти институтлари” деб номланиб, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситалари унинг асосини ташкил этиши белгиланди. Бундан ташқари, илк бор Асосий Қонунда нодавлат нотижорат ташкилотларининг конституциявий ҳуқуқий мақоми белгиланди [2].

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат органлари билан ижтимоий шерикликка бағишланган М. S. Haque [3, Б.271-290], D. A.Bräutigam, M.Segarra [4], P.Willets [5, Б. 191-212], С.С. Millar [6, Б.395-414] ва бошқа бир қатор тадқиқот ишларини келтириб ўтиш мумкин.

Т.Б. Матибоевнинг таъкидлашича, XX аср ўрталарида ижтимоий шартнома назарияси ўрнига ижтимоий шериклик назарияси келди ва унинг назарий концептуал назарияси ижтимоий ҳаракат назарияси, ижтимоий бирдамлик, ижтимоий келишув, ижтимоий жипслик тўғрисидаги ғоялар асосида шаклланди [7, Б.10].

М.Ш.Якубов фикрига кўра “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилиниши барча давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ижтимоий шерикликка киришишининг ҳуқуқий механизми белгиланди [8].

Нодавлат нотижорат ташкилотлари ижтимоий шерикликнинг асосий субъекти сифатида жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун катта аҳамиятга эга бўлиши керак. Бунинг учун нотижорат ташкилотлар жамиятга фойда келтирадиган ва одамлар ўртасидаги ижтимоий алоқани мустаҳкамлашга ёрдам берадиган лойиҳаларда фаол иштирок этишлари керак. Ижтимоий шерикликнинг конституциявий-ҳуқуқий табиати ижтимоий шериклик муносабатларда иштирок этувчи томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари мавжудлиги билан боғлиқ.

Фикримизча, ижтимоий шериклик институтининг ривожланиши жамиятнинг ҳуқуқий маданияти ва фуқаролик жамияти институтлари эркинлиги билан бевосита боғлиқдир.

Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрнини янада такомиллаштириш стратегиясини белгилаш, ижтимоий шерикликни ривожлантиришда Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси (ЎЗННТМА)нинг ўрни жуда муҳим.

Ассоциация 2005 йилда 150 та республика ва вилоятлар миқёсида фаолият юритувчи нодавлат нотижорат ташкилотларининг ташаббуси билан ташкил топган мамлакатимиздаги йирик жамоат ташкилотлардан бири ҳисобланади.

Унинг асосий мақсади нодавлат нотижорат ташкилотларини ҳар томонлама қўллаб-қуватлаш ва уларнинг жамият ҳаётини янада эркинлаштириш ва демократлаштириш, эркин ва очиқ кучли фуқаролик жамиятини қуриш, давлат ва жамият ҳаётида нодавлат нотижорат ташкилотлари мавқеини янада яхшилаш ҳисобланади.

ННТларнинг ўз фаолиятини мувофиқлаштириб бориши, шунингдек умумий манфаатларини ифодалаш ҳамда ҳимоя қилиши мақсадида уюшмалар (иттифоқлар) шаклида бирлашмалар тузиши мумкинлиги Ўзбекистон Республикаси “Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида”ги Қонунининг 10 моддаси иккинчи қисмида келтирилган [9]. Демак, юқоридагидан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, ННТлар умумий манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун уюшмалар туза оларкан.

ЎЗННТМА бундан ташқари, барча ННТларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб боровчи, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўювчи, ННТлар ходимларининг ҳуқуқий билим ва кўникмаларини ривожлантирувчи ўзига хос бир аппарат десак бўларкан.

ЎЗННТМAnинг жамиятда тутган ўрни ҳақида олимлар турли фикр билидириб ўтканлар. Жумладан, Ж.Вафаева ЎЗННТМАларнинг вазифалари унинг қандай уюшма эканлигини кўрсатишини таъкидлаган. Жумладан у Ассоциация вазифалари қаторига:

– нодавлат нотижорат ташкилотлари кучларини бирлаштириш ва кенгайтириш, ишончли ва ҳақиқий маълумотлар ёрдамида эҳтиёжларни қондириш орқали улар ўртасидаги ҳамкорликда иштирок этиш;

– энг муҳим ва аҳамият эга бўлган дастурлар ва лойиҳаларни бажариш учун нодавлат нотижорат ташкилотларининг интеллектуал, моддий-техник ва бошқа ресурсларини сафарбар қилиш;

– жамиятнинг турли ижтимоий қатламлари манфаатларини тенг икки томонлама ва давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ўзаро манфаатли музокаралар олиб бориш билан нодавлат нотижорат ташкилотларининг иштирокини таъминлаш ва бошқалар [10].

ЎзННТМА томонидан 2017 йилда 660 млн. сўм, 2018 йилда 780 млн. сўм, 2019 йилда 700 млн. сўм, 2020 йилда эса 1 500 млн. сўм давлат субсидияси олинган. Бугунги кунда ЎзННТМАга 660 дан ортиқ ННТлари аъзо бўлиб, улар билан тизимли равишда ҳамкорлик йўлга қўйилган [11].

Айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 мартдаги “2021-2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6181-сон Фармони, шунингдек, 2021 йил 3 мартдаги “Нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаолияти эркинлиги, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5012-сон Қарори доирасида шу йилда бир қатор ишлар амалга оширилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 мартдаги ПҚ-5012-сон Қарори талабларидан келиб чиқиб, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини давлат органларида, судларда, халқаро, хорижий, шунингдек, бошқа ташкилотларда ифода этиш ҳамда ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилиш бўлими ташкил этилиб, мазкур қарор ижросини таъминлаш борасида тегишли ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

ННТлари ўз фаолиятини ташкил этишда юзага келадиган турли муаммолар юзасидан Ассоциацияга мурожаат қилиш амалиёти мавжуд. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ННТларидан Ассоциацияга келиб тушган мурожаатларнинг аксарият қисми моддий жиҳатдан етишмовчилик, етарли шароитнинг мавжуд эмаслиги каби техник-ташкилий муаммоларни ташкил қилади.

Шу муносабат билан, “ННТ уйлари” ташкил этиш ва уларни фойдаланишга топшириш юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилди. Бугунги кунда “ННТ уйлари” моддий-техник базасини такомиллаштириш ва ННТларининг ижтимоий фойдали фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида уларнинг фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини аниқлаш бўйича мезонларни ишлаб чиқиш ва амалга жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Бундан ташқари, Ассоциацияга юклатилган муҳим вазифалардан бири ННТ ходимларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, ННТларнинг фаолиятини кенгайтириш ва фаол иш юритишлари учун кенг имкониятлар билан таъминлаш ҳамда уларнинг равнақи йўлида ислохотлар қилиш ЎзННТМА нинг асосий вазифаларидан бири саналади.

Шу муносабат билан, ЎзННТМА ННТ ходимларининг билим ва кўникмаларини шакллантириш юзасидан ҳамкор ташкилотлар билан 6 та кенг қамровли ўқув семинар-тренинглар ташкил этилиб, уларда 500 нафардан ортиқ ННТ ходимлари иштирок этишган [12].

Ассоциация Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат бошқаруви академияси билан ҳамкорликда “Нодавлат нотижорат ташкилотлар бошқаруви” йўналиши бўйича 2021 йилнинг 22 ноябрдан 2 декабргача ННТлар раҳбар кадрлари учун 10 кунлик малака ошириш ўқув курслари ташкил этилган. Ўқув курслари якунида тингловчилар учун олинган билим ва кўникмалари юзасидан чиқиш тест синови ўтказилиб, 50 нафар ННТ раҳбарларига Давлат бошқаруви академиясининг малака

ошириш курсларини битирганлик тўғрисидаги сертификат ҳамда ЎзННТМА қошидаги “Тренерлар штаби” аъзолиги тўғрисидаги сертификатлар топширилган.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ННТ вакиллари иштирокида ўқув курсларининг аксариятида амалдаги қонунчилик ҳужжатларини тушунтиришга катта ўрин ажратилган. Лекин ННТ фаолиятига оид кўплаб муаммоларнинг ечимига қаратилган кейс-стади услубидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, Нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш сифатида Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди томонидан умумий 8,5 млрд сўмлик биринчи грант танловини эълон қилиниб, унда жами иштирок этган ННТлар сони 375 тани ташкил этди. Грант танлови эксертлар кенгаши ҳулосасига мувофиқ 120 та ННТлари 70 млн.сўмлик грант танлови мабалағларига эга бўлишди. Ассоциация томонидан ННТларнинг 2021 йилда халқаро ва маҳаллий грантларда иштироклари юзасидан таҳлилий маълумот яратилган. Унга кўра, грант танловларида жами 1764 та ННТлар иштирок этган бўлиб, улардан грант танловлар ғолиби бўлган ННТлар сони 747 та ҳамда халқаро грант танлови ғолиби бўлган ННТлар сони 71 тани ташкил этган [13].

Нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлашнинг яна бир йўналиши сифатида уларга ҳуқуқий кўмак ва маслаҳатлар бериш ҳисобланади. Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари ассоциацияси таркибида “Экспертлар гуруҳи” ташкил этилишига оид таклиф реализация қилиниб, унинг мақсад ва вазифалари, функциялари, ташкил этиш, қайта ташкил этиш, тугатиш тартиби, фаолият доираси ҳамда гуруҳ таркиби тўғрисида тартиблар белгиланди.

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш ҳамда соҳани тартибга солувчи қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш гуруҳининг асосий мақсадларидан бири саналади. Ушбу гуруҳ ННТлар фаолиятининг мувофиқлаштиришда муҳим аҳамият касб этиб, уларнинг қонуний манфаатларини ҳамда ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид қонунчилик ташаббуси фаолиятида иштирок этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 мартдаги “Нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаолияти эркинлиги, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 мартдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-6181-сон Фармони билан тасдиқланган “2021-2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг Мақсадли кўрсаткичлари”нинг 9-бандида нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан юқори турувчи ташкилотларга қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритиш вазифаси юклатилган.

Айтиш лозимки, Ассоциацияга аъзо 1086 та ННТдан юборилган 64 та таклифларнинг атиги 37 таси нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан берилган, 27 таси эса Ассоциациянинг ҳудудий бўлинмалари томонидан тайёрланган. Бироқ юқорида келтирилган маълумотлар бўйича миқдорий кўрсаткичлардан кўра, қонунчиликка таклифларнинг сифатига эътибор қаратиш муҳим аҳамият касб этади [14].

Ассоциация томонидан ННТларнинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоялаш юзасидан қонунчилик ташаббуси билан Ўзбекистон Республикасининг “Волонтерлик фаолияти тўғрисида”ги Қонуни, “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Қонунининг 19-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида”ги Қонуни лойиҳаларига, “Нуронийларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳаёт даражасини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент Қарори лойиҳаларига тегишли таклиф ва мулоҳазалар берилди.

Қонунчилик ташаббусига оид ишлар бўйича Ассоциация пешқадам ҳаракатларни амалга оширди. Жумладан, Конституциявий ислохотлар ҳамда 2023 йил Давлат дастури лойиҳасига миллий ННТларнинг иштироки таъминланиб, улардан олинган 173 та таклиф тегишли давлат идораларига киритилган. Бу, албатта, ННТларнинг яқин келажақдаги фаолиятини ҳуқуқий ва ижтимоий-сиёсий жиҳатдан мустаҳкамлашга

қаратилган саналади.

2021 йил давомида ЎЗННТМА АҚШнинг Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID), БМТнинг Аҳолишунослик жамғармаси (UNFPA), ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори (OSCE), Германия халқаро ҳамкорлик жамиятининг (GIZ) Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Сайлов тизимлари халқаро жамғармаси (IFES, АҚШ), Winrock Internationalнинг (АҚШ) Ўзбекистондаги филиали, Россия Федерациясининг Русский мир ва Умная цивилизация нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари билан учрашувлар ўтказилди. Германия халқ университетлари ассоциацияси (DVV) нинг Ўзбекистондаги филиаллари билан ўзаро ҳамкорлик икки ташкилот ўртасидаги ўзаро аълоқаларни ўрнатиш, қолаверса, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини янада ривожантириш, ННТларини қўллаб-қувватлаш соҳасида қўшма лойиҳаларни амалга оширишга қаратилган ўзаро шериклик муносабатларини ўрнатиш мақсадида меморандум имзоланди.

Ўрганишлар асосида ЎЗННТМА фаолиятини қуйидаги йўналишларга ажратиш мумкин:

- нодавлат нотижорат ташкилотлари билан давлат органлари, фуқаролар йиғинлари, давлат тижорат ва бошқа жамоат ташкилотлари, хорижий ва халқаро институтлар ўртасида конструктив ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш;
- нодавлат нотижорат ташкилотларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларни ташкилий-ҳуқуқий ва молиявий жиҳатдан ривожлантириш;
- инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг роли ва ўрнини кенгайтириш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, мамлакат ва ҳудудларнинг ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ривожлантириш юзасидан давлат, тармоқ ва ҳудудий бўйича дастурларни ишлаб чиқиш ва мониторингини юритиш, давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ташкил етиш;
- жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётида ННТ лойиҳаларини, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, баркамол ёшларни тарбиялаш дастурларини амалга ошириш учун ташкилий ва молиявий ресурсларни сафарбар этиш;
- нодавлат нотижорат ташкилотлари ходимларининг касбий билимларини ошириш, уларни замонавий фикрлайдиган ва юқори малакали кадрлар билан шакллантириш.

Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси тизимли асосда демократик институтлар, қонунчилик ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш масалаларини муҳокама қилиш, ташкилий-ҳуқуқий асосларни янада такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадида нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг ҳуқуқий соҳасини шакллантириш юзасидан халқаро, республика ва минтақавий конференциялар, семинарлар, давра суҳбатлари ва форумлар ташкил этади.

Фикримизча, Ассоциация фаолиятини самарали йўлга қўйишда қуйидаги ташкилий-ҳуқуқий масалаларни кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 мартдаги ПҚ-5012-сон “Надавлат нотижорат ташкилотларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаолияти эркинлиги, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Қарори асосида Ассоциация ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорларини икки бараварга ошириш вазифаси белгиланган. Шундай бўлсада, ЎЗННТМА тизимида кадрлар сиёсати бўйича самарали тизим йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ. ЎЗННТМА ходимларининг иш ҳақи миқдори малакали ва соҳавий мутахассисларни жалб қилишда қийинчилик туғдирмоқда.

Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотини ташкил этишда турли қийинчиликлар ижтимоий тармоқларда кенг муҳокама этилганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Тан олиш керак, нодавлат нотижорат ташкилотининг таъсис ҳужжатларини тегишли тартибда расмийлаштиришда муайян ҳуқуқий билим ва кўникмалар талаб этилади. Ассоциациянинг мақсадининг табиати давлат рўйхатидан ўтиб фаолият юритаётган нодавлат нотижорат ташкилотларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳисобланади. Демак, нодавлат нотижорат ташкилотлари таъсис ҳужжатларини расмийлаштириш жараёнида кўмак бериш Ассоциация ҳужжатларида назарда тутилмаган. Малакали адвокат

ёки юрист хизматидан фойдаланишда муайян молиявий харажатларни тақозо қилади.

Ҳиндистон [15] тажрибасига кўра, ННТни рўйхатдан ўтишига кўмаклашувчи алоҳида ННТ ташкил этилган бўлиб, унда таъсис ҳужжатларни тайёрлаш, иштирокчиларнинг ҳуқуқий билим ва кўникмаларини ривожлантириш, давлат органлари ва янги ташкил этилаётган ННТ ўртасида ўзига хос “кўприк” вазифасини ўтайди.

Шундан келиб чиқиб, нодавлат нотижорат ташкилотларини тузишда ҳуқуқий кўмак бериш функциясини Ассоциацияга бериш ва уни молиялаштиришни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағлари ҳисобидан амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Ассоциация томонидан нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича деярли фаолият олиб борилмаган. Шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотларининг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилганлик ёки аралашганлик учун бевосита жавобгарлик белгиланмаган ҳамда ушбу жараёнда Ассоциациянинг процессуал иштирокининг ҳуқуқи асослари мустаҳкамланмаган.

Шундан келиб чиқиб, ННТларининг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилганлик ёки аралашганлик учун маъмурий жавобгарликка тортиш бўйича ННТМАга маъмурий баённома расмийлаштириш ваколатини бериш, шунингдек, Ассоциациянинг ННТлари вакили сифатида судларга мурожаат қилиш бўйича ва бошқа процессуал иштирокининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқ.

Фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида Нодавлат нотижорат ташкилотларининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва унинг қўмиталари (комиссиялар) мажлисларида иштирок этувчи доимий вакили институтини жорий этиш вазифаси белгиланган эди. Лекин, мазкур долзарб масала бугунги кунга қадар реализация бўлмасдан келмоқда.

Шундан келиб чиқиб, фикримизча, Жамоатчилик палатаси ва ННТнинг парламентдаги вакили институтини ташкил этиш масаласини жадаллаштириш мақсадга мувофиқ.

Бугунги кунда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ижтимоий фойдали лойиҳаларини амалга оширишда интернет сайтларида фаоллиги жуда муҳим аҳамиятга эга. “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти фуқаролик жамиятини ривожлантириш шарти сифатида” мавзусида Ўзбекистон интернет сайтлари контентлари таҳлили ўтказилиб, унга кўра ахборот маконида ННТ фаоллиги нисбатан паст эканлиги маълум бўлди [16].

1-расм



Тадқиқот даврида электрон оммавий ахборот воситаларида нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятига бағишланган ахборот материаллари асосан классификаторнинг қуйидаги йўналишларига тўғри келади – “ННТларнинг давлат ва

жамоат бошқарувидаги иштироки” (26,4%); “ННТларнинг тадбиркорлик субъектлари, халқаро ва хорижий тузилмалар, давлат идоралари билан ҳамкорлиги” (16,6%); “ННТларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш” (15,3%) (1-расм).

Мақсади мамлакатдаги нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятига бағишланган ҳужжатлар ва нашрларнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини ўрганиш бўлган электрон оммавий ахборот воситаларининг медиа-базасини ўрганиш доирасидаги контент-таҳлил шуни кўрсатдики, мамлакатда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини изчил такомиллаштиришга; фуқаролик жамияти институтларига кўмаклашиш ва уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмини такомиллаштиришга; фуқаролик жамияти институтларининг давлат ва ижтимоий бошқарувдаги фаол иштироки учун зарур шарт-шароитларни яратишга; фуқаролик жамияти институтларининг давлат ижтимоий лойиҳаларини амалга оширишдаги иштирокини кенгайтиришга; ва фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг очиқлигини таъминлашга қаратилган комплекс тизимли ишларни олиб борилмоқда.

Иқтибослар/Сноски/References:


1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаати. Халқ сўзи. 2020 йил 21 январь. // URL: <https://president.uz/uz/lists/view/4057>;
2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // URL: <https://lex.uz/docs/6445145>;
3. Haque M. S. Governance based on partnership with NGOs: implications for development and empowerment in rural Bangladesh // International Review of Administrative Sciences. – 2004. – Т. 70. – №. 2.
4. Bräutigam D. A., Segarra M. Difficult partnerships: the World Bank, states, and NGOs // Latin American Politics.
5. Willetts P. From “consultative arrangements” to “partnership”: The changing status of NGOs in diplomacy at the UN // Global Governance: A Review of Multilateralism and International Organizations. – 2000. – Т. 6. – №. 2.
6. Millar C. C. J. M., Choi C. J., Chen S. Global strategic partnerships between MNEs and NGOs: Drivers of change and ethical issues // Business and Society Review. – 2004. – Т. 109. – №. 4.
7. Матибоев Т.Б. Ўзбекистонда ижтимоий шериклик тизими: шаклланиши, ривожланиши ва истиқболлари. – Т., Академия. –2014.
8. Ш. Якубов. Давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигининг ҳуқуқий механизмлари // Монография. – Т.: «LESSON PRESS» нашриёти, 2018 –114 б.
9. Ўзбекистон Республикасининг “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Қонуни. 763-І-сон. 14.04.1999. // URL: <https://lex.uz/acts/11360>;
10. Деятельность и перспективы развития институтов гражданского общества в Самаркандской области (Узбекистан) Дж.Вафаева УДК 5310300 Общественные и гуманитарные науки ст. 49-50.
11. ННТМА расмий веб-сайти. // URL: <http://ngo.uz/old/index.php/tadbirlarimiz/b-lib-tgan>;
12. ННТМА расмий веб-сайти. // URL: <http://ngo.uz/uz/uzbekiston-nodavlat-notizhorat-tashkilotlari-milliy-assotsiatsiyasining-respublika-isobot-saylov-konferentsiyasi-bulib-utdi>;
13. ННТМА расмий веб-сайти. // URL: <http://ngo.uz/ru>;
14. 2022 йилда ННТ ва фуқаролик жамияти институтларининг қарийб 98 миллиард сўмлик лойиҳалари қўллаб-қувватланди // URL: <https://uza.uz/uz/posts/2022-yilda-nnt-va-fuqarolik-zhamiyati-institutlarining-qariyb-98-milliard-somlik-loyihalari-qollab-quvvatlandi-445049>;
15. URL: <https://ngodarpan.gov.in/index.php/search/>;
16. “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти фуқаролик жамиятини ривожлантириш шarti сифатида” мавзусида контент-таҳлил // URL: <https://ijtimoiyfiqr.uz/tadqiqotlar/zhamiyat/nodavlat-notizhorat-tashkilotlari-faoliyati-fuarolik-zhamiyatini-rivozhlantirish-sharti-sifatida-mavzusida-kontent-talil.htm>.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

РАХМОНОВ Зафаржон Зайниддинович
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги
Юристар малакасини ошириш маркази катта ўқитувчиси
E-mail: z.raxmanov95@gmail.com

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТИ СОҲАСИДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИНИНГ ЎРНИ

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): РАХМОНОВ З.З.
Ўзбекистон Республикасида Давлат фуқаролик хизмати соҳасида давлат бошқарувининг ўрни // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 2 (2023) Б. 32-40.

 2 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2023-2-5>

АННОТАЦИЯ

Ушбу илмий мақолада давлат фуқаролик хизматида давлат бошқарувининг ўрни ва зарурати қонунчилик нуқтаи назаридан илмий таҳлил қилинган. Давлат бошқаруви ҳар бир давлатнинг фуқаролик хизматидаги муҳим омил сифатида урганган. Шунингдек, давлат фуқаролик хизматида давлат бошқарувининг ўрни бўйича ҳорижий ҳамда миллий тажриба, олимларнинг турлича қарашлари, ёндашувлари илмий таҳлил қилинган. Ушбу таҳлил ва фикрлардан келиб чиққан ҳолда, давлат фуқаролик хизматида давлат бошқарувини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: давлат фуқаролик хизмати, давлат бошқаруви, давлат бошқаруви органлари, давлат фуқаролик хизматидаги ваколатли органлар, давлат фуқаролик хизматидаги махсус органлар.

РАХМОНОВ Зафаржон Зайниддинович

Старший преподаватель Центра повышения квалификации юристов
при Министерстве юстиции Республики Узбекистан
E-mail: z.raxmanov95@gmail.com

РОЛЬ ГОСУДАРСТВЕННОГО УПРАВЛЕНИЯ В СФЕРЕ ГОСУДАРСТВЕННОЙ ГРАЖДАНСКОЙ СЛУЖБЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

АННОТАЦИЯ

В научной статье анализируются роль и необходимость государственного управления на государственной службе государства с точки зрения национального законодательства. Государственное управление приводится в качестве важного фактора государственной службы в любой стране. Кроме этого, проанализирована роль государственного управления в государственной гражданской службе на основе зарубежного и отечественного опыта, взглядов и подходов ученых. На основе анализа и мнений ученых разработаны предложения и рекомендации, направленные на

совершенствование государственного управления в государственной гражданской службе.

Ключевые слова: государственная гражданская служба, государственное управление, органы государственного управления, уполномоченные органы государственной гражданской службы, специальные органы государственной гражданской службы.

RAKHMONOV Zafarjan

Senior Lecturer at the Lawyers' Training Center under the
Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan

E-mail: z.raxmanov95@gmail.com

THE ROLE OF PUBLIC ADMINISTRATION IN THE FIELD OF PUBLIC CIVIL SERVICE IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

ANNOTATION

The role and necessity of public administration in the state's civil service are scientifically examined in this article from the perspective of legislation. Public administration has been studied as an important factor in the civil service of every country. Additionally, the role of public administration in the state civil service was scientifically investigated using foreign and national experience, as well as various viewpoints and approaches from scientists. Based on these analyzes and opinions, proposals and recommendations aimed at improving public administration in the state civil service were developed.

Keywords: Public civil service, public administration, Public administration bodies, authorized bodies in the public civil service, special bodies in the public civil service.

Давлат хизмати ҳозирги дунё давлатларининг асосий институтларидан бири ҳисобланади. Замонавий дунёнинг ўзгарувчан шароитларига мослаша оладиган сифатли ва самарали фаолият юритувчи давлат бошқаруви тизимини шакллантириш ҳар бир давлатнинг барқарор ривожлантиришининг асосий омили ҳисобланади. Бу йўлда давлат хизматини оқилона йўлга қўйиш ҳам муҳим ўрин тутди. Айнан давлат хизматини тўғри ташкил этиш ва амалга ошириш давлат аппаратининг бошқарувига бевосита таъсир кўрсатади. Давлат хизматини тўғри ташкил этиш орқали давлат ўз олдига қўйган мақсадларга эришади. Бунга инсонларнинг давлат бошқарувидаги бир неча юз йиллик тажрибаси яққол мисолдир.

Давлат бошқаруви кенг маънода ҳокимият бошқарувининг англатади ва жамиятдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солади. Шу нуқтаи назардан, давлат бошқаруви давлат органларининг мақсадли фаолият юритишида, хусусан жамият ҳаётининг иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий жиҳатдан тараққий этишига хизмат қилади [1]. Бу фикрга қўшилган ҳолда шуни айтишимиз мумкинки, давлат хизмати, хусусан давлат фуқароликхизмати соҳасидаги давлат бошқаруви бу ҳар бир соҳада, бу иқтисодий, сиёсий ёки ижтимоий бўладими энг муҳим бўлган ислохотларни амалга оширишда намоён бўлади. Яъни “давлат бошқаруви” тушунчасини фақат тор маънода - ижро ҳокимият соҳасида олиб бориладиган давлат аппарати фаолияти сифатида талқин қилиш керак эмас, балки кенг маънода давлатнинг ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларига бошқарув таъсири сифатида тушуниш керак. Акс ҳолда ижро ҳокимиятига тегишли бўлмаган вакиллик, суд ва бошқа давлат хизматчиларининг фаолияти ушбу тушунча доирасидан ташқарида қолади.

Шунингдек, айрим олимлар давлат бошқарувини кенг ва тор маънода тушунишга ҳаракат қилишади. Ҳуқуқшунос олимлар В.П.Мельников ва В.С.Нечипоренко фикрича, кенг маънодаги давлат бошқаруви – бу бутун давлатнинг бошқарув функцияларини ўз ичига олади. Унинг асосий субъектлари давлат ҳокимиятининг ваколатли органлари

қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти ҳисобланади. Уларда “А” тоифадаги давлат лавозимини эгаллаган давлат хизматчилари фаолият юритади. Давлат бошқарувининг тор маъноси деганда, давлат ҳокимиятининг бошқа тизимидаги фаолиятни бошқариш тушунилади [2, Б.191-192].

Умумий маънода давлат хизмати соҳасида давлат бошқарувини амалга оширишнинг шакллари бўйича учта ёндашув мавжуд бўлиб, биринчиси, “Ҳуқуқий ёндашув”. Бунда давлат бошқарувининг асосий қадриятлари, қонун устуворлиги, фуқароларнинг ҳуқуқлари муҳим аҳамият касб этади. Давлат хизматчиси ўз раҳбариятига эмас, балки давлат ва конституция талабларига бўйсунди. Иккинчиси “Сиёсий ёндашув”. Давлат хизматининг бу бошқарув шаклида давлат бошқарув органларининг асосий вазифаси халқ иродасини ифодалашдан ибиорат бўлади. Давлат хизматчилари эса ҳисобдор бўлган ҳолда, ўз фаолиятини фуқароларнинг манфаатларини кўзлаган ҳолда олиб бориши керак бўлади. Учинчи ёндашув “Бошқарув ёндашуви”. Бу ёндашувда давлат хизматидаги давлат бошқаруви самарадор, тежамкор ва натижадор бўлиши керак. Ушбу ёндашувнинг асосий мақсади - енг кам харажат билан керакли натижага эришиш ҳисобланади [3].

Давлат хизматида соҳасида давлат бошқаруви турли усуллар ва шакллар орқали амалга оширилади. Бу соҳада дунё давлатлари амалиётига назар ташласак айрим Ғарб ва Шарқ давлатларида алоҳида ташкил этилган давлат органлари давлат хизматини бошқариш соҳасида махсус ташкилот бўлиб, давлат хизматини бошқариш масалалари билан шуғулланади. Европа қитасидаги давлатлар ичида давлат хизмати соҳасида чуқур ўйланган ва сифатли бошқарув тизими **Франция Республикаси** дейиш мумкин. Францияда бу соҳада давлат бошқарувини амалга оширувчи махсус орган “Давлат бошқаруви ва давлат хизмати Бош бошқармаси” ташкил этилган. Ушбу Бошқа бошқарманинг ваколатларига қуйидагилар киради:

- давлат хизмати ходимларининг сонини ва пул маблағларини тартибга солиш;
- давлат хизматида бошқарувнинг умумий нормалари ва тамойилларини амалга ошириш;
- давлат хизматчилари корпусни вазирликлараро бошқаришни амалга ошириш; кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни мувофиқлаштириш. Шунингдек, Францияда давлат жамоат хизмати бўйича Олий маслаҳат кенгаши ҳам фаолият юритади. **Германия Федератив Республикаси** давлат хизмати соҳасида умумий давлат бошқаруви Федерал Ички ишлар вазирлиги томонидан амалга оширилади. Унинг таркибида ушбу соҳадаги махсус давлат бошқаруви органи Федерал ходимлар қўмитаси фаолият олиб боради. **Буюк Британия** давлат хизмати соҳасида давлат бошқаруви давлат хизмати бўйича Комиссия томонидан олиб борилади. Ушбу Комиссия таркиби ўн бир кишидан иборат таркибда мамлакат Қироличаси томонидан беш йил муддатга тайинланади. Унинг таркибида давлат ва жамият олдида кўп йиллик иш тажрибасига ва ҳурмат-эҳтиромга сазовор бўлган шахслар кириши мумкин бўлади. **Японияда** ходимлар билан ишлар Палатаси давлат хизмати соҳасида давлат бошқарувини олиб боровчи ташкилот ҳисобланади. Палата давлат хизматчиларининг лавозим ва хизмат даражасини тасдиқлаш, имтиҳонлар ўтказиш, давлат хизматчиларини лавозимига тайинлаш ва бўшатиш, иш ҳақи, ўқув курслари, жарималар қўллаш ва шикоятларни ҳар қилиш бўйича махсус ваколатларга эга [4].

Шунингдек, кўпчилик дунё давлатларида давлат органларидаги хизмат давлат хизмати сифатида таън олиниб, ушбу соҳадаги давлат бошқаруви бир ёки бир нечта махсус ваколатли органлар томонидан амалга оширилади. Бу органларни икки турга бўлиш мумкин: ижро этувчи ҳокимияти органлари ва коллегиял органлар (махсус комиссиялар ва кенгашлар) [5]. Биз ушбу соҳадаги дунё давлатларини ўрганган ҳолда, қуйидаги жадвални шакиллантирдик:

Гуруҳ	Давлат номи	Давлат хизматини бошқарадиган давлат органлари
Ривожланган Ғарб давлатлари	Буюк Британия	Давлат хизмати бўйича комиссия Ходимларни танлаб олиш қўмитаси
	Германия	Федерал Ички ишлар вазирлиги Федерал давлат хизмати идораси Федерал ходимлар қўмитаси
	Австралия	Давлат хизмати қўмитаси
	Янги Зеландия	Давлат сектори ишлари бўйича комиссия
	АҚШ	Инсон ресурслари хизмати Юқори мансабдорлар хизматлари Хизмат кўрсатиш тизимини ҳимоя қилиш кенгаши
Ривожланган Осиё давлатлари	Япония	Ходимлар билан ишлар палатаси Давлат меҳнат ресурслари бошқармаси
	Жанубий Корея	Давлат хизмати ва хавфсизлиги вазирлиги
	Сингапур	Фуқаролик хизмати комиссияси Бош вазир аппаратининг фуқаролик хизмати бошқармаси
	Тайвань	Фуқаролик хизмати вазирлиги Давлат хизматчилари билан ишлаш агентлиги
Осиёнинг янги саноат давлатлари	Индонезия	Давлат хизмати миллий агентлиги Маъмурий ислохотлар вазирлиги
	Малайзия	Давлат хизмати вазирлиги Давлат хизмати бўйича комиссия
	Филиппин	Фуқаролик хизмати ишлари бўйича комиссия
	Таиланд	Фуқаролик хизмати комиссияси
Социалистик давлатлар	Камбоджа	Давлат ижроси бўйича ваколатли котибият
	Хитой	Кадрлар ва фаровонлик вазирлиги қошидаги давлат хизмати ишлари бўйича бошқарма
	Вьетнам	Ички ишлар вазирлиги
Марказий Осиё давлатлари	Қозоғистон	Давлат хизматлари бўйича агентлик

Ўзбекистон Республикасида давлат фуқаролик хизмати соҳасида давлат бошқарувининг ўрни ва зарурати тўғрисида миллий ҳуқуқшунос олимларимиз ўз изланишларини олиб бормаганлиги бу соҳани таҳлил қилишга ундайди. Мамлакатимиздаги миллий ҳуқуқ тизимининг ўзгариши жараёнида давлат хизмати муносабатларини тартибга солиш такомиллашиб борди, натижада, давлат хизматининг юридик табиати ўзгариб, норматив қоидаларни ўз ичига олган комплекс ҳуқуқ институти ташкил топганлиги ҳам инкор қилиш қийин. Давлат хизматини ҳуқуқий тартибга солиш зарурати тўғрисида миллий олимларимиз ўз фикрларини билдирган. “Давлат томонидан мамлакат тараққиётининг таъминланишида, фуқаролар манфаатининг ҳимоя

қилинишида, вазифаларни муваффақиятли бажаришда давлат хизматини тўғри йўлга қўйиш муҳим роль ўйнайди. Шунинг учун ҳам давлат хизмати институтини тизимли ташкил этиш, ундан самарали фойдаланиш мақсадида мазкур институтни ташкил этиш ва хизмат фаолиятининг асосий принципларини белгилаб берадиган назарий ғояларни ўрганиш ҳамда уларни амалда қўллаш, унинг ҳуқуқий асосларини аниқ белгилаб олиш зарур бўлади” [6].

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш жараёнида иккита асосий вазифа удаланганлиги экспертлар томонидан ҳам қайд этилмоқда. Аввало, иқтисодиётда маъмурий-буйруқбозлик ва тақсимот тизимидан бозор муносабатларига ўтилган бўлса, иккинчидан, давлат органларининг янги шароитларда самарали фаолият юритишига эришилди. Ривожланган давлатларда бошқарув самарадорлигини ошириш бўйича қўлланаётган замонавий концепцияларда давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш, давлат органларини оптималлаштириш тўғрисидаги назарий ёндашувлар ва уларнинг ривожланиш босқичлари очиб берилган кўплаб адабиётлар мавжуд. Жумладан, “New Public Management” (“Янги давлат бошқаруви”) давлат бошқаруви концепциясига мувофиқ, давлат бошқарувида замонавий рақамли технологиялар жорий этилиб, ижтимоий, иқтисодий ҳамда сиёсий дастурларни амалга оширишда ҳукумат фаолияти билан бирга фуқаролик жамияти институтлари кучига таянилади. Маъмурий ислохотлар давомида давлат бошқаруви тизимини унификациялаштириш жараёнида давлат хизмати, айниқса унинг бир тури бўлган давлат фуқаролик хизматига асосий эътибор қаратилди.

Шунингдек, экспертлар Ўзбекистон Республикасида барча соҳаларда амалга оширилаётган тизимли ва кенг қўламли ислохотларни юқори баҳоламоқдалар. Хусусан, дунёдаги энг нуфузли нашрлардан бири бўлган Буюк Британиянинг “Экономист” журнали Ўзбекистон Республикасини 2019 йилда ислохотлар энг тез суръатларда амалга оширилган “Йил мамлакати” деб тан олди [7].

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, давлат фуқаролик хизмати фаолиятини тартибга соладиган ҳужжатлар бугунги куннинг талаб ва вазифаларига жавоб бермаяпти, соҳадаги барча масалани қамраб олмасдан, ягона ҳуқуқий стандартлар ҳамда маъмурий-бошқарув амалиётини ўрнатишга халақит қилмоқда. Хусусан, замонавий технологиялардан фойдаланиш даражасининг пастлиги, ягона кадрлар сиёсатининг йўқлиги, давлат фуқаролик хизматчиларининг ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимояси улар томонидан бажарилаётган вазифаларга мос эмаслиги давлат хизматчиларининг иш фаолиятига ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда. Бу ҳолатлар эса, давлат фуқаролик хизмати соҳасида давлат бошқаруви тартиби ва усулларини аниқ қилиб белгилаш, давлат хизматчилари фаолиятининг очиқлиги ва қонунийлигини таъминлаш бўйича вазифаларни ҳал қилишни кун тартибига олиб чиқди. Шу мақсадда, узоқ йиллар давомида муҳокама жараёнидан ўтган “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонун 2022 йил 8 август куни қабул қилинди. Ушбу қонуннинг 2-боби “Давлат фуқаролик хизмати соҳасида давлат бошқаруви” деб номланади. Мазкур бобда давлат фуқаролик хизмати соҳасида давлат бошқарувини амалга оширувчи субъектлар тоифаси ва ваколатлари белгилаб қўйилди. Улар қуйидагилардан иборат:

- Ўзбекистон Республикаси Президенти;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси;
- Махсус ваколатли давлат органи ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги;
- бошқа давлат органлари [8].

Ўзбекистонда давлат фуқаролик хизмати соҳасида давлат бошқарувини амалга оширувчи субъектлар қаторида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўрни муҳим аҳамиятга эга. Давлатимиз раҳбари ўзининг чиқишларида давлат фуқаролик хизматини ривожлантириш бугунги куннинг энг долзабр малаларидан бири эканлиги таъкидлайди. Хусусан, Президент раислигида 2022 йил 4 август куни ўтказилган давлат

хизматини ислоҳ қилиш ва бошқарувда натижадорликни ошириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилишида ҳам бу соҳани ислоҳ қилиш бўйича олдинда турган вазифалар бўйича ўз фикрини билдирди. Қонуннинг 6-моддасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат фуқаролик хизмати соҳасидаги ваколатлари белгилаб қўйилган бўлиб, унга кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти:

- давлат фуқаролик хизматини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини белгилайди;

- давлат фуқаролик хизматини ташкил этиш билан боғлиқ ташкилий-ҳуқуқий механизмларни белгилайди;

- ваколатига тааллуқли давлат фуқаролик хизмати лавозимига шахсларни тайинлайди ва лавозимидан озод қилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти қонунга мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин. Президентнинг **“давлат фуқаролик хизматини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини белгилаш”** ваколати бошқа ваколатлар ичида энг муҳими ҳисобланади. Давлат фуқаролик хизматини ривожлантириш ва такомиллаштириш бевосита бу соҳани рақамлаштириш ва ислоҳ қилиш орқали амалга оширилади. Бунинг учун эса Президент томонидан асосий йўналишлар фармон ёки қарор қабул қилиниши орқали амалга оширилади. Давлат фуқаролик хизматини ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича қўйидаги йўналишларни мисол қилиб келтиришимиз мумкин:

- давлат фуқаролик хизмати қонунчилигини такомиллаштириш ва тизимлаштириш;
- жамиятда профессионал давлат фуқаролик хизматининг нуфузи ва рақобатбардошлигини ошириш;

- давлат фуқаролик хизматчиларининг фаолият самарадорлигини баҳолаш;

- давлат фуқаролик хизмати тизимида коррупцияга қарши курашишнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш;

- давлат бошқаруви соҳасида мутахассислар тайёрлаш.

Таъкидлаш керакки, охириги саккиз йил давомида Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан давлат бошқаруви, айниқса давлат фуқаролик хизмати тизимини ривожлантириш ва такомиллаштиришга қаратилган ислохотлар амалга оширилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2017 йилнинг 8 сентябрида имзоланган “Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5185-сон Фармони давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилишнинг олти асосий йўналишини белгилаб берди [9]. Улардан бири профессионал давлат хизматларининг самарали тизимини шакллантиришдан иборатдир. Унга кўра, давлат хизматини ташкил этиш, шу жумладан, давлат хизматчиларининг ҳуқуқий мақоми, классификацияси; хизматга қабул қилишнинг шаффоф механизмлари (танлов асосида), кадрлар захирасини шакллантириш, хизматни ўташ, ахлоқ нормаларига риоя этилишини таъминлаш масалаларини тартибга солиниши назарда тутилган эди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони билан қабул қилинган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш, давлат хизматининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш энг муҳим вазифа сифатида белгиланган эди [10]. Шунингдек, Ҳаракатлар стратегиясининг давоми ўлароқ қабул қилинган “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисидаги” Фармонида ҳам давлат бошқарув тизимини такомиллаштиришга қаратилган янги вазифаларни белгилаб берилди [11].

Президентнинг ушбу соҳадаги кейинги муҳим ваколати **“давлат фуқаролик хизматини ташкил этиш билан боғлиқ ташкилий-ҳуқуқий механизмларни белгилаш”** ҳисобланади. Шу ваколат доирасида Давлат раҳбари томонидан давлат фуқаролик хизматининг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан такомиллаштиришга қаратилган кўплаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасида кадрлар

сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5843-сонли Фармони [12] ҳамда 2019 йил 3 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат хизматини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4472-сонли Қарорининг [13] қабул қилиниши давлат фуқаролик хизматининг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини белгилаш ва уни ривожлантиришга қаратилган ислохотларнинг ёрқин мисоли дейишимиз мумкин.

Шунингдек, узоқ йиллар давомида муҳокамада бўлган “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонун 2022 йил 8 август куни Давлат раҳбари томонидан тасдиқланди. Мазкур қонун билан давлат фуқаролик хизматининг умумий жиҳатлари, ҳуқуқий асослари, унинг турлари, ташкилий-ҳуқуқий механизми ва уни ўташ тартиби белгилаб берилди.

Ҳуқуқшунос олим Е.В.Охотский айтганидек, “Давлат хизматчилари, уларнинг интилиши ва қизиқишлари қандай бўлса, давлат ҳам шундай тараққий этади” [14]. Олимнинг мазкур фикрига қўшилаемиз, чунки ҳар бир давлат ўзи тараққий этишни мақсад қилдими демак, биринчилардан бўлиб давлат бошқарувини шу жумладан давлат фуқаролик хизматчиларининг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини, ҳуқуқ-кафолатларини ҳамда мажбуриятларини аниқ қилиб белгилаб қўйиш лозим.

Президентнинг давлат фуқаролик хизмати соҳасидаги яна бир муҳим ваколати **давлат фуқаролик хизмати лавозимига шахсларни тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш** ҳисобланади. Давлат фуқаролик хизмати тўғрисидаги қонунда Президент айнан қайси турдаги давлат фуқаролик хизматчиларини тайинлаши ва лавозимидан озод қилиш аниқ қилиб белгиланмаган, фақат “ваколатига тааллуқли” бўлганлари жумласи қўлланилган холос. Янгиланган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддасида Ўзбекистон Республикасининг Президентининг ваколатлари белгиланган бўлиб, қайси лавозимлардаги шахсларни тайинлаш ва лавозимидан озод этиш акс этган [15]. Лекин, Президентнинг давлат фуқаролик хизмати лавозимига шахсларни тайинлаш ва лавозимидан озод қилишни аниқ қилиб белгилаш учун “Давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг давлат реестри” тасдиқлаш ва уларнинг категорияларини белгилаш лозим. Мазкур реестрнинг аниқ белгилаб қўйилмаганлиги соҳадаги энг асосий камчиликлардан бири ҳисобланади.

Профессор О.Т.Хусанов давлат органларининг мансабдор шахслари, аъзоларини тайинлаш, сайлашда иштирок этиш Парламентнинг давлат ҳокимияти тизимидаги асосий вазибаларидан бири эканлигига урғу қаратса [16, Б.354], Р.Р.Ҳакимов қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг ижро этувчи ҳокимиятни шакллантиришда иштирок этиши, ўз навбатида, ижро этувчи ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи ҳокимиятга бўйсунувини англатмасдан, балки ҳокимиятлар ўртасида мувозанатни таъминлашнинг ўзига хос воситаларидан бири бўлиб қолишини таъкидлайди [17, Б.79]. Давлат фуқаролик хизмати соҳасида давлат бошқарувини амалга оширувчи субъектларнинг иккинчи тоифаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

- вазирликларнинг, давлат қўмиталарининг ва бошқа давлат бошқаруви органларининг давлат фуқаролик хизмати соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ваколатларига тааллуқли давлат фуқаролик хизмати лавозимига шахсларни тайинлайди ва лавозимидан озод қилади;

- давлат фуқаролик хизмати соҳасидаги давлат дастурлари ва лойиҳаларининг молиявий-иқтисодий механизмлари ишлаб чиқилишини ўз ваколатлари доирасида таъминлайди ҳамда уларни тасдиқлайди.

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин [18]. Вазирлар Маҳкамаси, ҳукумат сифатида ушбу соҳада давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш, давлат фуқаролик хизмати лавозимига шахсларни тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш

фаолиятини амалга оширади.

Давлат фуқаролик хизматчилари асосан ижро этувчи ҳокимият таркибида фаолият юритади. Ижро ҳокимиятида эса Президент ва Вазирлар Маҳкамаси муносабатлари ва улар ваколат доирасини аниқ ажратиш долзарб ҳисобланади. Мазкур масала бўйича Б.Б.Алимов Президентнинг ижро ҳокимиятидаги раҳбарлик ҳолатини қуйидагича асослайди: “биринчидан, Президент Вазирлар Маҳкамаси таркибини шакллантиришда ва унинг истеъфосида хал қилувчи роль ўйнайди; иккинчидан, давлат бошлиғи Вазирлар Маҳкамаси йиғилишларида раислик қилиш ваколатига эга; учинчидан, Вазирлар Маҳкамаси ўз фаолиятида, шу жумладан, Президент олдида жавобгардир; тўртинчидан, Бош вазир ҳукуматнинг иши тўғрисида давлат бошлиғига доимий равишда ахборот киритиб боради; бешинчидан, Президент ҳукумат ваколатига кирувчи масалалар ва йўналишлар бўйича қарор ва фармойишлар қабул қилиш ҳуқуқига эга; олтинчидан, Вазирлар Маҳкамасининг бир қатор муҳим масалалар бўйича қабул қиладиган ҳужжатлари мажбурий тартибда Президент билан келишилиши лозим; еттинчидан, Президент ҳукумат қарор ва фармойишларини бекор қилиш ҳуқуқига эга” [19, Б.368].

Ушбу соҳадаги махсус ваколатли давлат орган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда Агентлик) ҳисобланади ва унинг ваколатлари юқоридаги Қонуннинг 8-моддасида белгилаб қўйилган. Мазкур Агентлик давлат органлари ва ташкилотларида ягона кадрлар сиёсатини олиб бориш, ходимларни самарали бошқариш ва инсон ресурсларини ривожлантириш, малакали кадрлар захирасини рақобат асосида шакллантириш ҳамда улар томонидан давлат фуқаролик хизматчиларининг вакант лавозимлари ўз вақтида эгалланиши каби муаммоли масалаларни бартараф этиш ваколатларига эгадир.

Агентлик томонидан кадрларни танлашда эски усуллардан воз кечиб, уларнинг интеллектуал салоҳиятини, маънавий фазилатларини баҳолайдиган очиқ ва ошкора танлов тизимини жорий этишга қаратилган ишлар жадаллаштирилди. Давлат фуқаролик хизматида киришда инсон омилини камайтириш ҳамда барча фуқароларнинг тенг имкониятлар яратиш мақсадида “давлат фуқаролик хизматчилари вакант лавозимларининг ягона очиқ портали — vacancy.argos.uz” платформаси ишлаб чиқилди. Шу ўринда, Агентлик томонидан давлат фуқаролик хизмати соҳасидаги давлат дастурлари ва лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнида очиқлик ҳамда шаффофликни таъминлаш мақсадида соҳа бўйича **парламент депутатлари ва касаба уюшмалари аъзоларини** ҳам жалб қилиш лозим. Мисол учун, **Италия** давлатида ҳам ушбу соҳада махсус орган ташкил этилган бўлиб, давлат хизмати бўйича Олий кенгаш деб аталади. Ушбу кенгаш вазирликка тенглаштирилган бўлиб, давлат хизмати соҳасида махсус ваколатли давлат органи ҳисобланади. Унинг таркибида вазирлар, соҳа бўйича парламент депутатлари ва касаба уюшмалари аъзолари киради. Ушбу кенгаш соҳага оид муаммоли масалаларни муҳокама қилиш ва давлат хизматида оид қонун ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш билан шуғулланади [20].

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Моргунова А. И. 2000. 01. 022. Исполнительная власть в Российской Федерации: проблемы развития / бачилои. Л., гришковецца. А., Мелюхин И. С. И др.: отв. Ред. Бачило И. Л.; Ин-т государства и права РАН. М.: юрист, 1998. 431 с // Социальные и гуманитарные науки. Отечественная и зарубежная литература. Сер. 4, Государство и право: Реферативный журнал. 2000. №1. // URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/2000-01-022-ispolnitelnaya-vlast-v-rossiyskoy-federatsii-problemy-razvitiya-bachiloi-l-grishkovetsa-a-melyuhin-i-s-i-dr-otv-red-bachilo-i-l-in-t> (дата обращения: 15.05.2023)
2. Мельников В. П., Нечипоренко В. С. Государственная служба в России: отечественный опыт организации и современность. М., 2000. Ч. 2. // URL: http://www.kursach.com/biblio/0005001/0101.htm#_ftn12.
3. Государственное управление как основная функция государственно службы. Гос управление как основная функция госслужбы // URL: <https://studfile.net/>

[preview/2774970/page:2/](#).

4. Торгашова К.С. Государственная Гражданская Служба Как Институт Государственного Управления. Зарубежный Опыт // Международный студенческий научный вестник. – 2020. – № 3; // URL: <https://eduherald.ru/ru/article/view?id=20175>.

5. Георгий Александрович Борщевский. Институциональная Трансформация Государственной Службы: Проблема Субъектности // URL: <file:///C:/Users/User/Downloads/institutsionalnaya-transformatsiya-gosudarstvennoy-sluzhby-problema-subektnosti.pdf>.

6. Мирбобоев Б., Хусанов О.Т., Бегматов А. Ўзбекистонда давлат хизматини ташкил этишнинг ташкилий-ҳуқуқий масалалари. –Т.: Akademiya, 2005. –Б. 139. (Mirboboev B., Husanov O.T., Begmatov A. Organizational and legal issues of the organization of public service in Uzbekistan. -T.: Academy, 2005. -P. 139.)

7. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, иқтисод фанлари доктори, профессор Нодир Жумаев: «Ислохотларимиз натижаларининг халқаро эътирофи» номли мақоласи 09.07.2020 // URL: <https://uza.uz/uz/posts/islo-otlarimiz-natizhalarining-khal-aro-etirofi-09-07-2020>.

8. Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида. // URL: <https://lex.uz/uz/docs/6145972>.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида. // URL: <http://lex.uz/docs/3331174>.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони // URL: <https://lex.uz/docs/3107036>.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида // URL: <https://lex.uz/docs/5841063>.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. // URL: <https://lex.uz/uz/docs/4549998>.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат хизматини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида // URL: <https://lex.uz/docs/4552053>.

14. Ф.Б.Исаева. Давлат фуқаролик хизмати давлат хизматининг бир тури сифатида // URL: <https://zamin.uz/jamiyat/75346-davlat-fuarolik-hizmati-davlat-hizmatining-bir-turi-sifatida.html>.

15. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // URL: <https://lex.uz/docs/20596>.

16. Хусанов О.Т. О‘zbekiston Respublikasining Konsitutsiyaviy huquqi. Darslik. – Т.: Adolat, 2013.

17. Ҳакимов Р.Р. Давлат ҳокимияти тармоқлари ўртасида мувозанатни таъминлашнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш. Монография. – Т.: Adabiyot uchqunlari, 2016.

18. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // URL: <https://lex.uz/docs/6445145>.

19. Алимов Б.Б. Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимият тизимида Президент ва Вазирлар Маҳкамаси муносабатлари. Монография. – Т.: “O‘zbekiston” НМИУ, 2016. – 368 б.

20. Торгашова К.С. Государственная гражданская служба как институт государственного управления. зарубежный опыт // Международный студенческий научный вестник. – 2020. – № 3. // URL: <https://eduherald.ru/ru/article/view?id=20175>.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ

БАБАКУЛОВ Зафар Курбанназарович
Юридик фанлар доктори (DSc)
E-mail: md_15@list.ru

ТОВАР БЕЛГИСИНИНГ ТРАНСЧЕГАРАВИЙ САВДО МУОМАЛАСИДАГИ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ МАСАЛАЛАРИ

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования): БАБАКУЛОВ З.К. Товар белгисининг трансчегаравий савдо муомаласидаги фуқаролик-ҳуқуқий мақоми масалалари // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 2 (2023) Б. 41-48.

 2 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2023-2-6>

АННОТАЦИЯ

Товар белгиси нафақат ички фуқаролик-ҳуқуқий муносабат объекти балки трансчегаравий хусусиятдаги восита бўлиб ҳам ҳисобланади. Мутлақ ҳуқуқ эгаси унга нисбатан ҳуқуқларни чет эл шахсларига тасарруф этиши ёки ундан фойдаланиш ҳуқуқини тақдим этиши мумкин. Ушбу ҳолатда товар белгиларининг трансчегаравий ҳуқуқий муомаласи пайдо бўлади. Мақолада товар белгиларининг трансчегаравий муомалада бўлишининг миллий ва халқаро қонунчиликка тартибга солиниши билан боғлиқ масалалар аниқлаштирилди. Халқаро хусусий ҳуқуқ қоидаларини қўллаш бўйича “Lex loci protectis” тамойили ўрганилди ва кўриб чиқилди. Товар белгиларига оид трансчегаравий низоларни тан олиш ва унга нисбатан қулай қонунчилик режимини қўллаш бўйича назарий масалалар таҳлил қилинди ва тегишли муаллифлик таърифлари ишлаб чиқилди. Трансчегаравий лицензия шартномасига оид ҳуқуқлар бузилишини бартараф этиш унга нисбатан учинчи шахсларнинг қонунга зид фойдаланиши билан боғлиқ масалалари ўрганилди ва таҳлил қилинди.

Калит сўзлар: товар белгиси, мутлақ ҳуқуқ, трансчегаравий, лицензия, режим, “Lex loci protectis”.

БАБАКУЛОВ Зафар Курбанназарович
Доктор юридических наук (DSc)
E-mail: md_15@list.ru

ВОПРОСЫ ГРАЖДАНСКО-ПРАВОВОГО СТАТУСА ТОВАРНОГО ЗНАКА В ТРАНСГРАНИЧНОЙ ТОРГОВЛЕ

АННОТАЦИЯ

Товарный знак является не только объектом внутри государственных гражданско-правовых отношений, но и трансграничным средством. Владелец исключительного права может распорядиться правами иностранного лица или представить право его использования. В этом случае возникает трансграничный правовой режим товарных знаков. В статье уточнены вопросы, связанные с регулированием трансграничного оборота товарных знаков международным и национальным законодательством. Был изучен и проанализирован принцип «Lex loci protectis» для применения международного частного права. Рассмотрены теоретические вопросы признания споров о трансграничных товарных знаках и применения к ним благоприятного правового режима, в связи с чем выдвигаются авторские определения. Изучены и проанализированы вопросы, связанные с устранением нарушенных прав, связанных с трансграничным лицензионным договором и неправомерным его использованием третьими лицами.

Ключевые слова: товарный знак, исключительное право, трансграничный, лицензия, режим, “Lex loci protectis”.

BABAKULOV Zafar

Doctor of Sciences in Law (DSc)

E-mail: md_15@list.ru

ISSUES OF THE CIVIL-LEGAL STATUS OF THE TRADEMARK IN CROSS-BORDER TRADE

ANNOTATION

A trademark is not only an object within state civil law relations, but also a cross-border means. The owner of an exclusive right may dispose of the rights to it to foreign persons or grant the right to use it. In this case, a cross-border legal regime of trademarks arises. The article clarifies issues related to the regulation of cross-border circulation of trademarks by national and international legislation. The principle of “Lex loci protectis” for the application of private international law was studied and analyzed. Theoretical issues of recognition of disputes about cross-border trademarks and the application of a favorable legal regime to them are analyzed, and appropriate definitions of authorship are developed. Issues related to the elimination of violations of rights associated with a cross-border license agreement and its illegal use by third parties have been studied and analyzed.

Keywords: trademark, exclusive right, cross-border, license, mode, “Lex loci protectis”.

Товар белгиларининг трансчегаравий хусусияти товар белгиларини оммалаштириш, уларни халқаро тан олинган бренд даражага олиб чиқишдан иборатдир. Миллий товар белгиларини халқаро муомалада бўлиши баробарида миллий товар маҳсулотларининг ҳам савдо айланмаси ортади ва иқтисодий даромад келтириш манбаига айланади. Ўзбекистон Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиб киритишда ТРИПС “Интеллектуал мулкнинг савдо жиҳатлари тўғрисида”ги Келишув қоидаларини амалда қўллаш ва уни халқаро миқёсда тан олишдан иборат. Тўғри Ўзбекистон Саноат мулкни муҳофаза қилиш бўйича Париж конвенциясининг аъзоси, қолаверса Белгиларни рўйхатдан ўтказишга оид Мадрид битимига доир Баённоманинг аъзоси ҳисобланади лекин ушбу қоидалар товар белгиларининг трансчегаравий масалаларини тўлақонли ҳал қилмайди.

Товар белгиларининг трансчегаравий муомаласи халқаро хусусий ҳуқуқ предметининг асосий тартибга солиш жиҳати ҳисобланади. Замонавий трансчегаравий муносабатларда ҳуқуқ эгаси товар белгиси остидаги товарларни савдога киритишда

улкан имкониятга эга. Мутлақ ҳуқуқ эгаси ҳар доим ҳам якка ўзи бошқа ҳудудларда товарлар ишлаб чиқариши ва уни сотиш имконига эга бўлмаслиги мумкин (жисмоний имкониятининг чекланганлиги, маблағнинг етишмаслиги, давлатнинг маркетинг қоидалари ва қонунчилигини билмаслиги, рақобатчиларнинг таҳдиди) [1, Б.14]. Товар белгиларидан фойдаланиш ҳуқуқини трансчегаравийлик асосда тақдим этиш юзага келиши мумкин бўлган шундай масалаларга ечим бўлади.

Товар белгисига нисбатан мутлақ ҳуқуқнинг трансчегаравий савдо муомаласидаги иштирокини ҳуқуқий тартибга солишдаги миллий тизимларнинг асосини ҳудудийлик принципи ташкил қилади. Бунда товар белгиси ва унинг эгасига ҳуқуқий муҳофаза бериш шартлари шундай муҳофаза сўралаётган давлатнинг қонунларига бўйсунди [2, Б.9]. Трансчегаравий савдо муомаласида товар белгиларини муҳофаза қилишда ҳудудийлик тамойили миллий юрисдикцияда мутлақ ҳуқуқ эгаларининг ҳуқуқларига доир низоларни кўриб чиқишда хорижий ҳуқуқ нормаларини қўлламасликни англатади.

Е.Б. Леанович тўғри таъкидлаганидек, интеллектуал мулк бўйича кўплаб шартномаларнинг мавжудлиги халқаро интеллектуал мулк ҳуқуқи мавжудлигини англатмайди [3]. Давлатнинг унификация қилинган халқаро-ҳуқуқий шартномада иштирок этиши миллий суд низони кўриб чиқишда товар белгисига нисбатан хорижий юрисдикцияларда ҳуқуқий муҳофаза фактини ҳисобга олишга мажбур қилади. Аммо миллий доирада бундай муҳофаза бериш тартиби сақланиб қолинган ҳолда, миллий қонунчиликка мувофиқ тартибга солинади.

Товар белгиларига оид низолар моҳияти у келиб чиққан давлат қонунчилиги бўйича аниқлаштирилади. Агар тегишли давлат қонунчилигида шундай тоифадаги масала низоли ҳолат сифатида эътироф этилмаса, низо келиб чиққан давлат қонунчилиги асосида ҳал қилинади. Мазкур қоида тарафлар томонидан товар белгисидан фойдаланиш тўғрисидаги келишувга мувофиқ белгиланади. Одатда, товар белгиси келиб чиққан мамлакат қонунчилиги товар белгисидан трансчегаравий фойдаланиш билан боғлиқ низоларни самарали, ҳар томонлама қонуний ҳал қилишда ҳуқуқ эгаси учун қулай ҳудудий режим ҳисобланади. Коллизион низони ҳал қилиш бўйича танланиши мумкин бўлган ҳудудийлик режими сифатида нафақат товар белгиси келиб чиққан мамлакат, балки товар белгиси бошқа шахс томонидан фойдаланилаётган мамлакат қонунчилиги ҳам инобатга олинishi мумкин. Ёки тарафлар низони ҳал қилиш юзасидан учинчи мамлакат қонунчилигига мурожаат қилади [4, Б.72].

Интеллектуал мулк ҳуқуқларининг ўзига хослиги шундаки, муайян ўхшаш вазиятларда мулк ҳуқуқи эгасига муҳофаза қилиш имконини берадиган бир қатор коллизион-ҳуқуқий мажбуриятлар интеллектуал мулкка тегишли эмас. Агар биз миллий қонунчилик тўғрисида сўз юритадиган бўлсак, Фуқаролик кодексида интеллектуал мулк соҳасидаги муносабатларнинг маълум бир тоифасига нисбатан қўлланиладиган қатор қонун ҳужжатларининг коллизион қоидалари мавжудлигига қарамай, интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тартибини белгилаб берувчи қонунчилик қоидалари умумий қоллизияни ўз ичига олмайди. Лекин айтилиши вақтда халқаро тан олинган қонунчилик қоидаларини қўллашни ҳам истисно қилмайди [5, Б.69].

Ўзбекистон “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги Қонунининг 2-моддаси 2-қисмида белгиланганидек, агар Ўзбекистон қўшилган халқаро шартномада миллий товар белгилари қонунчилигида назарда тутилганидан бошқачароқ қоидалар акс этган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилиши мумкин. Мазкур қоида мазмуни ўта умумий хусусиятга эга бўлиб, товар белгилари билан боғлиқ юзага келадиган масалаларни четлаб ўтади. Тўғри, ФК халқаро нормаларни қўллаш бўйича умумий ва барча муносабатлар учун тенг бўлган халқаро қоидаларни белгилайди. Лекин юзага келадиган халқаро коллизион масалаларни тегишлилиги бўйича ҳал қилиш ҳолатини очиқ қолдиради.

Трансчегаравий савдоларда товар белгисидан трансчегаравий фойдаланиш турлари билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг концептуал

асосини мутлақ ҳуқуқлар ташкил қилади [6, Б.55]. Дарҳақиқат, товар белгисини савдо муомаласига киритишдаги асосий шарт товар белгисига нисбатан мутлақ ҳуқуқларни тан олишдир. Трансчегаравий тижорат муомаласида товар белгисига нисбатан ҳуқуқларнинг таркиби ҳуқуқ эгасининг қуйидаги учта ваколатини ўз ичига олади:

- товар белгисидан фойдаланиш;
- товар белгисидан фойдаланиш ҳуқуқини тақдим қилиш;
- товар белгисига нисбатан мутлақ ҳуқуқларни тасарруф этиш.

Трансчегаравий савдо муомаласида товар белгисидан фойдаланишустуворлигининг асосий шарти ҳуқуқни тан олиш бўлиб, ушбу ҳуқуқни амалга ошириш ҳуқуқ эгасида тегишли товарларнинг шахсийлаштирилиши билан бирга, ундан учинчи шахсларнинг фойдаланишларини ҳам таъқиқлайди. Товар белгиси эгасининг ҳуқуқларини муҳофаза қилувчи миллий қонунчилик тартиби миллий ва хорижий шахсларнинг ўз товар белгисидан фойдаланишларига қаратилади. Мазкур қоидаларнинг асослари қуйидагиларда намоён бўлади:

- трансчегаравий савдо муомаласида товар белгисидан фойдаланилмаганлиги сабабли унинг ҳуқуқий муҳофазасини тугатиш институтининг мавжудлиги;
- товар белгисини муҳофаза қилиш унга нисбатан фойдаланилаётган товарларнинг трансчегаравий тижорат муомаласига киритиш билан бевосита боғлиқлиги;
- турли давлатлар қонунчилиги товар белгисидан мажбурий фойдаланиш тамойилини турлича белгилаши [7, Б.53].

Ҳуқуқдан фойдаланиш деганда, товар белгиси эгаси ёки трансчегаравий лицензия шартномаси тақдим этилган учинчи шахслар томонидан товар белгисидан рўйхатга олинган товарларни ишлаб чиқаришда фойдаланиш тушунилади. Трансчегаравий лицензия шартномасига кўра, товар белгисидан фойдаланиш қоидалари кўплаб давлатлар (АҚШ, Буюк Британия, Франция, Швейцария) қонунчилигида белгиланган [8, Б.33]. Бу борада доктринал ёндашувлар ҳам шаклланган. А.А. Пиленко товар белгиларидан трансчегаравий муҳофаза қилиш соҳасидаги доктрина ва қонунчиликда тартибга солишни шакллантиришнинг дастлабки босқичида номоддий объектлардан фойдаланиш ҳуқуқини қуйидагича изоҳлайди [9]:

- агар мутлақ ҳуқуқ деганда, номоддий объектдан фойдаланишни тақиқлаш тушунилса, лицензия берилиши ва лицензия шартномасининг моҳияти ҳуқуқ эгасининг учинчи шахсларга нисбатан эга бўлган “тақиқланган ҳуқуқни амалга оширмаслик мажбуриятини олади”;

- лицензия шартномасига кўра лицензиат ҳуқуқдан фойдаланишдан ортиқ ҳеч қандай мутлақ ҳуқуқларга эга бўлмайди. С.И. Раевич товар белгисидан трансчегаравий савдо муомаласида фойдаланишда лицензиялаш ҳуқуқининг нисбий жиҳатларини ҳам тан олган ҳолда, товар белгисидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш бўйича битимни шартнома тарафлари ўртасида мажбурий хусусиятга эга эканлигини таъкидлайди [10, Б.26]. Бизнингча, С.И.Раевичнинг ушбу мазмундаги фикри товар белгиси лицензия шартномасига кўра лицензиатга берилган, товар белгиси билан боғлиқ бошқа шахсий номулкий ҳуқуқларнинг ўтказилишини ҳам назарда тутмоқда. Аммо ушбу таърифни қабул қиладиган бўлсак, бу на фуқаролик қонунчилиги на товар белгиларига оид халқаро шартнома талабларига мос келади.

В.А. Дозорцов замонавий доктрина ривожланишининг кейинги босқичлари ҳақида сўз юритган ҳолда, мутлақ ҳуқуқларнинг пайдо бўлиши учун асослар шартномадан ташқари хусусиятга эга эканлигини таъкидлайди. Мустасно ҳуқуқлар моделига кўра, бундай ҳуқуқларнинг пайдо бўлиши истисно қилинади, қонун ҳар бир мутлақ ҳуқуқларнинг мазмунини, уларнинг амал қилиши ва амалга ошириш тартибини тўлиқ белгилаши керак [11]. Товар белгисидан трансчегаравий лицензия бериш ҳуқуқи трансчегаравий битим асосида вужудга келади. В.А. Дозорцовнинг ушбу мулоҳазасида бироз мунозарали жиҳатлар бор. Чунки ҳеч бир муносабат мукамал тартибга солиниши бўйича қонунчилик қоидаларига эга эмас. Айниқса, товар белгисининг муомаласи трансчегаравий хусусиятга эга бўлганда. Бунга асосий тўсиқ товар белгилари

соҳасидаги халқаро қонунчиликнинг уйғунлашмаганидир [12, Б.21]. Шундай қилиб, трансчегаравий савдоларда товар белгисига нисбатан мутлақ ҳуқуқ субъектив ҳуқуқ бўлиб, у ўз ичига учта ваколатни қамраб олади:

- 1) ҳимоя сўраладиган миллий ҳуқуқий тартиб доирасида ҳаракат қилиш;
- 2) ҳар қандай учинчи шахс, резидент ва норезидентлардан талаб қилиш ҳуқуқи (хусусан, ҳуқуқни бузмасликни талаб қилиш, белгиланган тақиқларга амал қилиш);
- 3) товар белгисига оид ҳуқуқларни бузишнинг ҳар бир ҳолатида қонунларнинг коллизиявий қоидалари асосида белгиланадиган миллий ҳуқуқий тартиб асосида ҳимояланиш ҳуқуқи.

Замонавий рус фуқаролик ҳуқуқи намоёндалари (А.П. Сергеев [13, Б.518], А.П. Рабец [14, Б.215-217]) трансчегаравий тижорат муомаласида товар белгисига нисбатан мутлақ ҳуқуқ эгасининг барча ваколатларининг тенг аҳамиятли эканлигини эътироф этади. Бошқа рус олимларининг ишларида номоддий объектдан фойдаланишда белгиланган тақиққа риоя қилишни талаб қилиш ҳуқуқи устувор ҳуқуқ ҳисобланади. Э.П. Гавриловнинг фикрича, мутлақ ҳуқуқларнинг асосий моҳияти унинг эгаси томонидан товар белгисидан фойдаланиш ҳуқуқини бошқалар учун тақиқлашади [15, Б.63-64]. Трансчегаравий лицензия шартномаси бўйича товар белгисидан фойдаланиш қўйидаги икки муносабатларда амалга оширилади:

- мутлақ ҳуқуқ эгаси билан ҳуқуқни қабул қилувчи ўртасидаги муносабатлар;
- товар белгисидан фойдаланувчи шахс ва бошқа барча учинчи шахслар ўртасида юзага келадиган муносабатлар.

Фойдаланиш ҳуқуқини берувчи шахс билан бундай ҳуқуқ берилган шахс ўртасидаги муносабатлар нисбий хусусиятга эга [16, Б.29]. Лицензия асосида трансчегаравий савдо муомаласида товар белгисидан фойдаланиш ҳуқуқини беришда лицензиар лицензиатга шу вақтгача мавжуд бўлмаган ҳуқуқларни тақдим қилади. Ушбу ҳуқуқларнинг мазмуни, аввало, лицензиат томонидан товар белгиси рўйхатга олинган товарларни ишлаб чиқариш доирасида янги усулларни қўллашни назарда тутаяди. Бундай ҳолатда лицензиат учинчи шахслар учун лицензиар мақомига эга. Учинчи шахслар таркиби трансчегаравий лицензия шартномаси шартларига қараб қўйидагича фарқ қилиши мумкин:

- лицензиарнинг товар белгисига нисбатан ўзида сақлаб қолган ҳуқуқларига таъллукли (келажакда ўзи учун фойдаланишни назарда тутган ҳолатлар);

- товар белгисидан қонуний асосда фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган бошқа лицензиатларга тегишли. Шундай қилиб, лицензиат ҳуқуқларининг таркибидаги мутлақ асосларнинг маъноси қўйидагиларда намоён бўлади. Масалан, товар белгисини трансчегаравий тижорат муомаласида рухсатсиз учинчи шахсларнинг товар белгиси рўйхатга олинган товарларга нисбатан қайта ишлаб чиқариш нафақат лицензиарнинг, балки лицензиатнинг товар белгисидан фойдаланиш ҳуқуқини ҳам бузади. Дарҳақиқат, трансчегаравий лицензия шартномаси асосида бундай ҳуқуқни қайтаришдан кўра қўлга киритган лицензиат ушбу товар белгисидан фақат ўзи ва унга маълум бўлган бошқа аниқ шахслар фойдаланиши мумкинлигидан бевосита манфаатдордир; учинчи шахсларнинг товар белгисидан фойдаланиши унинг ҳуқуқларини бузиб, унинг мулкӣ манфаатларининг салбий оқибатлари учун жавоб бермайди [17]. Шундай қилиб, товар белгисидан трансчегаравий фойдаланишда учинчи шахсларнинг мутлақ ҳуқуқларини бузмаслик мажбурияти лицензиатга товар белгисидан тегишли товарларни шахсийлаштириш мақсадида фойдаланишга, ушбу ҳуқуқларни бошқаларнинг инсофсиз ҳатти-ҳаракатларидан муҳофаза қилишга имкон яратади [18, Б.9].

Интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни ўтказиш усуллари ва улар асосида юзага келадиган ҳуқуқий муносабатларнинг назарий таснифлари хилма-хилдир. И.А. Зенин мутлақ ҳуқуқларни олишнинг ҳуқуқни ўтказиш, ҳуқуқни тақдим қилиш каби ҳосилавий усулларини санаб ўтади. Муаллифнинг таъкидлашича, таснифлашнинг бундай усули фавқулудда бўлиб, ноаниқ мезонларга кўра асосланишга чек қўйган ҳолда, камида ҳуқуқни олиш асослари (шартнома, қонун), ўтказилган

хуқуқларнинг ҳажми (қисман, тўлиқ) ва ушбу хуқуқни олиш муддатларини (муайян вақтда, доимий) аниқлаштиради [19, Б.156]. Назаримизда, И.А. Зенин томонидан таснифланган ушбу хуқуқий ҳолат қуйидаги хуқуқий масалаларни келтириб чиқариши мумкин:

- агар товар белгисига бўлган мутлақ хуқуқни трансчегаравий ўтказиш пайтида олиш учун қонунни асос деб ҳисобласак, шундай вазият юзага келиши мумкинки, битта миллий хуқуқий тартиб доирасида белгиланган асослар пайдо бўлиши учун қонун етарли деб белгилаган асос бошқа миллий хуқуқий тартиб доирасида етарли бўлмаса юзага келган коллизия ҳолатни ҳал қилишнинг адолатли йўли сифатида товар белгиси биринчи рўйхатга олинган давлат қонунчилигига мурожаат қилишдир;

- коллизия товар белгисига бўлган хуқуқларни ўтказишнинг руҳсат берилган доирасига оид қонуний чекловлардаги фарқлардан келиб чиқиши мумкин. Хусусан, қабул қилувчи давлатдаги товар белгисининг трансчегаравий хусусиятини белгиловчи хорижий элементлар сифатида қуйидагилар кўриб чиқилади:

- хуқуқий муҳофаза қабул қилувчи давлат билан параллел равишда халқаро шартномаларда иштирок этувчи хорижий давлатда вужудга келган товар белгиси интеллектуал мулк объекти ҳисобланиши;

- товар белгисининг трансчегаравий муомаласи субъекти товар белгисининг хорижий эгаси аъзо давлат фуқароси бўлиши (яшаш жойига эга бўлган);

- тегишли давлат қонунчилигига мувофиқ, товар белгисини хорижий давлатда рўйхатдан ўтказиш факти ёки хуқуқий муҳофаза олиш учун бошқа расмиятчиликларни амалга ошириш.

Товар белгисидан трансчегаравий фойдаланиш, ўз навбатида, хуқуқни ўтказиш ва хуқуқдан фойдаланишни тақдим этишдан иборат. Хуқуқни трансчегаравий ўтказиш хуқуқни қабул қилувчи давлат қонунчилигига кўра муҳофаза остига олинади. Хуқуқдан фойдаланиш эса тақдим этувчи давлат қонунчилиги билан тартибга солинади. Фойдаланиш хуқуқини тақдим қилиш хуқуқ эгаси ва хуқуқдан фойдаланувчи ўртасида параллел импорт юзага келтиради. Хуқуқ эгаси хуқуқни қабул қилувчига товарни хуқуқ эгаси мамлакатига экспорт қилиш ваколатини чеклаши мумкин. Лекин учинчи шахсларнинг товарни импорт қилишга нисбатан талаби хуқуқ эгасининг талаби доирасига тушмайди.

Таъкидлаш лозим, товар белгиларига бўлган трансчегаравий муносабатларнинг фаол ривожланиши, шунингдек бундай муносабатларни тартибга солишнинг ягона бирлаштирувчи тизимининг йўқлиги трансчегаравий тижорат муомаласида товар белгиси мақомини белгилаш заруриятини шакллантирди. Трансчегаравий савдо муомаласида товар белгиси мақоми – хуқуқий ҳимоя сўраладиган давлат қонунига (*lex loci protectis*) асосланади. Хуқуқий ҳимоя сўралаётган давлат қонунчилигига кўра, нафақат миллий нормалар, балки тегишли давлатнинг халқаро шартномалари ҳам тушунилиш лозим. “*Lex loci protectis*” тамойилига кўра, ҳам миллий қонун ҳужжатлари, ҳам унификация қилинган халқаро шартнома қоидалари трансчегаравий тижорат муомаласида товар белгиларига нисбатан бир хилда қўлланилади. Товар белгиларига оид низоларни трансчегаравий тижорат муомаласида кўриб чиқишда чет эл хуқуқини қўллаш фақат тегишли давлатнинг халқаро шартномасидан бевосита келиб чиқадиган ҳоллардагина йўл қўйилади.

Трансчегаравий савдоларда параллел импорт қоидаларини қўллаш давлатнинг иқтисодий потенциалини оширувчи иқтисодий ва унинг барқарорлигини сақловчи муносабатдир. Барчамига маълумки, РФ ва Украина ўртасидаги муносабатлар сабаб АҚШ ва Европа давлатлари томонидан иқтисодий санкциялар қўлланилмоқда. Россия эса параллел импорт сабаб мазкур санкцияларнинг салбий оқибатларини параллел импорт орқали юмшатиб бормоқда ва таъбир жоиз бўлса бунинг уддасидан чиқмоқда. Бошқа айтганда, параллел импорт хуқуқ эгасининг мутлақ зўравонлигидан ҳимоя қилиш воситаси ҳисобланади. Бироқ, ривожланган етакчи мамлакатлар параллел импортни тан олмаслигини ҳам унутмаслик лозим. Параллел импортни муайян

соҳаларда жумладан чакана савдода, бир марталлик дистрибьютерлик битимларида қўллаш мамлакатимизда миллий субъектлар айниқса истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эга.

Шундай қилиб, юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, товар белгисининг трансчегаравий мақомига қуйидагича таъриф бериш мумкин:

“Трансчегаравий товар белгилари – бу товар белгиларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш бўйича халқаро шартномалар, биринчи навбатда, 1886 йилдаги Париж конвенцияси асосида товар белгиси келиб чиққан мамлакатдан бошқа аъзо давлатларда товар белгиларини трансчегаравий муомалага киритиш билан амалга ошириладиган муносабатдир”.

“Товар белгисига бўлган ҳуқуқни трансчегаравий ўтказилиши – бу товар белгисига нисбатан ҳуқуқнинг пайдо бўлишини ҳосилавий усуллари гуруҳи, яъни товар белгисининг асл ёки кейинги эгаси бир хил миллий ҳуқуқий тартиб доирасида фаолият юритадиган товар белгисига бўлган ҳуқуқларни товар белгиси тўлиқ ёки қисман бошқа миллий ҳуқуқий тартиб доирасида ўз фаолиятини амалга оширувчи шахслар томонидан ўтказилишининг махсус усулидир”.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Агамагомедова С. А. Понятие товара, содержащего объект интеллектуальной собственности, в системе трансграничной защиты интеллектуальных прав // Модели, системы, сети в экономике, технике, природе и обществе. – 2013. – № 4 (8). // URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/ponyatie-tovara-soderzhaschego-obekt-intellektualnoy-sobstvennosti-v-sisteme-transgranichnoy-zaschity-intellektualnyh-prav?ysclid=lh52vyilsy15138036>.

2. Сиднева А. М., Мазепов П. Е. Инвестиционные проекты в современном коммерческом обороте // Образование и право. – 2019. – № 2. // URL: <http://elib.fu.ru/art2019/bv860.pdf/en/info>.

3. Леанович Е.Б. Трансграничные аспекты охраны прав интеллектуальной собственности в условиях глобализации // Имущественные отношения в Российской Федерации. – 2009. – № 10. // URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/transgranichnye-aspekty-ohrany-prav-intellektualnoy-sobstvennosti-v-usloviyah-globalizatsii?ysclid=lh52zlh0df317078609>.

4. Мажорина М. В. Выбор применимого права к трансграничным смешанным и непоименованным договорам // Журнал российского права. – 2012. – № 10 (190). // URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/vybor-primenimogo-prava-k-transgranichnym-smeshannym-i-nepoimenovannym-dogovoram?ysclid=lh5308gpqo782971734>.

5. Smit H. The Relation of Intellectual Property Rights to Cross-Border Trade in the EEC // Can.-USLJ. – 1986. – Т. 11. // URL: <https://core.ac.uk/download/pdf/214088106.pdf>.

6. Sender M. P. Cross-border enforcement of patent rights: an analysis of the interface between intellectual property and private international law. – Oxford University Press on Demand. – 2002. // URL: <https://global.oup.com/academic/product/cross-border-enforcement-of-patent-rights-9780199249695?cc=us&lang=en>.

7. Nurton J. ECJ clarifies well-known definition / J. Nurton // Managing IP. – 2007/2008. – № 175. – P. 14; Nurton J. Bud ruling says TM applications are property // Managing IP. – 2007. – № 166. // URL: <https://www.managingip.com/article/2a5cns6kj3oqbatx472f4/ecj-clarifies-well-known-definition>.

8. Оплачко В. Развитие Мадридской системы международной регистрации товарных знаков // ИС. Промышленная собственность. – 2007. – № 1. // URL: <https://search.rsl.ru/ru/record/01004578345?ysclid=lh536uprp4467370359>.

9. Пиленко А.А. Право изобретателя. – М., 2001. – С. 450, 469-470, 657. // URL: <https://search.rsl.ru/ru/record/01000688315?ysclid=lh537mhmch923765163>.

10. Раевич СИ. Исключительные права. Право на товарные знаки, промышленные образцы, изобретения, авторское право. – М., 1929. // URL: <https://search.rsl.ru/ru/record>

[/01008866418?ysclid=lh538a6b3j756990152.](#)

11. Дозорцев В.А. Интеллектуальные права. Понятие, система, задачи кодификации. Сборник статей. – М., 2003. – С. 123, 292. // URL: <https://www.studocu.com/row/document/toshkent-xalqaro-vestminster-universiteti/commercial-law/dozortsev-v-a-intellektual%D1%8Cnye-prava-ponyatie-sistema-zadachi-kodifikatsii/20089110>.

12. Maunsbach U. Some reflexions concerning jurisdiction in cases on cross-border trademark infringements through the Internet // Stockholm Institute for Scandinavian Law. – 1957. – Т. 2010. // URL: <https://www.scandinavianlaw.se/pdf/47-23.pdf>.

13. Сергеев А.П. Право интеллектуальной собственности в Российской Федерации. Учебник. – М., 2003. // URL: https://www.studmed.ru/sergeev-ap-pravo-intellektualnoy-sobstvennosti-v-rossiyskoy-federacii_7a3cef7c8f8.html?ysclid=lh539lbgyz19924287.

14. Рабец А.П. Правовая охрана товарных знаков в России, современное состояние и перспективы. – СПб. – 2003. // URL: <https://search.rsl.ru/ru/record/01001867453?ysclid=lh539yy45e900852079>.

15. Гаврилов Э.П. Права на интеллектуальную собственность в новом Гражданском кодексе РФ // Государство и право. – 1995. – № 11. // URL: https://elar.urfu.ru/bitstream/10995/94358/1/978-5-7996-3042-3_2020.pdf?ysclid=lh53czk08x946694958.

16. Torremans P. L. C. Jurisdiction for cross-border intellectual property infringement cases in Europe // Common Market Law Review. – 2016. – Т. 53. – №6. // URL: <https://kluwerlawonline.com/journalarticle/Common+Market+Law+Review/53.6/COLA2016144>.

17. Шахназаров Б.А. Система правового регулирования трансграничных отношений в сфере промышленной собственности. терминологические аспекты. // Актуальные проблемы российского права. – 2021. – № 7 (128). // URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/sistema-pravovogo-regulirovaniya-transgranichnyh-otnosheniy-v-sfere-promyshlennoy-sobstvennosti-terminologicheskie-aspekty>.

18. Matyas K., Orsolya C. Enforcement of Judgments regarding the Infringement of Rights over Trademarks in Cross-Border Cases in the European Union // Rom. J. Intell. Prop. L. – 2010. // URL: https://www.researchgate.net/publication/358428921_Cross_Border_Enforcement_of_Intellectual_Property_Rights_in_the_EU.

19. Зенин И.А. Указ.соч. // URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/normativno-pravovoe-obespechenie-deyatelnosti-organov-publichnoy-vlasti-v-usloviyah-pandemii-novoy-koronavirusnoy-infektsii-covid?ysclid=lh53h7r8th783719852>.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD


ПЎЛАТОВ Алишер Рамазанович

Тошкент давлат юридик университети мустақил тадқиқотчиси

E-mail: alisherbek23@gmail.com

КРИПТОВАЛЮТАНИ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ВА УНИ МУОМАЛАСИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ БЎЙИЧА АСОСИЙ ЁНДАШУВЛАР

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): ПЎЛАТОВ А.Р. Криптовалютани вужудга келиши ва уни муомаласини тартибга солиш бўйича асосий ёндашувлар // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 2 (2023) Б. 49-56.

 2 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2023-2-7>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада инсоният эволюцияни янги босқичини бошлаб берган рақамли муносабатларни марказида криптовалюта ва уни афзалликлари кўрсатиб берилган. Криптовалюта тўловларининг жозибадор хусусияти шундаки, субъектлар ўртасидаги операциялар тўғридан-тўғри, воситачилар иштирокисиз, молия институтларини жалб қилмасдан амалга оширилади. Мазкур мақолада муаллиф ушбу хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда, криптовалютанинг дунёда тартибга солиш ва тушуниш бўйича ёндашувлар кўриб чиқилди. Маълум бўлдики, криптовалюта нафақат бизнес учун афзалликларни келтириб чиқарди, балки ҳукуматлар ва ҳатто фойдаланувчилар учун ҳам бир қатор янги хавфларни келтириб чиқариши баҳоланди. Улар қаторида киберхавфсизлик, солиқ тўлашдан бўйин товлаш, ноқонуний фаолиятни рағбатлантириш ва терроризмни молиявий қўллаб-қувватлаш ва бошқаларнинг таъсири баҳоланди. Ушбу мақолада муаллиф томонидан миллий ва халқаро тажриба асосида Ўзбекистон қонунчилигида рақамли валютани ҳуқуқий мақомини аниқлашга қаратилган таҳлиллар ўтказилиб, миллий қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган таклифлар илгари сурилган. Ушбу мақолани тайёрлашда Мари Кюри тадқиқоти ва инновацион кадрлар алмашинуви грант дастури (Марказий Осиё қонуни, № 870647) томонидан қўллаб-қувватланган.

Калит сўзлар: рақали актив, криптовалюта, криптоактив, блокчейн, виртуал валюта, токен.

ПУЛАТОВ Алишер Рамазанович

Независимый соискатель Ташкентского государственного
юридического университета

E-mail: alisherbek23@gmail.com

ОСНОВНЫЕ ПОДХОДЫ К СОЗДАНИЮ И УРЕГУЛИРОВАНИЮ КРИПТОВАЛЮТЫ

АННОТАЦИЯ

В статье рассмотрена криптовалюта и ее преимущества в центре цифровых отношений, положивших начало новому этапу эволюции человечества. Привлекательной особенностью криптовалютных платежей является то, что сделки между субъектами осуществляются напрямую, без участия посредников и без привлечения финансовых институтов. В статье автор приводит подходы к регулированию и пониманию криптовалюты в мире с учетом указанных особенностей. Оказывается, криптовалюта не только принесла преимущества бизнесу, но и, по оценкам, несет ряд новых рисков для правительств и даже самих пользователей. Среди них оценивалось влияние кибербезопасности, уклонение от уплаты налогов, пропаганды незаконной деятельности и финансовой поддержки терроризма и т.д. В статье на основе отечественного и международного опыта автор проводит анализ, направленный на определение правового статуса цифровой валюты в законодательстве Узбекистана, и выдвигает предложения, направленные на совершенствование национального законодательства. Это исследование в рамках данной статьи было поддержано схемой обмена исследовательским и инновационным персоналом Марии Кюри в рамках программы H2020 (аббревиатура гранта: Закон Центральной Азии, № 870647).

Ключевые слова: цифровой актив, криптовалюта, криптоактив, блокчейн, виртуальная валюта, токен.

PULATOV Alisher

Independent researcher at Tashkent State University of Law

E-mail: alisherbek23@gmail.com

BASIC APPROACHES TO CREATION AND REGULATION OF CRYPTOCURRENCY

ANNOTATION

This article shows the cryptocurrency and its advantages in the center of digital relations, which has started a new stage of human evolution. An attractive feature of cryptocurrency payments is that transactions between entities are carried out directly, without the participation of intermediaries, without the involvement of financial institutions. In this article, the author considered approaches to the regulation and understanding of cryptocurrency in the world, taking into account these features. It turns out that cryptocurrency has not only brought advantages to businesses, but has also been assessed to bring a number of new risks to governments and even users. Among them, the impact of cyber security, tax evasion, promotion of illegal activities and financial support of terrorism, etc. was assessed. In this article, on the basis of national and international experience, the author conducted analyzes aimed at determining the legal status of digital currency in the legislation of Uzbekistan, and put forward proposals aimed at improving the national legislation. This research was supported by a Marie Curie Research and Innovation Staff Exchange scheme within the H2020 Program (grant acronym: Central Asian Law, no 870647).

Keywords: digital asset, cryptocurrency, cryptoasset, blockchain, virtual currency, token.

Сўнгги йилларда дунёда криптовалюта бозорининг жадал ўсиши кузатилмоқда. 2022 йил декабрь ойида криптовалюта бозорининг умумий капиталлашуви 2,3 триллион АҚШ долларга етди, бу эса глобал молиявий активларнинг тахминан 1 фоизини ташкил этади. Рақамли активлар бўйича операциялар ҳажмининг ўсиши, шунингдек, улардан фойдаланиш билан боғлиқ хавфларнинг ортиб бориши сабабли, ушбу турдаги пуллар давлат назорат органлари ва халқаро ташкилотларда тобора кўпроқ ташвиш ва муайян хавотирларни келтириб чиқармоқда [1, Б.416-421].

Жамиятнинг барча соҳаларини ахборотлаштирилди ва рақамли иқтисодиётни барпо этиш мавжуд тўлов воситаларига бевосита таъсир кўрсатилди, бунинг натижасида эса дунё “электрон пуллар” даврига кирди. Қоғоз пуллар тез суръатлар билан тўлов карталари, электрон пуллар билан алмаштирилмоқда.

Оддий тўлов тизимлари аста-секин PayPal, WebMoney, Yandex каби тизимлар билан алмаштирилмоқда. Пулдан фойдаланишда эса, бошқа электрон пул турларидан фарқ қилувчи янги тўлов воситаси сифатида криптовалютадан фойдаланишда фаол ўсиш кузатилмоқда. Бугунги кунда бутун дунё бўйлаб кўплаб одамлар криптовалюталардан фойдаланмоқдалар ва ҳозирда Ўзбекистон Республикасида крипто биржа фаолият кўрсатмоқда.

Биткоиннинг яратилиш тарихи, бошқа барча криптовалюталарнинг пайдо бўлиши каби, пул операцияларини шифрлаш ва кодлаш соҳасидаги бир қатор халқаро тадқиқотларга туртки бўлди. Хусусан, 1982 йилда Devid Chaum Халқаро криптографик тадқиқотлар ассоциациясини (IACR) ташкил этди. 1983 йилда у тўловларнинг анонимлиги, уларнинг шаффофлиги, шунингдек, пул операцияларининг хавфсизлиги муаммолари тўғрисида тадқиқот ишларини бошлаган. Шунда илм-фанда янги “рақамли олтин” ғояси туғилди [2, Б.36-40], десак хато бўлмайди.

Биткоин, R. Greenberg таърифлаганидек, ҳукумат ёки бирон бир юридик шахс томонидан қўллаб-қувватланмайдиган, тенгма-тенг тармоқлар ва криптографияга асосланган, олтин ёки биржа товарларига айирбошланмайдиган, рақамли, марказлашмаган, қисман аноним валютадир [3, Б.159].

2008 йилда Сатоши Накамото (Satoshi Nakamoto) биткоин (BTC) деб номланган тўлиқ марказлаштирилмаган ва аноним криптовалюта яратади [4]. Худди шу 2008 йилда bitcoin.org домени рўйхатдан ўтказилди ва янги криптовалютани ишга тушириш ҳақидаги расмий пресс-релизлар эълон қилинди [5, Б.212-215]. Мазкур давлат назоратидан қоча оладиган ўзига хос блокчейн тизими рақамли иқтисодиётдаги фрилансерлар орасида катта муваффақияти билан машҳур бўла бошлади.

Ўшандан бери бу технология ривожланмоқда ва ҳозирда Ethereum, Ripple, EOS ёки Litecoin каби крипто пулларнинг янги турларига, шунингдек жамиятнинг турли соҳаларида қўлланилмоқда [6, Б.193–210]. Бундан ташқари, блокчейн технологиясининг ривожланиши ва криптовалюталар ва виртуал пулларнинг кенг таклифини молия бозорларига киритиш neo-bankлар, Challenger Bankлар, BaaS ёки Fintech, Revolut, N26, Monzo, PayPal Commerce Platform ёки TransferWise ва бошқаларни яратиш, кенгайтириш ва халқаролаштиришга олиб келди [7, Б.262].

S. Jafari тўғри қайд этганидек, криптовалюта феномени, биринчи жорий этилганидан бери, яқинда эътиборни тортди, аммо турли жиҳатлар ва соҳаларга катта таъсир кўрсатди. Қонун нафақат хавфнинг олдини олиши, балки ушбу ажойиб технологияни яхшироқ келажак яратиш учун кучли восита сифатида қабул қилиш учун қандай ривожланишини белгилаши зарур [8, Б.172].

Биткоин жорий этилгандан бери ўнлаб бошқа криптовалюталар пайдо бўлди. Кўпчилик биринчи тўлиқ амалга оширилган криптовалюта протоколини ифодаловчи Биткоин каби ўхшаш спецификацияларга асосланган. Иккинчи энг машҳур криптовалюта Litecoin иш исботи сифатида scrupт алгоритмидан фойдаланади ва транзакцияларни тезроқ тасдиқлайди (2,5 дақиқа) [9].

Криптовалютанинг таърифи бўйича турли позициялар ва талқинлардан келиб чиққан ҳолда, биз криптовалюта таърифига бир нечта асосий ёндашувларни ажратиш кўрсатишимиз мумкин.

Биринчи ёндашув. Криптовалюта фиат пулга ўхшаш валюта ролини ўйнаши мумкин, чунки ҳозирги вақтда криптовалюта, масалан, биткойн билан сиз ҳар қандай маҳсулот учун тўлашингиз мумкин.

Иккинчи ёндашув. Криптовалюта векселлар, чеклар ва бошқа молиявий воситалар каби пул суррогатлари сифатида ҳам ҳаракат қилиши мумкин.

Учинчи ёндашув. Криптовалютанинг авлоди тармоқда содир бўлишини ҳисобга

олсак, криптовалюта ўз қийматига эга бўлган товар, мулк ёки турли хил активлар сифатида ҳам ҳаракат қилиши мумкин.

Тўртинчи ёндашув, криптовалюта ҳисоб бирлиги сифатида олиш мумкин, бу маълумотлар базасида ёзувдир.

Олтинчи ёндашув, тўлов воситаси билан бирга криптовалюта жамғариш ва тўплаш воситаси сифатида ҳам хизмат қилиши мумкин.

Криптовалютани яратилишида блокчейнни роли жуда муҳимдир. Блокчейн (блоклар занжири) – турли активларни ишончли ҳисобга олиш, жумладан, сақлаш, алоқа ва архивлаш функциялари учун мўлжалланган кўп даражали ва кўп функцияли ахборот технологиясидир [10, Б.72-75].

Криптовалюталарга келсак, блокчейн тақсимланган дафтар вазифасини бажаради, унда тасдиқланган транзакциялар блокларда сақланади ва блокларнинг ўзлари битта занжир билан ўзаро боғланади, шу билан бирга транзакциялар ҳақидаги барча маълумотлар мураккаб ҳисоб-китоблар орқали ноёб хешкод шаклига эга бўлади. Технологиянинг ўзига хослиги ҳар бир кейинги транзакциялар блоки дастлабки транзакциянинг «хеш»ини ўз ичига олишини назарда тутди. Бу калитларни танлаш қийинлигини сезиларли даражада оширади ва занжирни ҳакерликдан ишончли ҳимоя қилади.

Молиявий тизимда криптовалюта пайдо бўлганидан бери **уни солиққа тортиш** бўйича саволлар туғила бошлади. Аслида, криптовалюта аллақачон жаҳон иқтисодиётининг молиявий воситаларидан бири бўлиб, у билан тузилган битимлар ҳам тегишли солиққа тортилиши керак. Кўпгина мамлакатларда криптовалюта солиққа тортиш сиёсати жуда хилма-хилдир ва уларнинг маъмурий усуллари концептуал жиҳатдан бир-бирдан фарқ қилади.

Ушбу масалада хорижий амалиётда энг кенг тарқалган қўйидаги ёндашувларни ажратиб кўрсатишимиз мумкин. **Биринчи ёндашув** криптовалютанинг дастлабки чиқарилишидан, унинг амалга оширилишидан қатъи назар, даромадларни солиққа тортишни ўз ичига олади. Солиққа тортишнинг бу усули Испания ва Францияда қўлланилади [11, Б.38-41].

Шуни таъкидлаш керакки, ушбу мамлакатлар томонидан солиққа тортишнинг ушбу усули криптовалюталар билан фирибгарлик операцияларининг олдини олиш мақсадида қабул қилинган ва тескари таъсир кўрсатиши мумкин, чунки криптовалюта операциялари иштирокчилари ушбу юрисдикциялардан қочишади ва шунга мос равишда солиқ тушумлари камаяди.

Иккинчи ёндашув капитал даромадларини солиққа тортишдир, бунда солиқ базаси сотиб олинган ва сотилган активнинг нархи ўртасидаги ижобий фарқ ҳисобланади. Солиқ маъмуриятчилигининг бу усули энг оммабоп бўлиб, у кўплаб мамлакатларда, масалан, АҚШда [12, Б.18], Германия, Бразилия ва бошқаларда қўлланилади [13, Б.11-17]. Бу солиққа тортиш усули янада адолатли деб ҳисоблаш мумкин, чунки у анъанавий солиқ маъмуриятчилигига ўхшайди.

Криптовалюта ва у билан операцияларни солиққа тортишни бутунлай истисно қиладиган **учинчи ёндашув** ҳам мавжуд, бу «солиқ жаннати» деб аталади. Шундай қилиб, масалан, Данияда криптовалюта қонуний тўлов воситаси эмаслиги сабабли, унга солиқ қонунларини қўллаш мумкин эмас ва криптовалюта операцияларидан солиқ ундирилмайди [14, Б.20-29].

2015 йилда Европа Иттифоқи суди криптовалюталарни (ушбу ишда биткоин кўриб чиқилган) валюталарнинг айланишини тартибга солувчи нормаларга мувофиқ солиққа тортишдан озод қиладиган қарор чиқарди. Шундай қилиб, суд криптовалютанинг ҳолатини мол-мулк эмас, балки валюта деб топди, яъни у солиққа тортилмайдиган бўлди [15].

Ўзбекистонга келсак, мамлакатимизда криптовалюта муомаласи тўлиқ давлат назоратига асосланган. Ўзбекистон Марказий банкининг расмий позицияси ҳозиргача консерватив бўлиб қолмоқда ва мамлакатда фақат битта қонуний валюта – сўм

мавжудлиги ва шунинг учун криптовалютадан тўлов воситаси сифатида фойдаланиш мумкин эмаслигидан иборат. Шу сабабдан Ўзбекистон фуқаролари хорижий сайтларда криптовалюта mining фаолиятини амалга оширишга мажбур.

Ўзбекистон Республикаси “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги Қонунинг 4-моддасида “валюта қимматликлари — чет эл валютаси, номинали чет эл валютасида ифодаланган қимматли қоғозлар ва тўлов ҳужжатлари, норезидентлар томонидан чиқарилган, номиналга эга бўлмаган қимматли қоғозлар, соф кўйма олтин” деб таъриф берилган [16].

Қонунда белгиланган таърифга асосланиб, қайд этиш зарурки Ўзбекистон қонунчилиги “валюта нима” деган тушунчага аниқ таъриф беради. Қонунга кўра, тўлов воситаси сифатида рақамли технологияларнинг мавжудлиги имконсиз ва қонун криптовалюта валюта сифатида эътироф этишни рад этади. Аммо шунга қарамай, “бугунги кунда фойдаланувчилар криптовалютадан тўлов воситаси сифатида фаол фойдаланадилар ва уни товарлар ёки хизматларга алмаштирадилар” [17, Б.149-152].

Биткойн ривожланишининг юқори даражаси шуни кўрсатадики, агар кўплаб молиявий ташкилотлар, шу жумладан марказий банклар турли мамлакатлар ҳукумати билан биргаликда ҳамфикр бўлишса, халқаро рақамли валюта мақомини олиши қийин бўлмайди. Бундай ҳолатда, мамлакатлар биткойнни халқаро рақамли валюта сифатида тан олишга мажбур бўладилар.

Шубиланбирга, криптовалюталар билан инвестиция операцияларини амалга ошириш миллий қонунчилик билан тақиқланмаганлигини таъкидлаш лозим. Мамлакатимизнинг исталган фуқароси инвестиция даромадини олиш учун криптовалюта криптовалюта биржасида ёки бевосита криптовалюта эгаларидан сотиб олиши мумкин. Асосий шарт ушбу жараёнларни миллий криптобиржада ушбу фаолият амалга оширилиши зарур.

Ушбу ҳолатлар, криптовалюта универсал молиявий восита эканлиги ҳақида хулоса қилиш имконини беради, чунки у турли имкониятлар ва соҳаларда ҳаракат қилиши мумкин ва бу рўйхатни технология ривожланиши билан давом эттириш мумкин.

Криптовалютани олишнинг **учта асосий қонуний усули** мавжуд.

Биринчи, берилган алгоритм бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун мўлжалланган компьютер фермалари ёрдамида mining қилишни амалга ошириш. (Шу билан бирга, биткойн бўлса, майнерлар ҳар бир mining қилинган блок учун 6,25 биткойн миқдорида мукофот оладилар, мукофот миқдори ҳар 4 йилда ўзгаради) [18].

Иккинчи, mining операциялари учун кичик абонент тўловларида булутли mining хизматларига уланиш. Mining – бу компьютерлар ёрдамида математик ҳисоб-китобларни ечиш асосида криптовалюта олиш усулидир [19, Б.31-36].

Учинчи, жорий курс бўйича ёки тўғридан-тўғри дилерлардан харид қилиш.

Криптовалюталарнинг асосий афзалликлари уларни сохталаштиришнинг деярли имконсизлиги туфайли, юқори даражадаги ишончлилигидир. Бундан ташқари, криптовалюта чекланган эмиссия чегарасига эгалиги туфайли, дефляцион восита ва инфляция хавфидан ҳам ҳолидир.

Бундан ташқари, криптовалюта операцияларида пул ўтказмасини амалга оширишда комиссия йўқ ёки у жуда кичик, шунингдек, блокчейнда қайд этилган транзакциялар маълумотларининг хавфсизлиги ва ўзгармаслиги билан таъминланади, бу ҳам фойдаланувчилар учун жалб қилувчи хусусиятдир. Платформанинг марказлашмаганлиги, яъни аксарият ҳолларда унинг ижобий сифати деб тан олинишига қарамасдан марказий тартибга солиш тизимининг йўқлиги ҳам жуда кўп тортишувларга сабаб бўлади.

Мавжуд афзалликлар билан бир қаторда, криптовалюта бир қатор камчиликларга эга. Жумладан:

Биринчидан, криптовалютанинг юқори ўзгарувчанлиги ва таъминланмаганлиги, уларнинг давлат органлари ва молия институтлари томонидан салбий қабул қилинишининг асосий сабаблари ҳисобланади.

Иккинчидан, криптовалюта молия тизимига татбиқ этишнинг асосий тўсиғи бу унинг эмиссиясини назорат қилишнинг имконсизлигидир. Давлат банклари

криптовалюта чиқариш ва муомалага киритиш бўйича операцияларни назорат қилиш имкониятига эга эмаслар ва шунинг учун ҳам бу омил давлат ва аҳолининг ушбу молиявий воситага маълум бир ишончсизлигини келтириб чиқаради.

Учинчидан, криптовалюта айланмасини норматив тартибга солишнинг ва криптовалюта калитлари йўқолган тақдирда жамғармаларни қайтариш кафолатларининг йўқлигини ҳам камчиликларга киритиш мумкин.

Тўртинчидан, криптовалюта фойдаланувчиларининг анонимлиги, ундан фойдаланиш билан боғлиқ фирибгарлик ҳаракатларининг кўпайиш хавфининг пайдо бўлиши нуқтаи назаридан жуда кўп танқидларга сабаб бўлади. Ва ниҳоят, криптовалюталар билан тўғри ишлаш учун нафақат молиявий соҳада билимга, балки замонавий рақамли технологик кўникмаларига ҳам эга бўлиш керак.

Қоида тариқасида, савдогарлар криптовалюта айланмаси атрофида содир бўлаётган барча янгиликларни жумладан, нуфузли мутахассисларнинг фикри ёки янги криптовалютани муомалага киритиш ёхуд баъзи мамлакатлардаги криптовалютани қонунийлаштириш бўладими кузатиб борадилар. Ушбу сигналларнинг барчасига криптовалюта бозори жуда тез жавоб беради. Албатта, ўзига хослигига қарамай, криптовалюта ҳам талаб ва таклифнинг машхур қонунига бўйсунди.

Бизнингча криптовалюта ривожланишини тўхтатувчи асосий омил – бу ўз мамлакатларининг пул-кредит сиёсати устидан назоратни йўқотишни истамайдиган давлат молиявий тартибга солувчиларининг позициясидир.

Криптовалюта ва унинг айланишини ҳуқуқий тартибга солишнинг хорижий тажрибаси шуни кўрсатадики, криптовалюта операцияларини ҳуқуқий тартибга солишнинг турли даражаларига қарамай, криптовалюта институти аста-секин жаҳон иқтисодиётида ўз ўрнини эгаллаб бормоқда, деган хулосага келишимиз мумкин.

Ҳозирги вақтда маҳаллий ва хорижий олимлар орасида криптовалюта тушунчасининг таърифи бўйича ягона позиция ҳали ҳам мавжуд эмас. Бу ҳақида дастлабки параграфда хулосалар қилдик. М.А.Егорова, Л. Г. Ефимова фикрича, “Криптовалютага одатда фуқаролик ҳуқуқлари объекти сифатида, рақамли валюта, рақамли мулк, товар, тўлов воситаси, баъзан эса мажбурият ҳуқуқи сифатида қаралади. Фақат электрон шаклда мавжуд бўлган валюта рақамли валюта деб аталади” [20, Б.11-16].

О. И.Ларина ва О.М. Акимов қайд этишларича, “Тўлов ва пул тизимларининг ўзгаришига ҳисса қўшадиган янги ҳодисани рақамли пул каби институтнинг шаклланиши деб аташ мумкин, бу кўпинча бошқача номланади: рақамли валюталар, тармоқ пуллари, криптовалюталар” [21, Б.19].

Биз ушбу фикрга қўшилмаймиз. Тушунчалардаги ноаниқликни бартараф қилиш мақсадида қуйидагиларни алоҳида кўрсатиб ўтишимиз зарур. Ҳуқуқий адабиётларда “рақамли валюта”, “виртуал валюта” ва “кириптовалюта” каби тушунчалар бор. Бизнингча уларни қуйидаги шаклда баҳолаш мақсадга мувофиқ саналади.

Рақамли валюталар тартибга солиш усулига кўра таснифланади ва “виртуал валюта” ва марказий банк томонидан тартибга солинадиган “валюта”га бўлинади. Рақамли валюта келажакда иқтисодий ривожланиш йўлларида бирига айланади. Бу вақт масаласидир. Виртуал валюта – бу марказий банк томонидан тартибга солинадиган рақамли пул, уни фақат ишлаб чиқувчининг ўзи назорат қилиши мумкин. Виртуал валютага электрон пул ҳам киради. Демак, рақамли валюта тушунчаси виртуал валюта тушунчасига қараганда кенгроқ тушунча бўлса, виртуалвалюта эса ўз ичига криптовалюта тушунчасини қамраб олади.

“Виртуал валюта” тушунчаси дунёнинг кўплаб мамлакатларида кенг тарқалган электрон пуллари, шунингдек криптовалюталарни ҳам ўз ичига олади. Бизнингча, криптовалюта рақамли валютанинг бир туридир. Бу айирбошлаш воситаси сифатида фойдаланиладиган активдир ва криптографияга асосланганлиги сабабли хавфсиз ҳисобланади.

Бир сўз билан айтганда, криптовалюталар – бу давлатга боғлиқ бўлмаган ва

анъанавий банк тизимини четлаб ўтиб ишлайдиган марказлаштирилмаган пуллардир. Криптовалюта рақамли валюталар тўплами, шунингдек, муқобил ва виртуал валюталар тўплами сифатида таснифланади.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, криптовалюта ривожлантиришнинг муҳим омили бу криптовалюта айланмаси соҳасидаги қонунчиликнинг мавжудлиги ва унинг ҳуқуқий мақомидир. Криптовалютанинг ҳуқуқий мақоми тўғрисида қонуний қарор қабул қилган мамлакатларда бозор тезроқ ривожланмоқда.

Шу муносабат билан, “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонунга блокчейн тушунчасини тавсифловчи нормани киритиш ва уни кейинги таҳрирда баён қилиш таклиф этилади:

“блокчейн — ўзаро боғланган маълумотлар блоклари занжири, яхлитликни тасдиқлаш алгоритмлари ва шифрлаш воситаларига асосланган марказлаштирилмаган маълумотлар платформасида ахборотнинг ўзгармаслигини таъминлайдиган ахборот-коммуникация технологияси”.

Халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг **“Рақамли активлар тўғрисида”**ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш, крипто-биржалар криптовалютасининг ҳуқуқий мақомини қонунийлаштириш ва унга қўйидаги тушунчаларни киритиш таклиф қилинади:

“Криптовалюта биржаси – бу криптовалюта сотиш, улар ўртасида савдо қилиш ва унинг сақланишини таъминлаш имконини берадиган электрон савдо платформаси”.

“Криптовалюта–буЎзбекистонРеспубликасиёкихорижийдавлатларнингвалютасида белгиланмаган, ахборот ва телекоммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда яратилган ва ҳисобга олинмаган мулк, ундан электрон пул ва қонуний тўлов воситалари билан боғлиқ бўлмаган номаълум доирадаги шахслар томонидан ҳеч қандай марказий ҳокимият назоратига бўйсунмайдиган криптографик марказлаштирилмаган реестр тизимида яратилган ва бошқариладиган конвертация қилинадиган виртуал валюта”.

Криптовалюта тартибга солишни қонунчилик даражасида ўрнатиш орқали тадбиркорликка, давлатга ва жамиятга ижобий таъсир кўрсатади, деб дадил тахмин қилишимиз мумкин.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Жарина Н. А., Гайфутдинова Р. З., Кузнецова С. Б. Регулирование криптовалют в России: современное состояние и дальнейшие тенденции // Вестник Академии знаний. – 2022. – №. 1 (48).
2. Васильева Н. Ю. Необходимость правового регулирования криптовалют в России // Основные направления государственной политики России в сфере обеспечения национальной безопасности. – 2018.
3. Grinberg R. Bitcoin: An innovative alternative digital currency //Hastings Sci. & Tech. LJ. – 2012. – Т. 4.
4. S.A. Nakamoto, “Bitcoin: A Peer-to-Peer Electronic Cash System”. [online], 2009, Bitcoin.org, Available at: <https://bitcoin.org/bitcoin.pdf>
5. Perkins J., Enwezor J. The legal aspect of virtual currencies //Butterworths Journal of International Banking and Financial Law. – 2016.
6. Savelyev, A. Legal aspects of ownership in modified open source software and its impact on Russian software import substitution policy. *Comput. Law Secur. Rev.*2017, 33, 193–210.
7. Gai, K.; Qiu, M.; Sun, X. A survey on FinTech. *J. Netw. Comput. Appl.* 2018, 103.
8. Jafari S. et al. Cryptocurrency: A challenge to legal system //Reza, Cryptocurrency: A Challenge to Legal System (May 2, 2018). – 2018.
9. Miers, C. Garman, M. Green and A.D. Rubin, “ZeroCoin: Anonymous Distributed E-Cash from Bitcoin,” [online], The Johns Hopkins University Department of Computer Science, Available at: <http://spar.isi.jhu.edu/~mgreen/ZeroCoinOakland.pdf>.
10. Свон М. Блокчейн. Схема новой экономики. – Litres, 2019.

11. Пинская М.Р., Цаган-Манджиева К.Н. Налогообложение доходов от деятельности, связанной с криптовалютами // Экономика. Налоги. Право. – 2018. – Т. 11. – №. 2.
12. Серeda А.В. Правовое регулирование криптовалюты: анализ зарубежного опыта // Современный юрист. – 2017. – №. 1. (Sereda A.V. Pravovoe regulirovanie kriptovalyuty: analiz zarubejnogo opyta // Sovremennyy yurist. – 2017. – no. 1.)
13. Цаган-Манджиева К.Н. О подходах к налогообложению операций с криптовалютами // Налоги и налогообложение. – 2017. – № 11.
14. Кузнецов В. А., Якубов А. В. О подходах в международном регулировании криптовалют (Bitcoin) в отдельных иностранных юрисдикциях // Деньги и кредит. – 2016. – №. 3.
15. Обмен традиционных валют на виртуальную валюту «Биткойн» освобождается от НДС // Пресс-релиз Европейского суда № 128/15 от 22 октября 2015 -<https://curia.europa.eu/jcms/upload/docs/application/pdf/2015-10/cp150128en.pdf>.
16. Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.10.2019 й., 03/19/573/3942-сон.
17. Могунова М. М., Шут О. А. Правовой статус криптовалюты в Казахстане // Вестник Северо-Казахстанского Университета им. М. Козыбаева. – 2021. – №. 4 (45).
18. Третий халвинг биткоина состоялся: мнения, оценки, прогнозы // [Электронный ресурс]. Режим доступа: <https://forklog.com/tretij-halving-bitkoina-sostoyalsya-mneniya-otsenki-prognozy/>.
19. Щербик Е.Е. Феномен криптовалют: опыт системного описания // Концепт. – 2017. – № S1.
20. Егорова М.А., Ефимова Л. Г. Понятие и особенности правового регулирования криптовалют // Предпринимательское право. 2019. №3.
21. Ларина О. И., Акимов О. М. Цифровые деньги на современном этапе: ключевые риски и направления развития // Финансы: теория и практика. 2020. №4.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

НАСУЛЛАЕВ Мубин Нутфуллаевич
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги
Юристар малакасини ошириш маркази доценти

ТЎЛОВГА ҚОБИЛИЯТСИЗЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): НАСУЛЛАЕВ М.Н. Тўловга қобилиятсизлик муносабатларини тартибга солишнинг айрим масалалари // Юристар ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 2 (2023) Б. 57-64.

 2 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2023-2-8>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада тўловга қобилиятсизлик соҳасидаги иқтисодий муносабатларни тартибга солишининг янги механизми тўғрисида баён қилинди. Янги қабул қилинган Қонундаги асосий ҳуқуқий нормаларнинг қўлланилиши кўрсатиб ўтилди. Янги Қонуннинг эски қонунларга нисбатан афзалликлари ёритиб берилди. Жисмоний шахсларнинг тўловга қобилиятсизлиги аломатларининг фарқли томонлари очиб берилди. Кредиторлар йиғилиши билан кредиторлар қўмитаси иш фаолиятига қўйилган талаблар мазмунига тушунча берилди. Тўловга қобилиятсизлик тартиб таомиллари моҳияти ва уларни қўллаш усуллари ҳақида тўхталиб ўтилди. Тўловга қобилиятсизликни иқтисодий соҳада тутган ўрни ҳуқуқий баҳоланди. Тадбиркорликда унинг аҳамияти очиқланди.

Калит сўзлари: иқтисодий суд, банкротлик, тўловга қобилиятсизлик тартиб таомиллари, тўловга қобилиятсизлик аломатлари, суд бошқарувчи, кузатув, суд санацияси, ташқи бошқарув, қарздор, кредиторлар, соғломлаштириш, жисмоний шахснинг тўловга қобилиятсизлиги, солиқ органи, кредиторлар йиғилиши.

НАСУЛЛАЕВ Мубин Нутфуллаевич

Доцент Центра повышения квалификации юристов при
Министерстве юстиции Республики Узбекистан

НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ РЕГУЛИРОВАНИЯ НЕПЛАТЕЖЕСПОСОБНОСТИ

АННОТАЦИЯ

В данной статье описывается новый механизм регулирования экономических отношений в сфере неплатежеспособности. Показано применение основных правовых норм закона в новой редакции. Были отмечены преимущества нового закона перед предыдущим. Выявлены различные аспекты признаков неплатежеспособности физических лиц. Даны понятия требования к деятельности комитета и собрания кредиторов. Обсуждены характер производства по делу о неплатежеспособности и ее

применение. Юридически оценена роль неплатежеспособности в экономической сфере. в связи с чем выявлено его значение в бизнесе.

Ключевые слова: хозяйственный суд, банкротство, конкурсное производство, признаки несостоятельности, судебный администратор, мониторинг, судебная санация, внешнее управление, должник, кредиторы, взыскание, несостоятельность физического лица, налоговый орган, собрание кредиторов.

NASULLAYEV Mubin

Associate professor of Lawyers' Training Centre under the
Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan

CERTAIN ISSUES OF INSOLVENCY REGULATION

ANNOTATION

This article describes a new mechanism for regulating economic relations in the field of insolvency. The application of the main legal norms of the newly adopted law was shown. The advantages of the new law over the old laws were highlighted. The different aspects of the symptoms of insolvency of individuals have been revealed. At the meeting of creditors, an understanding of the requirements for the work of the creditors' committee was given. The nature of insolvency proceedings and their application were discussed. The role of insolvency in the economic sphere was assessed legally. Its importance in business has been revealed.

Keywords: economic court, bankruptcy, insolvency procedures, signs of insolvency, judicial administrator, monitoring, judicial reorganization, external management, debtor, creditors, recovery, insolvency of an individual, tax authority, meeting of creditors.

Иқтисодий соҳада қонунчиликни янада ҳам мукаммаллаштириш мақсадида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш юзасидан қатор норматив ҳужжатлар қайта кўриб чиқилди. Давр талабига жавоб бермайдиган бюрократик тўсиқлар ва ғовлар акси кўринадиган қатор қонун ҳужжатлари бекор қилинди.

Бунинг натижасида тадбиркорлик ишбилармонлик муҳити яхшиланади, тадбиркорлик субъектлари ва хусусий инвесторлар учун кенг шароит ва имкониятлар яратилади.

Шундай тадбирларни амалга ошириш учун қабул қилинган “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Қонун [1] иқтисодий соҳада олиб борилаётган ислохотларга ҳуқуқий асос сифатида фойдаланилмоқда.

Қонун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 ноябрдаги қарори билан тасдиқланган тегишли “Йўл харитаси”, Ҳаракатлар стратегиясининг “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” да амалга оширишга оид Давлат дастури ижроси доирасида [2] 2020 йилга мўлжалланган Давлат дастурининг 155-банди ҳамда Жаҳон банкининг “Бизнес юритиш” ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилашга доир Йўл харитасига мувофиқ ишлаб чиқилган [3].

Давлат активларини бошқариш агентлиги маълумотларига кўра, қонунда қуйидаги асосий нормалар назарда тутилган: биринчидан – Қонуннинг номида “банкротлик” сўзи “тўловга қобилиятсизлик” сўзлари билан алмаштирилди; иккинчидан – соғломлаштириш таомилларини қўллашни рағбатлантириш мақсадида тўловга қобилиятсизлик жараёнида жорий солиқ тўловларини тўхтатиб туриш, тижорат банклари ва молия институтларидан кредитларни жалб этиш, қарздорлик қисман қопланганда корхона фаолиятини кредиторлар розилиги билан тиклаш; учинчидан – амалиётда мол-мулки етмасдан қопланмай қолган қарз маблағлари қарздор мансабдор шахслардан субсидиар тартибда ундириш тартиби белгиланмагани учун қарздорни бошқарувчи шахсларнинг ғайриқонуний ҳаракатлари оқибатида, кредиторлар талабларини тўлиқ қоплашни имконсиз қилиб қўйган шахслар ушбу мажбуриятлар бўйича суд

қарорига асосан субсидиар жавобгар бўлиши назарда тутилган. Тўртинчидан – тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги ишнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, қарздор тузган битимларни бажаришдан бош тортиш ҳамда уни ҳақиқий эмас деб топиш бўйича нормалар кенгайтирилди. Бешинчидан – жисмоний шахснинг тўловга қобилиятсизлиги институти ва амалиёти жорий этилди. Бунда жисмоний шахснинг кредиторлик қарзини 3 йил давомида бўлиб-бўлиб тўлаш ёки унинг мулкани сотиш орқали қопланади. Бунда, тўловга қобилиятсиз ҳолатига тушиб қолган жисмоний шахснинг қарзларини 3 йил муддатгача бўлиб-бўлиб тўлаш орқали тўлов муддатини кечиктириш, жисмоний шахснинг мол-мулкларини сотиш ҳисобига қарздорликларини қоплаш ва қопланмай қолган қарзларидан озод қилиш, ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари натижасида жисмоний шахс ўзини тўловга қобилиятсизликка олиб келган ҳолатлари аниқланганда, суд бошқарувчи томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат этилади ва тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги иш тўхтатилади ҳамда жисмоний шахс ўз қарзларидан озод этилмайди. Олтинчидан – улуш киритиш асосида қурилган уй-жойларни харид қилган мулкдорлар ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш мақсадида бундай қурувчиларни тўловга қобилиятсиз деб топишнинг алоҳида тартиби белгиланди (улуш киритган мулкдорлар ҳуқуқлари кафолатланади). Шунингдек, қонунга кўра, кредиторлар ҳуқуқлари кафолатларини кучайтириш, суд бошқарувчиси ҳуқуқларини кенгайтириш ва корхоналарни молиявий соғломлаштиришни рағбатлантирувчи янги тартиблар белгиланди [4].

Ҳозирги даврда зарурият бўлиб ҳисобланган қонунни қабул қилиш ва иқтисодий ночор бўлган тадбиркорлик субъектларини молиявий инқироз ҳолатидан олиб чиқиш, улар фаолиятини қайта тиклаш ҳамда соғломлаштириш масалаларини ҳал қилишда бунгача қонун нормаларида қатор бўшлиқларнинг мавжуд бўлганлиги туфайли самара бермаётганлиги учраб турарди.

Бунга ўз кучини йўқотган “Банкротлик тўғрисида”ги Қонуннинг [5] “банкротлик” атамаси билан номланиши иқтисодий ночор корхоналарни банкрот деб топиш ва уларни тугатиш билан боғлиқ тушунчани англантиши мисол бўлади.

Эндиликда банкротликнинг соғломлаштириш таомилларидан суд санацияси ва ташқи бошқарув таомиллари қўлланишини рағбатлантирувчи самарали нормалар амалиётда қўлланиладиган бўлди.

Шу билан бирга кредиторларнинг қарзлари қопланиш даражаси пастлиги ва банкротлик жараёнлари муддати узоқ давом этиши оқибатида кўп харажат сарф бўлиши ҳамда қарздор тузган битимларни бажаришдан бош тортиш ҳамда уни ҳақиқий эмас деб топиш бўйича аниқ нормалар бўлмаганлини таъкидлаш лозим.

Бундан ташқари, амалиётда мол-мулки етмасдан қопланмай қолган қарз маблағларини қарздорнинг мансабдор шахсларидан субсидиар ёки солидар тартибда ундириш тартиблари белгиланмаганлиги, суд бошқарувчиларининг ҳақ-ҳуқуқлари, мажбуриятлари аниқ белгиланган бўлса ҳам, уларнинг ваколатлари ноаниқлиги, уларга иш ҳақи ва мукофот пулларини бериш кафолатланмаганлигини учраб турарди.

Шумаънода, “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Қонун “Банкротлик тўғрисида”ги Қонун негизида ва айрим нормалари имплементация тарзида ишлаб чиқилди. Мазкур Қонун билан вақтинча тўловга ва доимий тўловга қобилиятсизлик муддатлари аниқ кўрсатилди.

Тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги иш қарздор ва кредитор судга мурожаат этиш ҳуқуқига эга бўлган шахснинг (органнинг) аризаси асосида қарздор юридик шахс давлат рўйхатидан ўтган жойдаги, шунингдек, қарздор жисмоний шахс ва (ёки) яқка тартибдаги тадбиркорнинг яшаш жойидаги суд томонидан кўриб чиқилади.

Қарздорнинг тўловга қобилиятсизлиги тўғрисидаги ишлар мазкур Қонунда ва Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексида [6] назарда тутилган қоидалар бўйича мустасно тарзда фақат иқтисодий судлар томонидан кўриб чиқилиши белгиланган.

Тўловга қобилиятсизлик аломатлари аниқланган тақдирда давлат солиқ хизмати, давлат статистика органлари ваколатли давлат органига устав фондида (устав капиталида) давлат улуши бўлган корхоналар ҳақидаги маълумотларни тақдим этиши шарт.

Бундай аломатлар Қонуннинг 5-моддасида белгиланган бўлиб, улар қуйидагилардан: вақтинча тўловга қобилиятсизлик - агар тегишли мажбуриятлар юзага келган санадан эътиборан уч ой ичида қарздор томонидан бажарилмаган бўлса, шаҳарни ташкил этувчи корхона ҳамда унга тенглаштирилган корхоналар томонидан эса олти ой ичида бажарилмаса, судга мурожаат этиш санасида қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини қаноатлантиришга ва (ёки) солиқлар ҳамда йиғимлар бўйича ўз мажбуриятларини бажаришга қодир эмаслиги, доимий тўловга қобилиятсизлик - агар судга ариза бериш санасидаги ва ариза берилган йилнинг бошидаги ҳисобот даврида, агарда ариза йилнинг биринчи чорагида берилган бўлса, ўтган йилнинг бошидаги ҳисобот даврида қарздорнинг мажбуриятлари унинг активлари қийматидан ошиб кетган бўлишлигидан иборатдир.

Тўловга қобилиятсизлик тартиб-таомиллари қўлланилаётганда барча кредиторларнинг манфаатларини кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитаси ҳимоя қилади.

Суд қарздорга нисбатан тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги аризани иш юритишга қабул қилиб олган кундан эътиборан кредиторлар қарздорга ўз талабларини якка тартибда қаноатлантириш мақсадида мурожаат қилишга ҳақли эмас.

Суд бошқарувчиларининг ҳуқуқий мақоми олий маълумотга ҳамда камида икки йиллик иш стажига эга бўлган, шунингдек, ваколатли давлат органида аттестациядан ўтган шахслар суд бошқарувчилари этиб тайинланиши билан белгиланади.

Шу жойда эътибор қаратиш керакки, суд бошқарувчилигига олий маълумотга эга бўлиш талаби қўйилганида бу нафақат олий маълумотли ҳуқуқшунос ёки иқтисодчи, балки ҳар қандай олий маълумотли мутахассисни тушуниш мумкинлиги қонунда назарда тутилган.

Фуқаролик ва иқтисодий суд ишларини юритишга ихтисослашуви бўйича лицензияга эга бўлган адвокатларга ҳам тўловга қобилиятсизлик таомилларини ўтказиш ҳуқуқи берилди.

Бунда адвокат асосий фаолияти билан биргаликда суд бошқарувчилик фаолияти билан ҳам шуғулланиши ушбу Қонунда тартибга солиниши ўз ифодасини топган.

Қонуннинг яна бир ўзига хос жиҳати: эндиликда ушбу Қонун билан жисмоний шахсларни ҳам банкрот деб топиш мумкин. Жисмоний шахснинг тўловга қобилиятсизлиги билан боғлиқ муносабатларга нисбатан қонуннинг умумий қоидалари, тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги ишни юритиш иштирокчиларининг, кредиторлар йиғилишининг, жамоат бирлашмаларининг, суд бошқарувчиларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги, тўловга қобилиятсизлик соҳасини тартибга солиш, тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги ишларни судда кўриш, битимларни ҳақиқий эмаслиги ва тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги ишда қарздор раҳбарининг ва бошқа шахсларнинг жавобгарлиги масалаларига тегишли қоидалари қўлланилади [7].

Жисмоний шахсга нисбатан тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақида судга ариза берган аризачи томонидан молиявий бошқарувчига ҳақ тўлаш учун суднинг депозит ҳисоб варағига меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг етти баравари миқдорида олдиндан пул маблағлари ўтказилади.

Тўловга қобилиятсизликнинг соддалаштирилган тартиби қўлланилганда, агар қарздор билан бошқача келишув белгиланган бўлмаса, суд бошқарувчисига ҳақ тўлаш харажатларининг ўрни қарздорга нисбатан тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақида ариза берган аризачи томонидан қопланади.

Бунда суд бошқарувчисига ҳақ тўлаш учун суднинг депозит ҳисоб варағига меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг етти баравари миқдорида олдиндан тўлов амалга оширилади. Суд бошқарувчисига ҳақ ҳар бир якунланган иши учун тўланади.

Қарздорни давлат томонидан ёрдам кўрсатган ҳолда судгача санация қилиш 12 ойдан 24 ойгача муддатга жорий этилади. Давлат томонидан ёрдам кўрсатган ҳолда судгача санация қилиш тартиб-таомили унинг самарасизлиги аниқланганлиги муносабати билан бекор қилиниши мумкин.

Тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги иш суд мажлисида қарздорнинг тўловга қобилиятсизлиги тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги ариза иш юритишга қабул қилинганлиги тўғрисида ажрим чиқарилган кундан эътиборан икки ойдан ортиқ бўлмаган муддатда кўриб чиқилиши керак.

Тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги ишни кўриш алоҳида ҳолларда бир ойдан ошмаган муддатга узайтирилиши мумкин.

Тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги иш бўйича суд ҳужжатлари дарҳол ижро этилиши лозим.

Қонунга қарздорни бошқарувчи шахсларнинг ғайриқонуний ҳаракатлари оқибатида кредиторларнинг талаблари тўлиқ қопланишини имконсиз қилиб қўйган шахслар қарздорнинг қопланмай қолган мажбуриятлари бўйича суд қарорига асосан субсидиар жавобгар бўлиши қонунда киритилди.

Улуш киритиш асосида қурилган уй-жойларни харид қилган мулкдорлар ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш мақсадида қурувчиларни тўловга қобилиятсиз, деб топишнинг алоҳида тартиби ишлаб чиқилди [8].

Х.Ҳакимовнинг мақоласида [9] таъкидлашча, қарздор жисмоний шахснинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини қаноатлантиришга ва (ёки) солиқлар ҳамда йиғимлар бўйича ўз мажбуриятини тўлиқ ҳажмда бажаришга қодир эмаслиги, агар тегишли мажбуриятлар ва (ёки) тўлов мажбуриятлари юзага келган кундан эътиборан уч ой ичида қарздор жисмоний шахс томонидан бажарилмаган ҳамда қарздор жисмоний шахсга нисбатан талаблар базавий ҳисоблаш миқдорининг камида икки юз баробарини ташкил этса, қарздор жисмоний шахснинг тўловга қобилиятсизлиги аломатлари ҳисобланади.

Қарздор жисмоний шахс банкрот деб топилган ва унинг мол-мулкани сотиш тартиб-таомили бошланган кундан эътиборан:

- тугатиш массасини ташкил этувчи мол-мулкка нисбатан барча ҳуқуқлар, шу жумладан уни тасарруф этишга доир ҳуқуқ жисмоний шахс номидан фақат молиявий бошқарувчи томонидан амалга оширилади;

- тугатиш массасини ташкил этувчи мол-мулкка нисбатан жисмоний шахс томонидан (молиявий бошқарувчининг иштирокисиз) тузилган битимлар ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмайди.

Жисмоний шахснинг ўзи (молиявий бошқарувчининг иштирокисиз) шахсан тузган битимлари бўйича кредиторларнинг талаблари тугатиш массаси ҳисобидан қаноатлантирилмайди;

- жисмоний шахснинг мол-мулкка илгари қўйилган тақиқлар ва жисмоний шахснинг мол-мулкани тасарруф этишга доир бошқа чекловлар олиб ташланади;

- неустойкаларни (жарималарни, пеняларни) ва бошқа молиявий санкцияларни, шунингдек жисмоний шахснинг барча мажбуриятлари бўйича фоизларни ҳисоблаш тугатилади, бундан жорий тўловлар мустасно;

- қарздор жисмоний шахснинг мол-мулкка, шу жумладан кўчмас мулкка ва қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказишни ёки бошқа шахс зиммасига юклатишни рўйхатдан ўтказиш фақат молиявий бошқарувчининг аризаси асосида амалга оширилади. Жисмоний шахснинг ушбу санага қадар берилган аризалари ижро этилмайди.

Жисмоний шахсни банкрот деб топиш ва унинг мол-мулкани сотиш тартиб-таомилини бошлаш тўғрисидаги қарор қабул қилинган кундан кейинги бир иш кунидан кечиктирмай жисмоний шахс ўзида мавжуд бўлган барча банк карталарини (ПИН-кодни кўрсатган ҳолда) молиявий бошқарувчига топшириши шарт. Улар олинган кундан кейинги бир иш кунидан кечиктирмай молиявий бошқарувчи пул маблағларини қарздор

жисмоний шахснинг алоҳида ҳисоб варағига ўтказиш учун ўзи олган банк карталари билан боғлиқ операцияларни тўхтатиб туриш чораларини кўриши шарт.

Кредиторлар талабларининг реестрига киритилган талаблар қуйидаги тартибда қаноатлантирилади:

- биринчи навбатда — фуқароларнинг ҳаётига ёки соғлиғига зарар етказганлик учун жавобгарлик бўйича талаблар, шунингдек алиментлар ундиришга доир талаблар;
- иккинчи навбатда — меҳнатга оид муносабатлардан келиб чиқадиган талаблар;
- учинчи навбатда — бошқа кредиторларнинг талаблари.

Кредиторлар билан ҳисоб-китоблар тамомланганидан кейин молиявий бошқарувчи судга жисмоний шахснинг мол-мулкни сотиш натижалари тўғрисидаги ҳисоботни, жисмоний шахснинг мол-мулки сотилганлигини ва кредиторларнинг талаблари қаноатлантирилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг кўчирма нусхаларини, шунингдек кредиторларнинг қаноатлантирилган талаблари миқдорини кўрсатган ҳолда кредиторларнинг талаблари реестрини тақдим этиши шарт.

Жисмоний шахснинг мол-мулкни сотиш яқунлари ҳақидаги ҳисоботни кўриб чиқиш натижаларига кўра суд жисмоний шахснинг мол-мулкни сотиш тартиб-таомилини тамомлаш тўғрисида ажрим чиқаради.

Жисмоний шахс кредиторлар билан ҳисоб-китоблар тамомланганидан кейин жисмоний шахснинг мол-мулки етарли эмаслиги сабабли кредиторларнинг қаноатлантирилмаган талабларини, шу жумладан жисмоний шахснинг қарзини таркибий жиҳатдан ўзгартириш ёки жисмоний шахсни банкрот деб топиш ва унинг мол-мулкни сотиш тартиб-таомили жорий этилаётганда кредиторларнинг билдирилмаган талабларини бажариш мажбуриятидан озод этилади (бундан буён матнда жисмоний шахсни мажбуриятлардан озод этиш деб юритилади).

Жисмоний шахсни мажбуриятлардан озод этишга қуйидаги ҳолларда йўл қўйилмайди, агар:

- тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги ишда жисмоний шахснинг ғайриқонуний ҳаракатлари оқибатида қасддан тўловга қобилиятсизликни вужудга келтирганлиги ёки тўловга қобилиятсизликни яширганлиги учун ушбу шахсни жиноий ёки маъмурий жавобгарликка тортиш ҳақида суднинг қонуний кучга кирган ҳужжати мавжуд бўлса;

- жисмоний шахснинг тўловга қобилиятсизлигини кўриб чиқаётган судга жисмоний шахс зарур маълумотларни тақдим этмаганлиги ёки била туриб сохта маълумотлар тақдим этганлиги далиллари аниқланган ва бу далиллар жисмоний шахснинг тўловга қобилиятсизлиги тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш чоғида қабул қилинган тегишли суд ҳужжати билан тасдиқланган бўлса;

- кредиторнинг ёки тегишли ваколатли органнинг талаблари юзага келган ёки бажарилаётган даврда қарздор жисмоний шахснинг қонунга хилоф ҳаракатлари, шу жумладан фирибгарлик, қарзларни тўлашдан асоссиз равишда бўйин товлаш, солиқлар ва йиғимларни тўлашдан бўйин товлаш, шунингдек кредит олаётганда кредиторга била туриб сохта маълумотлар тақдим этиш, мол-мулкни яшириш ёки қасддан йўқ қилиш исботланган бўлса.

Жисмоний шахсга нисбатан мол-мулкни сотиш тартиб-таомили тамомланган ёки тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги иш юритиш тугатилган санадан эътиборан беш йил ичида ушбу шахс ўзига нисбатан тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги иш қўзғатилганлиги ҳақидаги фактни маълум қилмасдан туриб ўз зиммасига кредит шартномалари ва (ёки) қарз шартномалари бўйича мажбуриятларни қабул қилишга ҳақли эмас.

Жисмоний шахсга нисбатан мол-мулкни сотиш тартиб-таомили тамомланган ёки тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги ишни юритиш тугатилган санадан эътиборан беш йил ичида ушбу жисмоний шахснинг илтимосномасига кўра тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш қўзғатилиши мумкин эмас.

Жисмоний шахснинг мол-мулкни сотиш тартиб-таомили тамомланганидан кейин суд тўлов муддати етиб келган, тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги ишни

юритиш жараёнида билдирилмаган талаблар бўйича ижро варақасини қонунчиликда белгиланган тартибда беради.

Келишув битимини тузиш жисмоний шахснинг тўловга қобилиятсизлиги тўғрисидаги ишни юритишни тугатиш учун асос бўлади.

Келишув битими тузилган тақдирда жисмоний шахснинг қарзини таркибий жиҳатдан ўзгартириш режасининг бажарилиши, шунингдек кредиторларнинг талабларини қаноатлантиришга доир мораторийнинг амал қилиши тугатилади.

Келишув битими тузилганлиги муносабати билан жисмоний шахснинг тўловга қобилиятсизлиги тўғрисидаги ишни юритиш тугатилганда:

- молиявий бошқарувчининг ваколатлари тугатилади;
- жисмоний шахс ёки келишув битимида иштирок этаётган учинчи шахс кредиторлар олдидаги қарзни тўлашга киришади [10].

Суднинг жисмоний шахс қарзини таркибий жиҳатдан ўзгартириш режасини тасдиқлаш тўғрисидаги ажрими ёки жисмоний шахснинг банкрот деб топиш ва унинг мол-мулкини сотиш тартиб-таомилини бошлаш тўғрисидаги қарори чиқарилгунига қадар ундирувни гаровга қўйилган мол-мулкка қаратишга йўл қўйилмайди.

Жисмоний шахснинг мулкий ҳолати яхшиланган тақдирда, кредиторлар йиғилиши жисмоний шахснинг қарзини таркибий жиҳатдан ўзгартириш режасига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги илтимоснома билан судга мурожаат қилишга ҳақли.

Қонун билан суд бошқарувчисининг ҳуқуқлари кенгайтирилди. Жумладан, Давлат хизматлари агентлиги орқали кўрсатиладиган хизматлардан олдиндан тўловларни амалга оширмасдан фойдаланиш, давлат органларидан қарздор фаолияти бўйича маълумотларни бепул олиш, мулки бўлмаган корхоналарни тугатишда суд бошқарувчисига ҳақ тўлаш каби янги тартиблар белгиланди [11].

Ушбу мақолада айрим қайд этилган маълумотлар оммавий ахборот воситаларида ҳамда ижтимоий тармоқларда эълон қилиниб, таҳлил қилинган илмий-оммабоп манбалардан олинган бўлсада, лекин буларнинг аксарияти қонуний кучига эга бўлган қайд этилган қонунларда ўз ифодасини топган.

Умуман олганда, тўловга қобилиятсизлик соҳасида соғломлаштириш таомиллари орқали иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш чораларини қўллашга имконият яратилишини, жисмоний шахсларни банкрот, яъни тўловга қобилиятсиз деб топишга хизмат қилмасдан, балки жисмоний шахсларнинг тўлов қобилиятини ҳар томонлама тиклаш имконияти мужассамлигини ва қатор шу каби муносабатларни тартибга солиниши билан республикамизни иқтисодий салоҳиятини кўтарилишига ҳамда хорижий инвесторларни жалб қилишда янада тадбиркорлик муҳити жозибadorлиги ошишига олиб келади.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Ўзбекистон Республикаси “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги 763-сонли Қонуни 13.04.2022 й. // URL: <https://lex.uz/uz/docs/5957612>;
2. Мирзаев О. “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Қонун кучга кирди” “ADOLAT” газетаси 2022 йил 29 апрель. // URL: <https://sud.uz/0505-3/>;
3. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди “UzSAMA” state assets management agency 14.04.2022й. // URL: <https://davaktiv.uz/uz/news/>;
4. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди “UzSAMA” state assets management agency 14.04.2022й. // URL: <https://davaktiv.uz/uz/news/>;
5. Ўзбекистон Республикаси “Банкротлик тўғрисида”ги 594-сонли Қонуни 13.12.2019 й. (кучини йўқотган 13.04.2022) // URL: <https://lex.uz/docs/4643218>
6. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси 01.04.2018 й. // URL: <https://lex.uz/docs/3523891>;

7. Насуллаев М. “Жисмоний шахсларнинг тўловга қобилиятсизлиги тўғрисидаги ишларнинг ўзига хос жиҳатлари” 19.12.2022 й. // URL: <http://uzmarkaz.uz/uz/news/>;
8. Мирзаев О. “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Қонун кучга кирди” “ADOLAT” газетаси 2022 йил 29 апрель. // URL: // URL: <https://sud.uz/0505-3/>
9. Ҳақимов Х. “Жисмоний шахс банкротлигининг ўзига хос хусусиятлари” 07.02.2023 й. // URL: <https://nor.uz/?p=15847>;
10. Ҳақимов Х. “Жисмоний шахс банкротлигининг ўзига хос хусусиятлари” 07.02.2023 й. // URL: <https://nor.uz/?p=15847>;
11. Мирзаев О. “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Қонун кучга кирди” “ADOLAT” газетаси 2022 йил 29 апрель. // URL: <https://sud.uz/0505-3/>.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD


СУД ҲОКИМИЯТИ. ПРОКУРОР НАЗОРАТИ. ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

УРОЗБАЕВ Сардорбек

Бош прокуратура бошқарма бошлиғи ўринбосари,
юридик фанлар номзоди

ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИДА ХИЗМАТ ЎТАШНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования): УРОЗБАЕВ С. Прокуратура органларида хизмат ўташнинг назарий-ҳуқуқий жиҳатлари // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 2 (2023) Б. 65-71.

 2 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2023-2-9>

АННОТАЦИЯ

Мақолада прокуратура органларида хизмат ўташ институтининг ўзига хослиги, хизмат ўташга оид назарий-ҳуқуқий тушунчалар ва халқаро стандартлар баён этилиб, прокуратура органларида хизмат ўташни такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: хизмат, давлат хизмати, ҳуқуқни муҳофаза қилиш хизмати, прокуратура органларида хизмат, хизмат ўташ босқичлари, прокуратура органлари ходимлари, прокурор.

УРОЗБАЕВ Сардорбек

Заместитель начальника Генеральной прокуратуры,
кандидат юридических наук

ТЕОРЕТИКО-ПРАВОВЫЕ АСПЕКТЫ СЛУЖБЫ В ОРГАНАХ ПРОКУРАТУРЫ

АННОТАЦИЯ

В статье описаны особенности института прохождения службы в органах прокуратуры, теоретико-правовые понятия и международные стандарты, касающиеся прохождения службы. Даны предложения и рекомендации по совершенствованию прохождения службы в органах прокуратуры.

Ключевые слова: служба, государственная служба, правоохранительная служба, служба в органах прокуратуры, стадии прохождения службы, сотрудники органов прокуратуры, прокурор.

THEORETICAL AND LEGAL ASPECTS OF SERVICE IN PROSECUTION BODIES

ANNOTATION

The article describes features of the institute of service in the prosecutor's office, theoretical and legal concepts and international standards related to the service. Proposals and recommendations for improving the service in the prosecutor's office are given.

Keywords: service, public service, law enforcement service, service in the prosecutor's office, stages of service, staff of the prosecutor's office, prosecutor.

Ўзбекистон Республикасида қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш бўйича сўнгги йилларда кенг қўламли ҳамда тизимли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Инсон қадрини улуғлаш, “ҳамма нарса инсон қадри учун” деган юксак ғоя ислоҳотларнинг туб негизи ва моҳиятини ташкил этади.

2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси [1] ва 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясидаги [2] қонун устуворлигини таъминлашга оид йўналишларнинг мақсади ҳам айнан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлаш, инсон қадрини қонун устуворлиги ва конституциявий қонунийликни таъминлаш жараёнининг бош мезони сифатида белгилашдан иборат.

Ана шундай ўта муҳим ва айни пайтда стратегик аҳамиятдаги ишларни тўлақонли амалга оширишда давлат органлари, уларнинг ҳар бир ходимининг қонунчиликда белгилаб қўйилган ўз вазифаларини масъулият билан, сидқидилдан, “халқманфаатларига хизмат қилиш” қонун асосида бажаришларини тақозо этади.

Бунинг учун эса давлат органлари, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини самарали ташкил этиш лозим. Асосий вазифалари қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ҳимоя қилишдан иборат Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг бу борадаги фаолият самарадорлигини янада ошириш муҳим масаладир.

Айниқса, ушбу вазифаларни амалга оширишга лаёқатли бўлган, юксак малакали, шахсий ва ишчанлик сифатлари юқори, қонунларга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилиши юзасидан адолат ва масъулият каби юксак туйғуларни шаклландирган ходимларни прокуратура органларига хизматга қабул қилиш долзарб аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Прокуратура органлари зиммасига юклатилган вазифаларни самарали амалга ошириш салоҳиятига ҳамда юксак маънавий-ахлоқий фазилат ва масъулиятга эга бўлган профессионал кадрларни тарбиялаш ва тайёрлаш масаласи муҳим вазифаларимиздан биридир” [3] деган доктринал ғоялари ҳам айни шу масаланинг давлат сиёсати даражасида нақадар долзарблигидан далолат беради.

Бундай вазифаларни амалга ошириш учун прокуратура органларига хизматга қабул қилиш ва ходимларнинг хизмат ўташлари билан боғлиқ жараёнларни халқаро стандартлар, миллий ва халқаро миқёсдаги эксперт ҳамда мутахассисларнинг тавсиялари, илғор хорижий мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Бинобарин, мазкур масалаларни тартибга солишга қаратилган миллий қонунчилик нормалари, ҳуқуқни қўллаш амалиёти таҳлили, қолаверса, халқаро норма ҳамда стандартлар асосида прокуратура органларида хизмат ўташ институтини такомиллаштириш тақозо этилади.

Таъкидлаш жоизки, прокуратура органлари фаолиятига оид халқаро ташкилотлар ҳужжатлари, олимларнинг бу борадаги тадқиқотлари, халқаро ташкилотлар ва мутахассисларнинг фикрларида прокуратура органларига хизматга танлов ўтказиш, қабул қилиш, лавозимга тайинлаш, кўтариш, лавозимидан озод этиш, ходимларга интизомий жавобгарлик чораларини қўллаш ва бошқа масалалар қонунда назарда тутилиши лозимлиги қайд этилган.

Давлатимиз Раҳбарининг таъбири билан айтганда: “прокурорларнинг мақоми, уларнинг мустақиллигини таъминлаш масалалари, танлаш ва хизмат поғоналаридан ўстиришнинг холис мезонлари қонунда аниқ белгиланган бўлишига эришиш, ҳокимиятлар бўлининининг конституциявий тамойилидан келиб чиқиб, услуб ва мезонларни такомиллаштириш” вазифасини бажариш зарур [4].

Нуфузли халқаро ташкилотлар тавсияларида ҳам айтилиши шу масалаларга эътибор қаратилгани бежиз эмас. Хусусан, Иқтисодий Ҳамкорлик ва Тараққиёт Ташкилотининг тавсияларида прокурорларни танлаш ва улар томонидан хизмат ўташ қонун билан тартибга солиниши лозимлиги қайд этилиб, прокуратура органлари ва муассасаларининг барча лавозимларига саралаш (танлаш) ходимларнинг шахсий сифатлари, батартиблиги ва олдинги тажрибаси асосида очиқ танлов йўли билан ўтказилиши лозимлиги назарда тутилган [5].

Прокуратура органларида хизмат давлат хизматининг алоҳида тури сифатида прокуратура органлари фаолиятини ташкил этиш ва амалга оширишда ўта муҳим аҳамиятга эга. Прокуратура органларида хизмат ўташнинг қай даражада ташкил этилгани ушбу органлар фаолият самарадорлигини таъминлашнинг муҳим омили ҳисобланади.

Ушбу институтнинг тушунчаси, унинг ўзига хосликлари хусусида тўхтатилишдан олдин “хизмат” тушунчаси моҳиятини очиб бериш мақсадга мувофиқ.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “хизмат” сўзига қуйидагича таъриф берилган: арабчадан олинган, “иш, лавозим, хизмат кўрсатиш, ёрдам”; бирор иш ёки меҳнат билан шуғулланиш; бирор ишни бажариш; иш, меҳнат; “хизмат қилмоқ”: 1) иш, юмуш қилмоқ; 2) бирор муассаса, корхонада ишламоқ; 3) муайян вазифани бажармоқ, керак бўлмоқ [6].

Хизмат – бу кишилар ижтимоий фаолиятининг бир тури. “Инсон, давлат ва жамиятнинг мақсадга мувофиқ фаолият йўналишларидан бири – бу хизматдир. Бу тушунча турли маъноларда: инсоннинг фаолият тури, ижтимоий-ҳуқуқий институт сифатида, давлат органларининг махсус тизими маъносида ишлатилиши мумкин. Демак, хизмат – бошқарувдан, давлат фаолиятини амалга оширишдан, бошқарувни таъминлашдан, аҳолига ижтимоий-маданий хизмат кўрсатишдан иборат” [7, Б.213]. А.П.Бахрахнинг хизмат тушунчасига берган мазкур тарифи алоҳида эътирофга лойиқ.

Шундай қилиб, фаолият тури сифатидаги хизмат ижтимоий муносабатлар тизимида жамият нормал ҳаёт фаолиятининг зарур омили сифатида пайдо бўлди ва ижтимоий фаолиятнинг бошқа турларини, энг аввало, ишлаб чиқаришни асосан интеллектуал жиҳатдан таъминлаш (ташкил этиш, лойиҳалаштириш ва ҳоказолар) воситасига айланди. Хизмат – ақлий меҳнат соҳаси, деган ёндашув узоқ йиллар давомида ҳукм сурганлиги бежиз эмас. Бу тушунча нотўғрилиги туфайли махсус адабиётлар саҳифаларидан яқиндагина ғойиб бўлди. Хизмат фаолияти, ишлаб чиқариш билан бир қаторда, жамият ижтимоий ҳаётининг бошқа соҳаларини, чунончи: тақсимлаш, ташқи алоқалар, ҳарбий иш, тартиб ва хавфсизликни сақлашни ҳам таъминлар эди [8].

Юқорида таъкидлаганимиздек, прокуратура органларида хизмат давлат хизматининг бир тури бўлиб, ушбу тушунча билан узвий алоқадорликда намоён бўлади. Шу ўринда “давлат хизмати” тушунчасига ҳам тўхталиб ўтишни лозим, деб ҳисоблаймиз.

Бу борада Н.Саид-Ғазиеванинг фикрларини келтириш ўринли. Хизмат фаолиятининг турлари, шакллари кўп йиллар давомида шаклланган, хизматни ташкил этиш ва унинг фаолияти масалаларини тартибга соладиган қонунлар қабул қилинган ва қабул қилинмоқда. Хизматнинг шаклланиши ва ривожланиши жамият доирасида ҳамда унинг эҳтиёжлари учун амалга оширилган. Инсоният тараққиётининг дастлабки босқичидаёқ

меҳнат тақсимооти унда турли хил ижтимоий гуруҳлар шаклланишига олиб келган. Бу гуруҳлар кейинчалик синфлар, табақалар, яъни ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар деб номланди. Мазкур ижтимоий гуруҳлар орасидан хизматчилар гуруҳи ҳам муносиб ўрин эгаллади, уларнинг фаолияти эса “хизмат” деган номни олди. Бу давлат пайдо бўлишидан анча олдин рўй берди. Сўнгра хизматнинг ўзида ҳам табақаланиш амалга ошди: давлат вужудга келиши билан **давлат хизмати** пайдо бўлди [9].

Давлат хизмати хизматнинг асосий тури ҳисобланади.

Давлат хизмати давлат мақсадлари ва вазифаларини давлат лавозимини бажариш ёрдамида амалга оширишда фуқароларнинг амалий иштирокидир [10, Б.6].

Мазкур тушунчани таърифлашга нисбатан ёндашувга яна бир мисол келтирамиз: «Давлат хизмати – давлат аппаратининг амалдаги қонун ҳужжатларига асосланган ташкилий-таркибий тузилиши ва мазкур аппарат ходимларининг (давлат хизматчиларининг) жамият эҳтиёжларини қондириш, шахс ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш мақсадида давлат бошқаруви вазифаларини бажариш борасидаги фаолиятидир» [11, Б.13].

«Ҳуқуқни муҳофаза қилиш хизмати» ҳам давлат хизматининг ўзига хос бир тури ҳисобланади. Мазкур тушунчага таъриф беришда турли хил ёндашув шаклланганлигини кузатиш мумкин. А.М.Артемяевнинг фикрига кўра, ҳуқуқни муҳофаза қилиш хизмати давлат ҳокимиятининг ўзига хос бўғини бўлиб, у фуқаролик ва ҳарбий давлат хизматининг хусусиятларини ўзида мужассам этган, лекин айтилган пайтда ўз мустақиллигини сақлаб, улар билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, ўзига хос хусусиятларга мувофиқ ўз вазифалари ва функцияларини белгилайди [12].

Р.В.Нагорных фикрича, ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти соҳасида ваколатларга эга бўлган федерал давлат органлари тизимидан келиб чиққан ҳолда давлат ҳуқуқни муҳофаза қилиш хизматининг қуйидаги турларини ажратиш мумкин: РФ Прокуратура органларидаги ва РФ Тергов қўмитасидаги ҳуқуқни муҳофаза қилиш хизмати; ички ишлар органларидаги ҳуқуқни муҳофаза қилиш хизмати; РФ Фуқаро муҳофазаси ишлари бўйича вазирлиги органларидаги ҳуқуқни муҳофаза қилиш хизмати... [13].

Айрим давлатларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш хизмати тўғрисида махсус қонунлар қабул қилинган. Жумладан, Қозоғистон Республикаси «Ҳуқуқни муҳофаза қилиш хизмати тўғрисида» қонун қабул қилинган. Мазкур Қонуннинг 1-моддасига кўра, ҳуқуқни муҳофаза қилиш хизмати – ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг лавозимларидаги давлат хизматининг алоҳида тури, шунингдек ушбу Қонуннинг 44-моддасида назарда тутилган ҳолларда хизмат ўташ [14].

Юқоридагилардан келиб чиқиб, амалдаги қонунчилик ва назарий-илмий тушунчалар асосида прокуратура органларида хизмат тушунчасига қуйидагича таъриф бериш мумкин: прокуратурада органларидаги хизмат – бу прокуратура органлари ходимларининг қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни ҳамда прокуратура органларининг қонунда белгиланган вазифаларини амалга ошириш бўйича касбий хизмат фаолияти ҳисобланади.

Мазкур тушунчани прокуратура органларининг вазифаларидан келиб чиққан ҳолда янада аниқроқ баён қиладиган бўлсак, **прокуратура органларида хизмат** – қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқладиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишдан иборат давлат хизмати тури.

Шу билан бирга, прокуратура органларидаги хизмат – бу давлат хизмати, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилиш хизматининг алоҳида тури ҳисобланади.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунига “**прокуратура органларида хизмат** – ушбу қонунда белгиланган прокуратура органлари вазифаларини амалга оширишдан иборат махсус давлат хизмати тури” деган тушунчани киритиш мақсадга мувофиқ.

Таъкидлаш керакки, прокуратура органларида хизматни прокуратура органлари ходимлари амалга оширади. Шу боис, прокуратура органлари ходимлари тушунчасини очиб бериш лозим. “Прокуратура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг [15] 56-моддасига кўра, “прокуратура органлари ходимлари” деган атама замирида даражали унвонларга (ҳарбий унвонларга) эга бўлган прокуратура органлари ва муассасаларининг барча ходимларини, шунингдек прокуратура иш ўрганувчиларини тушуниш керак.

Прокуратура органлари ходимлари орасида прокурорлар конституциявий мақомга эга бўлган давлат хизматчилари ҳисобланади. Бироқ, амалдаги қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда **“прокурор”** атамасига таъриф берилмаган. Шу боис, **“прокурор”** атамасини қонун даражасида мустаҳкамлаб қўйиш, яъни қонунга **“прокурор – Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ваколатларни амалга оширувчи, ушбу Қонунда белгиланган тартибда лавозимга тайинланган мансабдор шахс”** деган тушунчасини киритиш таклиф этилади.

Хизматга қабул қилишдан олдин ходимлар номзод сифатида ўрганилади ва уларни хизматга қабул қилиш юзасидан тегишли тартиб-таомиллар амалга оширилади. Прокуратура органлари фаолиятига оид қонун ҳужжатларида тизимда хизмат ўташга **“номзод”** тушунчасига таъриф берилмаган, унинг мақоми аниқлаштирилмаган. Шунга кўра, **қонунга мазкур тушунчани киритиш** мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

“номзод – прокуратура органларига хизматга кириш учун ариза билан прокуратура органларига мурожаат қилган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси”.

Давлат хизмати, шужумладан прокуратура органларида хизмат ўташ ўзига хос жараён бўлиб, муайян тартиб-қоидалар асосида амалга ошириладиган бир неча босқичларни ўз ичига олади.

Ю.А.Тихомировнинг ёзишича, давлат хизматини ўташ узлуксиз жараёндир. Унинг барча асосий босқичлари қатъий тартибга солиниши керак. Унинг турли босқичлари бўйича меъёрий талабларга риоя қилмасдан туриб, хизмат кўрсатишнинг юқори даражада ташкил этилишини ва бошқарув ишининг самарадорлигини таъминлаш қийин.

Д.Д.Семенчуков эса прокуратура органларида хизмат кўрсатишнинг асосий босқичлари сифатида қуйидагиларни ажратиб кўрсатади: давлат хизматига кириш, мансаб даражаларини бериш, аттестациядан ўтказиш, рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш тартиби, хизматни тугатиш. В.В.Стрельниковнинг фикрича, хизмат босқичлари, юқорида айтиб ўтилганлардан ташқари, ўзининг алоҳида аҳамиятига кўра, қасамёд қабул қилиш ва прокуратура органлари ва муассасаларида қисқа муддатли иш тажрибасига эга бўлган ходимларни тайёрлашни ҳам ўз ичига олади [16].

Қайд этиш керакки, прокуратура органларида хизмат мазмуни қонун ҳужжатларида белгиланган **қоидалар ва тартиблар мажмуи** билан белгиланади, улар:

- прокуратура органларига хизматга қабул қилиш шартлари ва тартиби;
- прокурор лавозимига номзодларга қўйиладиган талаблар;
- хизмат кўрсатиш тартиби;
- прокурорларнинг рағбатлантирилиши ва жавобгарлиги, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий ва моддий таъминланиши;
- прокуратура органлари ва муассасаларида хизматни тугатиш асослари, тартиби ва бошқа масалалар.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, прокуратура органларида хизмат қуйидаги босқичлардан иборатлигини кўрсатиш мумкин:

- 1) хизматга қабул қилиш;
- 2) хизматни ўташ;
- 3) хизматни тугатиш.

Ушбу босқичларнинг ҳар бири ўзига хос тарзда муайян кетма-кетликда амалга ошириладиган жараёнларни ўз ичига олади. Хусусан, хизматга қабул қилиш босқичининг

ўзида ушбу жараённинг бирламчи элементлари намоён бўлади. Масалан, хизмат ўташга номзодларни танлаш, ўрганиш, улар ўртасида танлов ўтказиш, номзодларни саралаш ва бошқалар.

Баён этилган фикрлар ҳамда халқаро стандартлар, хорижий мамлакатлар ва миллий қонунчилигимиз таҳлили асосида Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунини **“Прокуратура органларида хизмат ўташ”** ҳақидаги махсус бўлим билан тўлдириш таклиф этилади. Ушбу бўлимда прокуратура органларига хизматга қабул қилиш ва хизмат ўташ тартиби, прокуратура органларида хизматдан четлаштириш ва хизматни тугатиш масалалари, прокуратура органлари ходимларининг интизомий жавобгарлиги ва бошқа масалаларни ёритиш мақсадга мувофиқ.

Зеро, халқаро стандартлар талабларида ҳам мазкур масала қонун доирасида мустақамланиши назарда тутилган. Хусусан, Европа иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти томонидан 2020 йилда нашр этилган “Шарқий Европа, Марказий Осиё ва Тинч океани ҳудуди бўйича прокурорларнинг мустақиллиги” қўлланмасига [17] кўра, **прокурорнинг мустақиллигини таъминлаш учун уларни хизматга қабул қилиш ва лавозимини кўтариш касбий ваколат ва ҳалоллик мезонлари асосида адолатли, холис ва рақобатбардош танлов орқали амалга оширилиши керак.** Бунда, ишга қабул қилиш ва лавозимга кўтариш тартиби **қонун билан қатъий тартибга солиниши** лозимлиги қайд этилган.

Хулоса ўрнида айтиш керакки, прокуратура органларида хизмат ўташ институти замон талаблари, халқаро стандартлар, хорижий мамлакатлар тажрибаси, ҳуқуқни қўллаш амалиёти таҳлили асосида такомиллаштириб борилади. Мазкур жараён асосий вазибалари қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустақамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ҳимоя қилишдан иборат прокуратура органларининг фаолият самарадорлигини янада оширишда муҳим ўринга эга.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси // URL: <https://lex.uz/uz/docs/3107036#3109146>;
2. 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси // URL: <https://lex.uz/uz/docs/5841063>;
3. Ш.М.Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. - Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017. 211-бет;
4. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси (Матн) – Тошкент: “O‘zbekiston” нашриёти, 2021. 108-бет.
5. Антикоррупционные реформы в Узбекистане 4-й раунд мониторинга в рамках Стамбульского плана действий по борьбе с коррупцией. ОЭСР 2019 // URL: <https://www.oecd.org/corruption/acn/OECD-ACN-Uzbekistan-4th-Round-Monitoring-Report-2019-RUS.pdf>;
6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. – Т.: 2006-2008 й.й, 395-бет.
7. Бахрах А.П. Административное право. – М.: БЕК. 1993.
8. Н.Ш.Саид-Газиева. Ўзбекистонда давлат хизматини ислоҳ қилишнинг назарий ва амалий муаммолари. Юридик фанлар доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т., 2010 й., 22-бет.
9. Н.Ш.Саид-Газиева. Ўзбекистонда давлат хизматини ислоҳ қилишнинг назарий ва амалий муаммолари. Юридик фанлар доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т., 2010 й., 22-бет.
10. Комаровский В.С., Тимофеева Л.Н. Конфликты граждан с чиновниками: почему и зачем? // Государство и право. – М., 1997. – № 10.
11. Буравлев Ю.М. Проблемы реформирования и управления системой

государственной службы в России // Государство и право. – М., 2003. –№ 7.

12. Артемьев Александр Михайлович. Государственная Правоохранительная Служба: Системные Свойства, Функции, Правовое Обеспечение. Автореферат. Москва – 2008 // URL: <https://www.dissercat.com/content/gosudarstvennaya-pravookhranitelnaya-sluzhba-sistemnye-svoistva-funksii-pravovoe-obespeche-0>;

13. Р.В.Нагорнқх. Теоретические проблемы отраслей права, Виды Государственной правоохранительной службы: спорнқе вопросқ определения. // URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/vidy-gosudarstvennoy-pravookhranitelnoy-sluzhby-spornye-voprosy-opredeleniya/viewer>;

14. Қозоғистон Республикаси «Хуқуқни муҳофаза қилиш хизмати тўғрисида» Қонун // URL: <http://online.zakon.kz>;

15. “Прокуратура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни // URL: <https://lex.uz/uz/docs/106197>;

16. Стрельников Владilen Владимирович. Административно-правовое регулирование службы в органах и учреждениях прокуратуры Российской Федерации: диссертация ... кандидата юридических наук: - Саратов, 2008. - 221 с. // URL: <http://www.dslib.net/admin-pravo/administrativno-pravovoe-regulirovanie-sluzhby-v-organah-i-uchrezhdenijah-prokuratury.html#2794994>;

17. “Шарқий Европа, Марказий Осиё ва Тинч океани ҳудуди бўйича прокурорларнинг мустақиллиги” қўлланмаси // URL: <https://www.oecd.org/corruption/acn/The-Independence-of-Prosecutors-in-Eastern-Europe-Central-Asia-and-Asia-Pacific.pdf>.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ, ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ. КРИМИНОЛОГИЯ. ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ ҲУҚУҚИ

НОРМАНОВА Клара Эшназаровна
Мирзо-Улуғбек тумани Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси ҳузуридаги Тергов бўлими катта терговчиси, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси мустақил изланувчиси

ЭКСЦЕСС ИШТИРОКЧИЛИКНИ КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): НОРМАНОВА К.Э. Экссесс иштирокчилиқни квалификация қилиш // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 2 (2023), Б. 72-79.

 2 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2023-2-10>

АННОТАЦИЯ

Мақолада экссесс бажарувчининг тушунчаси, белгилари ва жиноят-ҳуқуқий аҳамияти таҳлил қилинган. Экссесс иштирокчилик ҳолатида жиноят иштирокчиларининг жинойий жавобгарлигини ҳуқуқий, назарий ва амалий жиҳатлари ҳамда экссесс иштирокчиликнинг турлари ўрганилган. Экссесс иштирокчилик ҳолатида жиноятларни квалификация қилишнинг долзарб муаммолари таҳлили берилган. Ҳуқуқни қўллаш амалиёти таҳлиллари асосида экссесс иштирокчилик ҳолатида қилмишни квалификация қилишнинг турли хил вазиятлари кўриб чиқилган.

Таянч сўзлар: жиноятда иштирокчилик, экссесс бажарувчи, жиноят иштирокчиларининг турлари, бажарувчи, ташкилотчи, далолатчи, ёрдамчи, оддий иштирокчилик, мураккаб иштирокчилик, уюшган гуруҳ, жинойий уюшма.

НОРМАНОВА Клара Эшназаровна

Старший следователь Следственного отдела при Управление координации деятельности органов внутренних дел Мирзо-Улугбекского района, самостоятельный соискатель Академии МВД Республики Узбекистан

КВАЛИФИКАЦИИ ЭКСЦЕСС СОУЧАСТИИ

АННОТАЦИЯ

В статье рассмотрены понятие, признаки и уголовно-правовое значение эксцесса исполнителя. Исследованы законодательные, теоретические и прикладные аспекты уголовной ответственности соучастников при эксцессе исполнителя. Отмечены особенности соответствующих видов эксцесса исполнителя. Дано анализ актуальных проблем квалификации преступлений в случае эксцесса исполнителя. Приведены примеры правоприменительной практики, характеризующие различные варианты

квалификации деяний соучастников.

Ключевые слова: соучастие в преступлении, эксцесс исполнитель, виды соучастников преступления, исполнитель, организатор, подстрекатели, пособники, простое соучастие, сложное соучастие, организованная группа, преступное сообщество.

NORMANOVA Klara

Senior Investigator of the Investigation Department Department for the
Coordination of the Activities of the Internal Affairs
Bodies Mirzo-Ulugbek region, independent applicant of the Academy
Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan

QUALIFICATION EXCESSIVE ACT OF AS COMPLICITY

ANNOTATION

The article deals with the concept, features and criminal-legal significance of an excessive act of a perpetrator. Legislative, theoretical and applied aspects of criminal liability of accomplices in the case of an excessive act of a perpetrator are investigated. Features of the types of an excessive act of a perpetrator are noted. The analysis of actual problems of crimes qualification in case of an excessive act of a perpetrator is given. Examples of law enforcement practice characterizing different variants of qualification of acts of partners in crime are given.

Keywords: participation in a crime, excessive act of a perpetrator, types of accomplices of a crime, an actor, organizer, instigators, accomplices, simple complicity, complex complicity, organized group, criminal community.

Жиноятда иштирокчиликка оид муаммолар аксарият ҳолларда жиноят содир этиш жараёнида, жиноят иштирокчиларидан бири (ёки ундан кўп)нинг бошқа иштирокчилар жиноий нияти билан қамраб олинмаган ёки улар ўйлагандан кўра, бошқа жиноий оқибат келтириб чиқарганда юз беради. Жиноят ҳуқуқи мазкур ҳолатни эксцесс бажарувчилик, деб атайди. Чунончи, иштирокчиликка оид жиноят иши материаллари ўрганилганда, бундай тоифадаги ишлар иштирокчиликда содир этилган жиноятларнинг қарийб 10 фоизга яқин ҳолатларда кузатилган. Яъни, уларнинг 60 фоизда эксцесслик ҳолати бошқа иштирокчиларнинг жиноий ниятидан кўра оғирроқ жиноятларга ва 24 фоиз ҳолатда уларнинг жиноий ниятидан кўра энгилроқ жиноятларга нисбатан содир этилган [18, Б.138]. Суд амалиётининг таҳлили шундан далолат берадики, эксцесс иштирокчилик ҳолатига ҳуқуқий баҳо беришдаги қийинчиликлар, кўпинча уюшган гуруҳ аъзоларининг қилмишига ҳуқуқий баҳо беришда кузатилади. Ҳолбуки, бундай қийинчиликлар бошқа иштирокчиларнинг жиноий нияти билан қамраб олинмаган оғир ёки энгилроқ жавобгарликни назарда тутувчи жиноят содир этилганда; бажарувчининг иштирокчилар билан келишилган, бироқ уларнинг жиноий нияти билан қамраб олинмаган бошқа жиноят содир этилганда; бажарувчи томонидан бошқа иштирокчилар жиноий нияти билан қамраб олинган жиноятлардан ташқари яна бошқа жиноят содир этилганда; бажарувчи томонидан бошқа иштирокчиларнинг жиноий нияти билан қамраб олинган жиноят ўрнига, қасддан бошқа жиноят содир этилган ҳамда бажарувчи томонидан иштирокчиларнинг жиноий нияти билан қамраб олинмаган, бироқ эҳтиётсизлик оқибатида бошқа жиноий оқибат келиб чиққан ҳолатларга ҳуқуқий баҳо беришда кузатилади. Ваҳоланки, кўрсатилган ҳолатлар ҳуқуқни қўлловчи амалиёт ходимлари томонидан Республикамиз барча ҳудудларида бир хил тарзда ҳуқуқий жиҳатдан баҳоланмаган. Қолаверса суд амалиёти кўпинча мазкур вазиятда ташкилотчи, далолатчи ёки ёрдамчиларнинг жавобгарлигини Жиноят кодексининг 30-моддаси биринчи қисмида кўрсатилган қоидага асосланиб, бажарувчи томонидан содир этилган жиноят билан боғлаган ҳолда ҳал қилган. Бироқ, ҳанузгача ҳуқуқий ҳужжатларда эксцесс

иштирокчиликка оид жиноятларга баҳо беришга доир қоидалар ишлаб чиқилмаган.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, Жиноят кодексининг 30-моддаси тўртинчи қисмида эксцесс иштирокчиликка оид қоида назарда тутилган бўлиб, унга кўра бошқа иштирокчиларнинг жинойий нияти билан қамраб олинмаган қилмиш учун уни содир этган шахс жавобгар бўлади. Аммо, мазкур таъриф жиноятда иштирокчилик институтининг «жиноятда иштирок этганлик учун жавобгарлик доираси» деб номланувчи умумий норма таркибида берилганлиги, унинг мазмунини тўлиқ амалиётга жорий қилишда айтиш жоизки, ўзининг етарли таъсир кучига эга бўлмаяпти. Жумладан, ўтказилган тадқиқот натижалари буни тасдиқлайди. Масалан, мутахассислардан, «Сиз эксцесс иштирокчи, деганда нимани тушунасиз?» деб сўралганда, уларнинг 72 фоизи мазкур иборани иштирокчилик тушунчаси билан айнан боғлаган ҳолда тушунганлиги маълум бўлган. Ундан ташқари «Эксцесс иштирокчилик билан боғлиқ қоидалар амалдаги жиноят қонунчилиги нормасида тартибга солинганми?», деб сўралганда, сўровда қатнашганларнинг 35 фоизи «йўқ», 14 фоизи эса «жавоб беришга қийналаман», – дея фикр билдирганлар. Бундан кўриниб турибдики, эксцесс иштирокчиликнинг амалдаги жиноят қонунида умумий норма таркибида тартибга солинганлиги, уни тушуниш ва амалда қўллаш борасида ўзининг ижобий самарасини бермаяпти, деган хулосага келиш мумкин.

Бундан ташқари, эксцесс иштирокчилик билан боғлиқ ҳолатлар юридикадабиётларда турлича ҳал этилган. Чунончи, у билан боғлиқ аксарият муаммолар ҳанузгача баҳс-мунозаралигича сақланмоқда. Хусусан, бундай муаммолардан бири бу – эксцесслик ҳолати иштирокчиларнинг қайси тури ёки шаклига нисбатан бўлиши мумкинлигидадир. Юридик адабиётларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, бир гуруҳ муаллифлар иштирокчиликдаги «эксцесс» ибораси фақат бажарувчига нисбатан қўлланилиши керак десалар [1, Б.5–7; 8, Б.9; 9, Б.98; 21, Б.112], бошқалар иштирокчиликнинг «эксцесс ҳолати» нафақат бажарувчи қилмишида, балки иштирокчиликнинг барча турларида кузатилади [11, Б.32; 13, Б.98; 22, Б.18], деб таъкидлашади.

Биринчи гуруҳ тарафдорлари иштирокчиликнинг ҳар қандай кўриниши ўзида эксцесс вазиятни ифода этиши мумкин, бироқ бу ҳолат, деярли суд амалиётида жиноят иштирокчиларининг бажарувчидан бошқа турида учрамайди, – деб қайд қилишади. Мазкур ҳолат асосан бошқа иштирокчиларнинг эксцесс вазиятини аниқлашдаги мураккабликдан келиб чиқади ва ташкилотчи, далолатчи ёки ёрдамчилар жиноят таркибининг объектив томонини бажармайдилар, бироқ уларнинг жавобгарлиги ҳар доим бажарувчининг хулқ-атвори билан боғлиқ бўлади, – деб изоҳлашади.

Бизнингча, эксцесс иштирокчиликни фақат бажарувчига нисбатан қўллаш лозимлигини тавсия этаётган муаллифлар иштирокчиликнинг юридик моҳияти ҳамда иштирокчилар томонидан содир этилган жиноятларнинг ўзига хос бўлган барча хусусиятларини инобатга олишмаган. Улар эксцесс иштирокчилик масаласига бир томонлама ёндашиб, ҳар бир инсоннинг муайян фаолиятни амалга ошириш учун интеллектуал ва иродавий муносабати ўзига хос бўлиб, содир этаётган хатти-ҳаракати (ҳаракатсизлиги)нинг йўналиши ҳамда амалга ошириш усуллари ўзининг субъектив имкониятидан келиб чиққан ҳолда танлайди. Шу боис инсон тўқнаш келган муайян вазият ёки шароит унинг хатти-ҳаракатига бўлган субъектив муносабатини ўзгартиришга олиб келиши мумкин. Бу нафақат бажарувчининг хулқ-атворида, балки ташкилотчи, далолатчи ёки ёрдамчининг хулқ-атворида ҳам кузатилади. Мисол учун, жиноят содир этишда ёрдам бераётган шахс, жиноятни ўқотар қурол ёрдамида содир этишни тавсия қилиб, уни бажарувчига берса, бироқ бажарувчи томонидан рад этилса, ўқотар қуролни эгаллаганлик учун ёрдамчи жавобгар бўлади.

Шу билан бирга юридикадабиётларда эксцесс иштирокчиликка (бажарувчи) берилган тушунча ҳам турлича ифодаланган бўлиб, уларда асосан эксцесс иштирокчиликнинг фақат бажарувчи [8, Б.9; 14, Б.12; 15, Б.22; 21, Б.18; 22, Б.115] ёки унинг барча турлари [3, Б.184; 6, Б.118; 13, Б.110; 20, Б.294] ва шакллари [10, Б.329; 19, Б.95] билан боғлаш лозимлиги ҳақидаги масалаларга урғу берилган. Яъни, Н.В.Толстопятованинг ёзишича,

«эксцесс бажарувчи деганда, бажарувчи томонидан бошқа иштирокчиларнинг жиноий ниятидан четга чиқадиган ва мустақил жиноят таркибини ташкил этадиган ёки қилмишга сифат жиҳатидан ўзга хусусият берадиган ижтимоий хавfli қилмишни содир этиши тушунилади» [22, Б.115]. Яъни, бироз бошқа фикр билдирган А.А.Отажоновнинг ёзишича, «Жиноят иштирокчилари ёки бирга бажарувчилари томонидан бошқа иштирокчилар жиноий нияти билан қамраб олинмаган жиноят ёки жиноий қилмишларнинг содир этилиши эксцесс иштирокчилик деб топилади» [16, Б.62] Ушбу тавсифларда, эксцесслик ҳолати иштирокчиликнинг турли вазиятларига нисбатан ифодаланган бўлса-да, бироқ «бошқа иштирокчилар жиноий нияти билан қамраб олинмаган жиноятни содир этиш» ибораси берилган таърифларда зарурий белги сифатида баҳоланган. Аммо, ушбу таърифларда эксцесслик ҳолати иштирокчиликнинг қайси белгисига (объектив ёки субъектив) нисбатан татбиқ этилиши лозимлигига ойдинлик киритилмаган. Бизнингча, эксцесс иштирокчиликни тавсифлашда асосий урғу унинг субъектив белгиси, турлари ва шакллари қаратилиши керак.

Шу боис ҳам масалага ушбу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, эксцесс иштирокчиликнинг ҳуқуқий баҳоси кўп жиҳатдан унинг субъектив белгиларига боғлиқ бўлади. Зеро, эксцесс иштирокчиликнинг субъектив белгиларини тўғри аниқлаш, таҳлил этилаётган масаланинг ижобий ҳал этилишига хизмат қилади. Чунки, ташқаридан қараганда, бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилаётган жиноятларнинг барчаси ушбу гуруҳ томонидан содир этилгандек кўринади. Бироқ, иштирокчиларнинг жиноят содир этишга бўлган руҳий муносабатини инобатга олсак, содир этилган жиноятлар учун барча иштирокчилар жавобгарликка тортилмасликлари тўғрисида фикр юритиш мумкин. Сабаби қилмишни иштирокчилик, деб баҳолаш учун содир этилган ижтимоий хавfli қилмиш жиноят иштирокчилари ҳар бирининг умумий жиноий нияти билан қамраб олинган бўлиши керак. Ҳолбуки, жиноят таркибининг объектив томонини амалга ошираётган шахснинг иштирокчилар билан келишмаган ҳолда бошқа жиноятни ҳам содир этиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Умуман олганда, бизнингча, ушбу вазиятда: *«Бажарувчининг бошқалар билан келишилмаган жиноятни содир этишга бўлган руҳий муносабати қандай бўлиши керак?»*, *«У қандай вазиятда умумий жиноий ният чегарасидан четга чиққан ҳисобланади?»*, *«Бошқа иштирокчиларнинг бажарувчи томонидан содир этилган жиноятга муносабати қандай бўлиши керак?»*, деган саволлар ўз ечимини кутмоқда.

Ушбу саволларга жавоб топиш учун аввало «иштирокчиликда сабабий боғланиш», деганда нимани тушуниш кераклиги ҳамда жиноят иштирокчиларининг ва эксцесс иштирокчининг жиноят содир этишга бўлган субъектив муносабатини яхши билиши керак. Айтиш жоизки, иштирокчиликда сабабий боғланишни аниқлашнинг мураккаблиги, унда жиноий оқибат бажарувчи томонидан етказилиши ҳамда бошқа иштирокчиларнинг ҳаракати эса бажарувчининг жиноят содир этишига шароит яратиб бериши билан чекланишида изоҳланади [10, Б.52]. А.В.Шеслернинг таъкидлашича, ҳар бир иштирокчининг қилмиши ўртасидаги сабабий боғлиқлик ва жиноий оқибатнинг умумийлиги турли хусусиятга эга бўлиши мумкин. Мазкур ҳолат фақат жиноятни бирга бажарганда ва уларнинг барчасида жиноий оқибат келиб чиқишига аниқ имконият яратилганда тўғридан-тўғри хусусиятга эга бўлиши мумкин. Иштирокчиликда вазифаларни юридик жиҳатдан тақсимлаш билан боғлиқ тўғридан-тўғри хусусиятдаги сабабий боғлиқлик, фақат бажарувчилар ўртасидаги ҳаракатлар ва жиноий натижада кузатилади. Бажарувчини бошқа иштирокчиларнинг қилмиши ҳамда жиноий оқибати ўртасидаги сабабий боғлиқлиги билвосита хусусиятга эга бўлади. Демак, уларнинг ҳаракати жиноий натижа келтириб чиқаришда бажарувчининг фаолияти орқали амалга оширилади [23, Б.10].

Маълумки, қоидага кўра эксцесс иштирокчиликнинг ҳуқуқий тавсифи ҳам унинг объектив (сабабий боғланишнинг йўқлиги) ва субъектив белгилари (айб мавжуд эмаслиги) мавжудлигини назарда тутди [17, Б.12]. Шунинг учун икки ёки ундан ортиқ шахслар томонидан биргаликда содир этилган жиноят учун жавобгарликни

белгилаш, уларнинг ҳамкорликдаги қилмиши ва натижасидан келиб чиққан жиноий оқибат ўртасидаги сабабий боғланиш мавжудлигини аниқлаш лозим бўлади. Айни пайтда сабабий боғланиш иштирокчилик учун жавобгарликни белгилаш доирасини аниқлашнинг ўзига хос чегарасини ифодалайди.

Олиб борилган тадқиқотлардан маълум бўладики, эксцесс иштирокчиликда содир этилаётган жиноятларнинг субъектив томони қасд ёки эҳтиётсизликда ифодаланиши мумкин. Бироқ, эксцесс иштирокчилик фақат иштирокчиларнинг умумий жиноий оқибатга нисбатан аниқ қасди мавжуд бўлганда юз беради. Бошқа иштирокчиларнинг жиноят содир этишга бўлган руҳий муносабати ноаниқ ёки муқобил қасдда ифодаланса, бажарувчининг қилмишини эксцесс ҳолат деб, топиб бўлмайди. Демак, эксцесс бажарувчи бошқа иштирокчиларнинг умумий жиноий ниятидан онгли равишда англаган ҳолда, четга чиқиши ёки эҳтиётсизлик оқибатида ўзгариши мумкин. Бироқ, бошқа иштирокчиларнинг жиноят содир этишга йўналтирилган ва келишилган жиноий нияти аниқ хусусиятга эга бўлмоғи даркор. Чунки, аниқ қасд олдиндан кўзда тутилган битта аниқ жиноий оқибатнинг юз беришини иташ билан ажралиб туради. Мазкур турдаги қасднинг мазмуни унинг фақат тўғри қасдга хослигини таъкидлашга асос бўлади.

Муқобил қасд олдиндан кўзда тутилган бир ёки бир нечта натижаларнинг юз бериши билан ифодаланади. Ноаниқ қасд эса умуман ижтимоий хавfli оқибатларнинг келиб чиқишини олдиндан билмаслик билан ажралиб туради. Яъни, жиноят содир этаётган шахснинг онги ва иродавий хатти-ҳаракатида ушбу оқибатларнинг келиб чиқиши ноаниқ шаклда бўлиши билан ифодаланади. Ушбу шаклдаги қасд мазмунидан келиб чиқиб, унинг фақат эгри қасдда намоён бўлишини эътироф этиш лозим.

Шунингдек, бажарувчи бошқа иштирокчиларнинг жиноий нияти билан қамраб олинмаган жиноятнинг оғирлаштирувчи ва алоҳида оғирлаштирувчи белгисига оид жиноятни содир этса, масалан, жиноят иштирокчилари одам ўлдиришга тайёргарлик кўрсаю, бажарувчи уни ўта шафқатсизлик билан ўлдирса, *бундай ҳолда жиноят иштирокчиларининг жавобгарлиги қандай бўлади, деган ўринли савол туғилади?* Масалан, далолатчи у жиноятга ундаётган шахснинг қачон, қаерда, қандай усулда жиноят содир этиши мумкинлигини ҳар доим ҳам билмайди. Шундай экан, бажарувчининг жиноят содир этишда қўллайдиган усулини бошқа иштирокчилар билмаслиги, уларни биргаликда содир этилаётган жиноят учун жавобгарликдан озод қилмайди. Демак, бажарувчи бошқа иштирокчиларнинг жиноий ниятини амалга ошириш учун қўллаган усули ҳамда жиноят қонуни нормасида жиноятни оғирлаштирувчи белгиси сифатида кўрсатилган бўлса, у бошқа иштирокчиларнинг жавобгарлигига таъсир кўрсатмаслиги лозим. Шунинг учун, агар жиноят квалификациясини ўзгартиришга олиб келмаган ҳамда бошқа иштирокчиларнинг жиноий нияти билан қамраб олинмаган усулда жиноят содир этилган бўлса, бундай ҳолат эксцесс иштирокчиликини келтириб чиқармайди. Шу боис ҳам эксцесс иштирокчилик учун, албатта жиноятнинг юридик квалификацияси ўзгариши зарурдир.

Зикр этилган ҳолатлар эксцесс иштирокчиликда содир этилган жиноятларни квалификация қилиш билан боғлиқ бўлган бир қанча вазиятларни келтириб чиқаради. Шу боис, юридик адабиётларда эксцесс иштирокчиликининг (бажарувчи) миқдор ва сифат кўрсаткичли турлари фарқланган [7, Б.106; 8, Б.10; 14, Б.17; 15, Б.22; 20, Б.294]. Айни пайтда миқдор кўрсаткичли эксцессда бажарувчи бошқа иштирокчиларнинг жиноий нияти билан қамраб олинмаган жиноятни содир қилади, лекин унинг оқибати бошқа иштирокчилар ўйлагандан кўра, оғирроқ ёки енгилроқ бўлади. Сифат кўрсаткичли эксцессда бажарувчининг ҳаракатлари бошқа иштирокчиларнинг жиноий ниятидан фарқ қилади [17, Б.10]. Яъни, бажарувчи бошқа иштирокчилар томонидан содир этилиши учун шарт-шароит яратилган жиноятга ўхшамаган бошқа жиноят содир этади [2, Б.123-124].

Умуман олганда, эксцесс иштирокчилик бошқа иштирокчиларнинг жиноий нияти билан қамраб олинмаган, балки мустақил жиноят содир этилишини кўзда тутаяди. Шунинг учун эксцесс иштирокчи томонидан бошқа иштирокчиларнинг жиноий

ниятига кирмаган ҳолда содир этилган жиноятлар учун бошқа иштирокчилар жавобгар бўлмайдилар. Аммо, А.А.Отажонов бунга қарши «миқдор кўрсаткичли эксцессда эксцесс иштирокчининг қилмиши бошқа иштирокчиларнинг қилмиши билан сабабий боғлиқ ва айбли алоқадорликда бўлади» [17, Б.10], деб фикр билдиради.

Бизнингча, муаллифнинг бундай фикрга келишига эксцесс иштирокчи томонидан ўхшаш жиноят содир этилиши (масалан, талончилик ўрнига босқинчилик содир этилиши) билан боғлиқ ҳолатлар сабаб бўлган. Бинобарин, миқдор кўрсаткичли эксцессда иштирокчиларнинг хулқ-атвори бажарувчи ҳаракатларининг фақат ташқи жиҳати билан сабабий боғлиқ бўлади. Бироқ, иштирокчиликнинг эксцесс деб баҳоланувчи ҳаракатларининг муайян қисми ушбу объектив алоқадорликка боғлиқ бўлмайди. Демак, эксцесс иштирокчиликка алоқаси бўлмаган бошқа шахслар фақат ўзларининг хулқ-атвори имкониятларига кўра, жинойий оқибат келиб чиқишини олдиндан тахмин қилган ва ушбу оқибатлар уларнинг жинойий нияти билан қамраб олинганда умумий жавобгарликка сабаб бўлади. Яъни, эксцесс иштирокчиликка «*жиноятнинг бошқа иштирокчилари жинойий нияти билан қамраб олинмаган жиноятни содир этиш эксцесс иштирокчилик дейилади*», деб таъриф бериш мумкин.

Биз кўриб чиқаётган муаммо нуқтаи назаридан яна бир жиҳатга эътибор қаратишимиз муҳимдир. Агар бажарувчи билан келишилмаган қилмиш натижасида келиб чиқадиган жинойий оқибат хусусиятини бошқа иштирокчилар олдиндан кўра олмасалар, уни хоҳламасалар, унга йўл қўймасликка ҳаракат қилсалар, бундай жинойий оқибат учун уни содир этган шахс жавобгар ҳисобланади. Шу боис эксцесс бажарувчилик жинойий қилмиш сифатида иштирокчилик доирасидан четга чиқадиган жиноят-ҳуқуқий ҳодиса бўлиб, у иштирокчиликни ташкил этмайди [4, Б.6]. Демак, эксцесс бажарувчиликни жиноят содир этишда хатоликка йўл қўйганлик ҳолатидан фарқлаш зарур. Хатодан фарқли равишда эксцесс бажарувчи бошқа иштирокчиларнинг жинойий нияти билан қамраб олинмаган жиноятни онгли равишда англаган ҳолда содир этади.

Агар жиноят иштирокчилари бошқа иштирокчилар томонидан содир этилаётган, яъни уларнинг жинойий ниятига кирмаган бошқа жиноят содир этаётганда ушбу иштирокчи билан у ерда бўлган иштирокчи ҳеч қандай қаршиликларсиз жиноятнинг ижтимоий хавфлилигини англаган ва уни кузатган ҳолда унга тўсқинлик қилмаса, жиноят иштирокчиларининг барчаси содир этилган умумий жиноятлар учун жавобгар бўлади [24, Б.4].

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, айтиш пайтда назария ва тергов ва суд амалиёти натижаларини таҳлил қилиб, эксцесс иштирокчиликда содир этилган жиноятларнинг ҳуқуқий баҳосида муаммоларни келтириб чиқараётган вазиятларни кўрсатган ҳолда, уларнинг ечими борасида қуйидаги ҳолатларни келтиришимиз мумкин:

1) бажарувчи томонидан бошқа иштирокчиларнинг жинойий нияти билан қамраб олинмаган оғир ёки енгилроқ жавобгарликни назарда тутувчи жиноят содир этилган тақдирда, бажарувчи амалда содир этган жиноят бўйича бошқа иштирокчилар ўзларининг жинойий нияти билан қамраб олинган жинояти учун жавобгар бўлади;

2) бажарувчи томонидан бошқа иштирокчилар билан содир этилиши келишилган ва тайёргарлик кўрилган жиноят эмас, балки бошқа жиноят содир этилганда бажарувчи амалда содир этган жиноят учун бошқалар эса ўзларининг жинойий нияти билан қамраб олинган жиноятга тайёргарлик кўрганликда жавобгар бўлади;

3) бажарувчи томонидан бошқа иштирокчилар жинойий нияти билан қамраб олинган жиноятдан ташқари яна бошқа жиноят содир этилганда, бажарувчи бошқа иштирокчиларнинг жинойий нияти билан қамраб олинган жиноятлар билан бирга ўзи содир этган бошқа жинояти учун ҳамда қолган иштирокчилар эса фақат ўзларининг жинойий нияти билан қамраб олинган жиноятлари учун жавобгар бўлади;

4) бажарувчи томонидан бошқа иштирокчилар билан содир этилиши келишилган жиноят ўрнига қасддан бошқа янги жиноят содир этилса, яъни бажарувчи иштирокчиларнинг умумий жинойий нияти билан қамраб олинган жиноятдан воз кечиб, улар қасди билан қамраб олинмаган бошқа жиноят содир этган бўлса, бажарувчи амалда

содир этган жинояти учун бошқа иштирокчилар эса иштирокчиларнинг жиноий нияти билан қамраб олинган жиноятга тайёргарлик кўрганлик учун жавобгар бўлади;

5) бажарувчи томонидан бошқа иштирокчилар билан келишилган жиноий ниятини амалга оширишда муайян вазият сабаб бошқа жиноят таркибини ташкил этадиган жиноят содир этилганда (масалан, муайян шароит ўзгарганлиги сабаб фирибгарлик йўли билан олиниши керак бўлган мулк, ўғирлик йўли билан эгалланганда), бажарувчининг ҳаракати амалда содир этилган жиноят бўйича ва қолган иштирокчилар эса уларнинг жиноий нияти билан қамраб олинган жиноятга тайёргарлик қилиш учун жавобгар бўлади.

Яна шуни қайд этиш лозимки, бажарувчи томонидан иштирокчиларнинг жиноий нияти билан қамраб олинмаган, бироқ эҳтиётсизлик оқибатида бошқа оқибат келиб чиққан вазиятда бажарувчининг қасди бошқа иштирокчиларнинг жиноий нияти билан мос келса-да, бироқ у эҳтиётсизликдан бошқа оқибатни келтириб чиқарган бўлса, бундай ҳолда эҳтиётсизлик оқибатида келиб чиққан жиноий оқибат учун кимлар жавобгар бўлиши ҳақидаги масала алоҳида эътиборни ўзига тортади. Масалан, бажарувчи бошқа иштирокчилар билан келишилган қасддан баданга шикаст етказиш жиноятини содир этади, бироқ эҳтиётсизлик оқибатида жабрланувчининг ўлими юз беради.

Бундай ҳолатга айрим муаллифлар жиноят иштирокчиларининг барчаси келиб чиққан оқибатга нисбатан иштирокчиликда жавобгар бўлади [5, Б.180], деб таъкидлайди. Яъни жиноятнинг эҳтиётсизликдан келиб чиққан оқибати, жиноят иштирокчиларининг жиноий нияти билан қамраб олинмаган бўлса-да, бироқ улар бундай оқибат келиб чиқиши мумкинлигини тасаввур қила олиш имкониятига эга бўлишади [5, Б.90]. Бошқалар эса эҳтиётсизлик оқибатида зарар етказиш бошқа иштирокчиларнинг жиноий нияти билан қамраб олинмайди ва у иштирокчилик доирасидан четда бўлади. Шу боис мазкур ҳолатда эксцесс иштирокчилик мавжуд бўлиб, эҳтиётсизлик оқибатида келиб чиққан оқибат учун фақат бажарувчи жавобгарликка тортилади [1, Б.7; 12, Б.28], деб изоҳлашади.

Бизнингча, юқоридаги ҳолатларнинг амалда бир хилда жорий этилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг Қарори қабул қилинса ҳамда унда иштирокчиликка оид масалалар билан бирга эксцесс иштирокчилик ҳолатига аниқлик киритилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Мазкур фикр сўровда қатнашган кўпчилик амалиёт ходимлари томонидан ҳам маъқулланган. Яъни, сўровда қатнашганларга «*Сиз Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Иштирокчиликда содир этилган жиноятларни квалификация қилиш»га доир махсус Қарори қабул қилиниши керак деб ҳисоблайсизми?»*, деб мурожаат қилинганда уларнинг 68 фоизи «ҳа» деб жавоб беришган.

Айни пайтда эксцесс иштирокчилик ҳолати жиноий қилмишнинг ҳуқуқий баҳосини ўзгартиришга олиб келиши, иштирокчиликни ташкил этмаслиги ва иштирокчилик институти доирасида кўриб чиқиладиган мустақил қоидалар мажмуи эканлиги ҳамда эксцесс иштирокчиликка оид нормалар Италия (116-м.), Россия Федерацияси (36-м.), Арманистон (40-м.), Озарбайжон (35-м.), Қозоғистон (30-м.), Тожикистон (38-м.), Туркменистон (36-м.) ва Молдова (48-м.) давлатлари жиноят Қонунида мустақил норма сифатида қайд қилинганлиги, шунингдек эксцесс иштирокчилик билан боғлиқ қоидаларни амалда қўллаш самарадорлигини ошириш мақсадида Жиноят кодексининг мустақил нормасида қуйидаги мазмунда баён этиш эксцесс иштирокчилик ҳолатларига ҳуқуқий баҳо бериш ҳамда унинг юридик моҳиятини тўғри тушунишга имкон беради:

30²-модда. Эксцесс иштирокчилик

Жиноят иштирокчиларининг жиноий нияти билан қамраб олинмаган жиноятни содир этиш эксцесс иштирокчилик деб топилди. Бошқа иштирокчиларнинг жиноий нияти билан қамраб олинмаган жиноят учун уни содир этган шахс жавобгар бўлади.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Andrew Ashworth and Jeremy Horder. Principles of Criminal Law. Oxford, Oxford

University Press, 2013. – 510 p.

2. Аветисян С.С. Соучастие в преступлениях со специальным составом. Монография. – М., 2004. – 467 с.

3. Алексеев С.В. Проблемы уголовной ответственности за преступления, совершаемые в группе: Дис. ... канд. юрид. наук. – Тамбов, 2006. – 220 с.

4. Арутюнов А. Эксцесс исполнителя преступления, совершенного в соучастии // Уголовное право. – 2003. – № 1.

5. Ахраров Б.Ж. Бошқарув тартибига қарши мансабдорлик жиноятлари учун жавобгарлик муаммолари. Юрид. фан. д-ри дис. ... – Тошкент. 2008. – 290 б.

6. Дядькин Д.С. Совершенствование уголовно-правового института соучастия в преступлении: Дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2002. – 231 с.

7. Иванова Л.В. Признаки эксцесса исполнителя преступления // Вестник Томского государственного университета. – 2007. – № 305.

8. Иванова Л.В. Уголовно-правовая характеристика эксцесса исполнителя преступления: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Тюмень 2009. – 24 с.

9. Карлов В.П. Формы соучастия: Дис. ... – Тольятти, 2004. – 197 с.

10. Козаченко И.Я., Курченко В.Н., Злоченко Я.М. Проблемы причины и причинной связи в институтах общей и особенной частей отечественного уголовного права: вопросы теории, оперативно-следственной и судебной практики. – СПб, Юридический центр Пресс, 2003. – 791 с.

11. Козлов А.П. Соучастие: уголовно-правовые проблемы: Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. – Санкт-Петербург, 2003. – 42 с.

12. Комиссаров В., Дубровин И. Проблемы ответственности соисполнителей // Уголовное право. – 2003. – №1. – С. 25–28.

13. Корчагина А.Ю. Эксцесс исполнителя преступления: Дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2004. – 196 с.

14. Мухамаджонов С.С. Жиноий жавобгарликни индивидуаллаштиришда иштирокчилик институтининг долзарб масаласи: Юрид. фан. номз. дис. ... автореф. – Тошкент. 2011. – 28 б.

15. Ниёзова С.С. Иштирокчилик тушунчаси, турлари, шакллари жавобгарлик масаласи. Ўқув қўлланма. – Тошкент. ТДЮИ нашриёти, 2003. – 51 б.

16. Otajonov A. A. Legal analysis of signs participation in the crime // Право и жизнь. – 2019. – № 1.

17. Otajonov A. Some opinions on the subjective signs of complicity in a crime // ProAcademy. – 2018. – Т. 1. – № 4.

18. Отажонов А. А. Уголовно-правовая характеристика подстрекательства по уголовному законодательству Республики Узбекистан // Вестник Московского университета МВД России. – 2015. – № 10. – С. 136-141.

19. Петрушенков А.Н. Преступления в сфере экономики, совершаемые организованными группами: Квалификация и ответственность: Дис. ... канд. юрид. наук. – Нижний Новгород, 2002. – 245 с.

20. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. I Том. Умумий қисм, Жиноят тўғрисида таълимот. Олий ўқув муассасалари учун дарслик. – Тошкент. «ILM ZIYO», 2010. – 400 б.

21. Рыжов Р.С. Уголовная ответственность соучастников преступления. Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Рязань. – 2003. – 24 с.

22. Толстопятова Н.В. Эксцесс соучастников в уголовном праве: Дис. ... канд. юрид. наук. – Ростов-на-Дону, 2004. – 198 с.

23. Шеслер А.В. Криминологические и уголовно-правовые аспекты групповой преступности: Учебное пособие. – Тюмень, 2005. – 118 с.

24. Щепельков В. Ф. Эксцесс исполнителя или соучастие? // Криминалист. – 2009. – №1 (4).

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ. КРИМИНАЛИСТИКА, ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ҲУҚУҚ ВА СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ

БАБАБЕКОВ Нодир Джурабаевич
Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси
Ихтисослаштирилган ўқув маркази катта ўқитувчиси
E-mail: bababekov84@gmail.com

ТЕРГОВГА ҚАДАР ТЕКШИРУВ ЖАРАЁНИДА МАХСУС БИЛИМЛАРДАН Фойдаланиш

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): БАБАБЕКОВ Н.Д. Терговга қадар текширув жараёнида махсус билимлардан фойдаланиш // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 2 (2023) Б. 80-86.



2 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2023-2-11>

АННОТАЦИЯ

Мақолада терговга қадар текширувни амалга оширишда махсус билимга эга бўлган шахс – мутахассиснинг вазифалари, мутахассиснинг махсус билимлари моҳияти ҳамда мутахассиснинг процессуал мақоми ўрганилган. Ушбу масалалар бўйича назариячи олимларнинг фикрларини таҳлил қилиш натижаларига асосланиб, амалдаги ЖПКда мутахассиснинг мустақил процессуал мавқеи ва унинг хулоса бериш ҳуқуқи, шунингдек, мутахассисни сўроқ қилиш тартиби белгиланмаган деб хулоса қилинган. Жиноят-процессуал кодексида белгиланган мутахассис фаолияти акс этган нормаларни таҳлил қилиш натижасида унинг фаолиятини бир неча йўналишларга ажратилган ҳамда мутахассиснинг мажбуриятлари сифатида унинг ёзма фикрлари назарда тутилмаганлиги асосланган. Ишотлов жараёнида мутахассиснинг ролини янада ошириш, терговчига ишотлов жараёнларида амалий ёрдам кўрсатиш, жиноятларни очиш ва олдини олиш фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 70, 81 ва 87-моддаларига “мутахассисни таклиф қилиш ва унинг ёзма фикрларини олиш” ҳамда 90 ва 91-моддаларига “мутахассиснинг ёзма фикрлари” тушунчасини ҳамда “Мутахассиснинг ёзма фикри” деган янги моддани киритиш таклиф қилинган.

Калит сўзлар: терговга қадар текширув, мутахассис, махсус билимлар, жиноятларни тергов қилишда махсус билимлардан фойдаланиш, мутахассиснинг ёзма фикри, мутахассиснинг процессуал мақоми, таққослаш учун намуналар.

БАБАБЕКОВ Нодир Джурабаевич
Старший преподаватель специализированного учебного центра
Национальной гвардии Республики Узбекистан
E-mail: bababekov84@gmail.com

ИСПОЛЬЗОВАНИЯ СПЕЦИАЛЬНЫХ ЗНАНИЙ В ПРОЦЕССЕ ДОСЛЕДСТВЕННОЙ ПРОВЕРКИ

АННОТАЦИЯ

В статье исследуются функции специалиста – лица обладающего специальными знаниями при проведении следственной проверки, сущность специальных знаний специалиста и процессуальный статус специалиста. На основании результатов анализа научных взглядов ученых-теоретиков по этим вопросам, сделан вывод о том, что в действующем УПК не определена самостоятельная процессуальная позиция специалиста и его право дачи заключения, а также порядок допроса специалиста. На основе анализа норм, отражающих деятельность специалиста, установленных уголовно-процессуальным кодексом, основывается то, что его деятельность разделена на несколько направлений и что в качестве обязанностей специалиста не предусмотрены его письменные замечания. В целях дальнейшего повышения роли специалиста в процессе доказывания, оказания следователю практической помощи в процессах доказывания, дальнейшего совершенствования деятельности по раскрытию и предупреждению преступлений, сформулированы предложения по совершенствованию национального законодательства.

Ключевые слова: следственная проверка, специалист, специальные знания, использование специальных знаний при расследовании преступлений, письменное мнение специалиста, процессуальный статус специалиста, образцы для сравнения.

BABABEKOV Nodir

Senior lecturer of the specialized training Center
of the National Guard of the Republic of Uzbekistan
E-mail: bababekov84@gmail.com

THE USE OF SPECIAL KNOWLEDGE DURING THE PRE-INVESTIGATION CHECK

ANNOTATION

The article examines the functions of a specialist – a person with special knowledge during a pre-investigation check, the essence of the specialist’s special knowledge and the procedural status of a specialist. Based on the results of the analysis of the scientific views of theoretical scientists on these issues, it is concluded that the current CPC does not define an independent procedural position of a specialist and his right to give an opinion, as well as the procedure for questioning a specialist. Based on the analysis of the norms reflecting the activities of a specialist established by the Criminal Procedure Code, it is based on the fact that his activities are divided into several areas and that his written comments are not provided for as the duties of a specialist. In order to further enhance the role of a specialist in the process of proof, to provide practical assistance to the investigator in the processes of proof, to further improve the activities for the disclosure and prevention of crimes, it is proposed to introduce in articles 70, 81 and 87 of the Criminal Procedure Code of the Republic of Uzbekistan “inviting a specialist and obtaining his written opinion” and in articles 90 and 91 the concept of “written opinion of a specialist”, as well as to introduce a new article “Written opinion of a specialist”.

Keywords: pre-investigation check, specialist, special knowledge, use of specialized knowledge in the investigation of crimes, written opinion of a specialist, procedural status of a specialist, samples for comparison.

Ўзбекистон Республикаси жиноят процессуал қонунчилигига биноан, жиноят тўғрисидаги хабар бўйича терговга қадар текширувни амалга оширувчи шахсларнинг ваколатлари жуда катта. Жумладан, бошқа ваколатлар қаторида терговчига (терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи ёки суд) тирик одамнинг, мурданинг, ҳайвоннинг, ўсимликнинг, буюмнинг, материалнинг ёки модданинг хусусиятларини ўзида акс эттирувчи намуналар олиш (188-модда), ашёвий далилларни кўздан кечириш (26-модда), ҳодиса содир бўлган жойни, мурдани, ҳайвонларни, теварак-атрофни, биноларни, нарсалар ва ҳужжатларни кўздан кечириш (135-модда), кўздан кечириш чоғида ўлчов ўтказиш, фотосуратга, кинотасвирга, видеоёзувга тушириш, режалар, схемалар, чизмалар тузиш, излардан қолиплар ва нусхалар олиш (136-модда), нарса ва ҳужжатларни улар топилган жойда, башарти кўздан кечириш кўп вақт ёки қўшимча техник воситалар талаб қилса, кейинчалик суриштирув, дастлабки тергов ёки суд муҳокамаси ўтказилаётган жойда кўздан кечириш (140-модда), шунингдек Жиноят-процессуал кодексида белгилаб қўйилган бошқа ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқига эга.

Жиноят-процессуал Кодекси 329-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ, ушбу модда биринчи қисмида кўрсатилган муддат ичида терговга қадар текширув ўтказилиб, унинг давомида қўшимча ҳужжатлар, тушунтиришлар талаб қилиб олиш, шунингдек шахсни ушлаб туриш Жиноят-процессуал Кодекси 62-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ шахсий тинтув ва олиб қўйиш, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, экспертиза ўтказиш, тафтиш тайинлаш, тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш ҳақида топшириқлар бериш мумкин. Терговга қадар текширув вақтида бошқа тергов ҳаракатларини ўтказиш ман қилинади.

Юқоридагиларга кўра, экспертиза текшируви учун намуналар олиш, мурдани, ҳайвонларни, теварак-атрофни, биноларни, нарсалар ва ҳужжатларни кўздан кечириш мумкин эмас. Ушбу ҳаракатларни амалга ошириш учун жиноят иши қўзғатилган бўлиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал Кодексида мутахассис тергов ва суд муҳокамасини ўтказишда далилларни топиш ва мустаҳкамлаш; далилларни қайд этиш учун овоз ёзиш, видеоёзув, кинотасвир, фотосуратга тушириш, қолиплар тайёрлаш, нусхалар олиш, режалар, схемалар тайёрлаш ва ахборотни акс эттиришнинг бошқа усулларини қўллаш; тергов ва суд муҳокамасини ўтказишда илмий-техника воситаларини (магнитофон, видеомагнитофон, кинога олиш аппаратлари ва бошқа аппаратларни) қўллаш учун ва бошқа ҳаракатлар учун махсус билимга эга бўлган шахс сифатида белгиланади. И.Р.Астанов эса “амалдаги ЖПК 69-моддасининг биринчи қисмидаги изоҳни етарли эмас деб ҳисоблаб, мутахассис – бу тергов ва суд муҳокамасини ўтказишда фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасида махсус билим ва малака талаб қилинган ҳолларда далилларни топиш ва мустаҳкамлаш, текширишда суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судга ёрдам бериш учун чақирилувчи шахс” [4, Б.15], деган хулосага келган. Б.Мўминов эса “Амалдаги ЖПКга асосан тафтишчининг процессуал мавқеи белгиланмаганлиги сабабли у тергов жараёнида амалда мутахассис сифатида қатнашади. Бироқ ЖПКнинг 69-моддасида мутахассис тергов ва суд муҳокамасини ўтказишда далилларни топиш ва мустаҳкамлашда суриштирувчига, терговчига, прокурорга ва судга ёрдам бериш учун чақирилиши, яъни фақат тергов ва суд жараёнида қатнашиши кўзда тутилган. Бинобарин, ЖПКда мутахассиснинг мустақил процессуал мавқеи ва унинг хулоса бериш ҳуқуқи, шунингдек, мутахассисни сўроқ қилиш тартиби белгиланмаган” [5, Б.81] деб ёзади.

Шу сабабли, фикримизча, махсус билимлар – кенг тарқалмаган ва муайян фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасида махсус касбий тайёргарликдан ўтган тор доирадаги шахсларга маълум бўлган ноюридик билимлар деб ҳисоблаш тўғри бўлади. Ушбу фикрлар И.Р.Астанов томонидан “махсус билим” тушунчасига берган таърифи ҳам тасдиқлайди: “Махсус билим – бу жиноят ишини қўзғатиш, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси мақсадлари учун қўлланиладиган ва жиноятга алоқадор фактик маълумотлар,

далилларни замонавий тадқиқот усуллари орқали топиш, тўплаш, баҳолашни амалга оширишда фойдаланиладиган фан, техника, касб-хунар соҳасидаги тор йўналишдаги профессионал билимдир” [4, Б.14].

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал Кодексига мувофиқ, мутахассисдан ташқари, махсус билимларга эга бўлган шахс сифатида эксперт майдонга чиқади: “Хулоса бериш учун зарур фан, техника, санъат ёки хунар соҳасида махсус билимларга эга бўлган ҳар қандай жисмоний шахс эксперт сифатида чақирилиши мумкин” [2].

Одатда, жиноятларни тергов қилиш жараёнида махсус билимлардан фойдаланиш шакллари қуйидагилар ҳисобланади: ҳодиса содир бўлган жойдан ёки бошқа тергов ҳаракатлари жараёнида олинган турли объектларнинг тадқиқотларини ўтказиш; мутахассиснинг тергов-тезкор гуруҳи таркибида иштироки; эксперт-криминалистик хизматлар ва бошқа суд экспертиза муассасалари ходимларининг махсус билимлар талаб этиладиган масалалар бўйича маслаҳат ва маълумот бериш фаолияти; тергов ҳаракатларини ўтказишда мутахассиснинг иштироки.

Илгари таъкидланганидек, терговга қадар текшириш босқичида экспертизани тайинлаш ва ишлаб чиқариш доирасида махсус билимлардан фойдаланиш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал Кодексида зарур ҳолларда экспертиза жиноят иши қўзғатилишидан олдин ҳам тайинланиши мумкинлиги кўрсатилган [2].

Бошқача қилиб айтганда, қонун чиқарувчи жиноят тўғрисидаги хабарни текширган шахсга нисбатан тайинланиши лозим бўлган экспертиза турлари, уларни тайинлаш тартиби, тадқиқотларни ўтказиш топширилиши мумкин бўлган экспертиза муассасалари рўйхати бўйича чекловлар белгиламайди. Бироқ, тергов амалиёти шуни кўрсатадики, терговчилар (терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи) терговга қадар текширувни ўтказиш жараёнида қонун билан ўзларига берилган экспертизани тайинлаш ваколатидан камдан-кам фойдаланадилар.

Мисол учун, юқорида таъкидланганидек “ЖПКнинг 329-моддасида терговга қадар текширув ўтказиш жараёнида ҳужжатлар, тушунтиришлар талаб қилиб олиш, шунингдек шахсни ушлаб туриш, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ва экспертиза ўтказиш мумкинлиги белгиланган. Бинобарин, жиноят ишини қўзғатиш босқичида иқтисодий экспертизалар шу жумладан суд-бухгалтерия экспертизаси тайинланиши мумкин. Бироқ, суд-бухгалтерия экспертизаси ўтказиш учун катта хажмдаги материаллар ва узоқ муддат талаб қилиниши сабабли амалиётда терговга қадар текширув босқичида камдан-кам ҳолларда тайинланади” [5, Б.82].

Фикримизча, бунинг сабаби эса амалдаги Жиноят-процессуал кодексида (179-модда) “Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи экспертиза тайинлаш ва ўтказишда: ... эксперт хулосаси билан танишиб чиқиш ва қўшимча ёки қайта экспертиза ўтказиш тўғрисида илтимос қилиш ҳуқуқига эга” деб белгилаб, бундай ҳуқуқни ариза берувчига берилмаганлиги билан боғлиқ бўлса керак. Чунки, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи экспертиза ўтказилгунга қадар экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарор ёки ажрим билан танишиб чиқиш” деб амалдаги Жиноят-процессуал кодексида белгиланганидек, жиноят тўғрисидаги хабарни текшираётган шахс (масалан, терговчи, суриштирувчи) томонидан ўзига нисбатан терговга қадар текширувлар ўтказилаётган шахсга ҳамда ариза берувчига ҳам экспертиза ўтказилгунга қадар экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарор ёки ажрим билан танишиб чиқиш ҳуқуқи белгиланмаган.

Шу сабабли, терговчининг (терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи) мажбуриятлари қаторига аризачини ва ўзига нисбатан терговга қадар текширув ҳаракатлари ўтказилаётган шахсни экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарор ҳамда экспертнинг хулосаси билан таништириш мажбуриятини ҳам киритиш зарур деб ҳисоблаймиз.

Бу, бир томондан, ушбу субъектларнинг (аризаси ёки ўзига нисбатан терговга қадар текширув ҳаракатлари ўтказилаётган шахс) ҳуқуқларини ҳимоя қилади, иккинчи томондан, жиноят иши қўзғатилгандан кейин амалдаги Жиноят-процессуал кодексининг 176-моддасига мувофиқ, яъни, эксперт (экспертлар комиссияси) хулосаси

асослантирилмаган ёки унинг тўғрилигига шубҳа туғилган ёхуд унга асос қилиб олинган далиллар ишончли эмас деб топилган ёки экспертизани ўтказишнинг процессуал қоидалари жиддий бузилган деган баҳона билан қайта экспертиза ўтказиш тўғрисида асоссиз илтимосномалар беришнинг олдини олади.

Мутахассиснинг хулосаси далил сифатида тўғридан-тўғри шаклда тақдим қилинмайди, балки тегишли баённомада қайд этилади. Жумладан, Жиноят-процессуал Кодексининг 91-моддасига мувофиқ, “Далилларни қайд этиш учун баённома тузиш билан бир қаторда овоз ёзиш, видеоёзув, кинотасвир, фотосуратга тушириш, қолиплар тайёрлаш, нусхалар олиш, режалар, схемалар тайёрлаш ва ахборотни акс эттиришнинг бошқа усуллари қўлланилиши мумкин. Суриштирувчи, терговчи, суд далилларни мустаҳкамлашнинг бу усуллари қўлланишга кўмаклашиш учун мутахассисларни жалб этиши мумкин”.

Жиноятларни тергов қилишда, одатда, терговга қадар текширув доирасида мутахассис томонидан берилган фикрларни тасдиқлаш учун, айнан шу масалалар бўйича жиноят иши қўзғатилгандан сўнг экспертиза тайинланади. Чунки, амалдаги Жиноят-процессуал кодексининг 81-моддасида далилларнинг турларига мутахассиснинг фикрлари аниқ белгиланган ҳолда киритилмаган, яъни: “Ижтимоий хавfli қилмишнинг юз берган-бермаганлигини, шу қилмишни содир этган шахснинг айбли-айбсизлигини ва ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни суриштирувчининг, терговчининг ва суднинг қонунда белгиланган тартибда аниқлашига асос бўладиган ҳар қандай ҳақиқий маълумотлар жиноят иши бўйича далил ҳисобланади. Бу маълумотлар гувоҳнинг, жабрланувчининг, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг кўрсатувлари, экспертнинг хулосаси, ашёвий далиллар, овозли ёзувлар, видеоёзувлар, кинотасвир ва фотосуратлардан иборат материаллар, тергов ва суд ҳаракатларининг баённомалари ва бошқа ҳужжатлар билан аниқланади”. Шу сабабли, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва Жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш Концепциясида “Жиноят процессида шахс ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли кафолатини таъминлаш механизмларини такомиллаштириш” йўналишларидан бири сифатида “Судга қадар ва суд босқичида мутахассиснинг процессуал мақомини аниқлаштириш, шунингдек, мутахассис фикрига процессуал тус бериш” [1] деб белгилаб қўйилди.

Шу сабабли, Жиноят-процессуал кодексидида белгиланган мутахассис фаолияти акс этган нормаларни таҳлил қилиш натижасида унинг фаолиятини қуйидаги йўналишларга ажратиш лозим:

1) далилларни топиш, тўплаш, мустаҳкамлаш, баҳолашда ёрдам бериш; 2) тергов ва суд муҳокамасини ўтказишда илмий-техник воситаларни (магнитофон, видеоманитофон, кино-тасвирга олиш қурилмалари ва бошқа аппаратлар) қўллаш орқали суриштирувчи, терговчи, судга ёрдам бериш; 3) эксперт олдида қўйиладиган саволларни шакллантиришда ёрдам бериш; 4) тарафлар ва суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг жиноят иши вазиятига оид саволларига ўзининг махсус касбий билимларидан келиб чиқиб жавоб (фикр) бериши; 5) экспертнинг хулосаларини баҳолашда экспертиза тайинлаган органларга ёрдам бериш; 6) вояга етмаганларга, жиноятдан қаттиқ азият чеккан шахслар билан ишлаш жараёнига ёрдамлашиш (педагог ва психолог) [6].

Кўриниб турибдики, “мутахассиснинг фикрлари, айниқса мутахассиснинг ёзма фикрлари исбот қилиш жараёнида муҳим аҳамият касб этмоқда. Бироқ, Ўзбекистон Республикасининг ЖПКда мутахассиснинг мажбуриятлари сифатида “... ўзи бажараётган ҳаракатлар бўйича тушунтиришлар бериши ... шарт” [2] деб, унинг ёзма фикрлари назарда тутилмаган.

Исботлов жараёнида мутахассиснинг ролини янада ошириш, терговчига исботлов жараёнларида амалий ёрдам кўрсатиш, жиноятларни очиш ва олдини олиш фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 70, 81 ва 87-моддаларига “мутахассисни таклиф қилиш ва унинг ёзма фикрларини олиш” ҳамда

90 ва 91-моддаларига “мутахассиснинг ёзма фикрлари” тушунчасини киритиш мақсадга мувофиқ.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, иш бўйича умумий тартибдаги суриштирув ёки дастлабки тергов ўтказиладими, мутахассиснинг ёзма фикрининг (мутахассис хулосаси) далилий аҳамиятини бир хил баҳолашни белгилаш зарур. Шу сабабли, амалдаги Жиноят-процессуал Кодексига қуйидаги таҳрирдаги янги моддани киритиш таклиф қилинади:

“Мутахассис ёзма фикри

Мутахассиснинг ёзма фикри – ушбу Кодексда белгиланган тартибда расмийлаштирилган, терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахс, суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд ёхуд тарафлар томонидан қўйилган саволларга ўрганиш натижаси ва хулосасини ўз ичига олган расмий ҳужжатдир.

Мутахассис ёзма фикрини зарур ўрганиш ва тадқиқотлар ўтказганидан сўнг тузади ва ўз имзоси билан тасдиқлайди.

Мутахассис хулосасига асос бўлган тадқиқот ва ўрганишга оид ҳужжатлар ва бошқа материаллар ёзма фикрга илова қилинади.

Мутахассиснинг ёзма фикрида:

ўрганиш ёки тадқиқот ўтказилган жой, вақт ва муддат; ўрганиш ёки тадқиқот ўтказиш учун асос бўлган жиноят ишини юритаётган шахснинг қарори; ўрганиш ёки тадқиқот ўтказган мутахассис (унинг исми, шарифи ва фамилияси, маълумоти, мутахассислиги, мутахассислик бўйича иш стажи, илмий мақоми ёки илмий даражаси (агар бўлса), эгаллаб турган лавозими) ҳақида маълумот; мутахассис ёлғон хулоса берганлиги учун жавобгарликка тортилиши ҳақида огоҳлантирилганлиги; ўрганиш ёки тадқиқот объекти ва уни ҳолати ҳақида маълумот; қўлланилган методлар ва хулосанинг таркиби ва натижалари; ўрганиш ва тадқиқот натижаларини баҳолашни, мутахассис олдида қўйилган саволлар бўйича хулосанинг асосланиши ва шакли баён қилинади”.

Таққослаш тадқиқотлари учун намуналар олиш – агар ушбу тергов ҳаракати тегишли суд экспертизаларини ўтказиш доирасида ёки мутахассисни жалб этган ҳолда амалга оширилса, махсус билимлардан фойдаланишнинг яна бир шакли ҳисобланади. Бироқ, терговга қадар текшириш жараёнида ўзига нисбатан терговга қадар текширувлар ўтказилаётган шахс таққослаш тадқиқотлари учун намуналар беришдан бош тортишга ҳақлими ва бунинг учун унга салбий оқибатлар келиб чиқиши мумкинми деган савол ҳал қилинмаган.

Бу эса, жиноят иши қўзғатилгунга қадар таққослаш тадқиқотлари учун намуналар беришга рози бўлмаслик ҳеч қандай оқибатларга олиб келмайди деган хулосага келишимизга имкон беради. Амалдаги қонунчиликда жабрланувчини терговга қадар текширув, суриштирув олиб бориш, дастлабки тергов вақтида ёки судда кўрсатув беришни рад этиши ёки бу ишдан бўйин товлаши учун жавобгарлик белгиланган [3], бироқ, ушбу норма жабрланувчи сифатида расман тан олинмаган шахсга тааллуқли эмас. Шунингдек, жиноят қонунчилигида, ўзига нисбатан терговга қадар текширув ўтказилаётган шахс, ушбу жараёнда ўтказилиши белгиланган тергов ҳаракатларида қатнашишдан бош тортишгани учун мумкин бўлган жавобгарлик тўғрисида ҳам ҳеч нарса белгиланмаган.

Юқоридаги фикрларни умумлаштириб, терговга қадар текширув босқичида махсус билимлардан тўлиқ фойдаланиш фақат тергов ҳаракатларида мутахассиснинг иштироки (масалан, мурдани кўздан кечиришда суд-тиббий эксперти, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда эксперт-криминалист ҳамда компьютер техникаларини кўздан кечиришда дастурчи (IT)-мутахассис ва бошқ.) билан таъминланиши мумкин деб хулоса қилиш мумкин. Терговга қадар текширув доирасида махсус билимларни қўллашнинг бошқа шакллари эса ушбу жараёнларини қонун нуқтаи-назаридан такомиллаштирилишини талаб қилади.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги “Жиноят ва

жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3723-сон қарори // URL: <https://lex.uz/docs/3735818>.

2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси. // URL: <https://lex.uz/docs/111460>;

3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. // URL: <https://lex.uz/docs/111453>.

4. Астанов И.Р. Жиноят ишлари бўйича махсус билимлардан фойдаланишнинг процессуал ва криминалистик жиҳатлари: / 12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика, тезкор-қидирув ҳуқуқ ва суд экспертизаси мутахассислиги бўйича юрид. фан. д-ри (DSc) дис. автореф. – Т., 2018. – 75 б.

5. Muminov V. Мутахассис хулосасининг далилий аҳамияти // O‘zbekiston qonunchiligi tahlili. – 2017. – №. 1.

6. R.K.Abdullayev. Hodisa sodir bo‘lgan joyni ko‘zdan kechirishning kriminalistik ta‘minotini takomillashtirish / 12.00.09. – Jinoyat protsessi. Kriminalistika, tezkor-qidiruv huquqi va sud ekspertizasi ixtisosligi бўйича yu.f.f.d. (PhD) ilmiy darajasini olish uchun Dissertatsiya. – Т., 2023. – б.148.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

УМАРХОНОВ Азизхон Шарипхонович
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги
университети мустақил тадқиқотчиси, юридик фанлар номзоди, доцент

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЧОРАЛАРИНИНГ ТАСНИФЛАНИШИ

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): УМАРХОНОВ А.Ш.
Жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш чораларининг
таснифланиши // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 2 (2023) Б.
87-95.

 2 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2023-2-12>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш чоралари ва уларни турли мезонлар асосида таснифланиши масалалари таҳлил қилинган. Муаллиф хавфсизлик чоралари тизимининг мазмуни хавфсизлик чораларининг йиғиндиси бўлиб, унинг ўзаро боғлиқ элементларининг илмий асосланган тузилмаси деб ҳисоблайди. Бундан ташқари, ҳимоя қилинаётган шахсни бошқа яшаш жойига кўчириш, ҳужжатларни алмаштириш ва ташқи қиёфасини ўзгартириш кўрсатилган шахсга нисбатан бошқа хавфсизлик чораларини қўллаш орқали унинг хавфсизлигини таъминлаш мумкин бўлмаган ҳоллардагина амалга оширилиши ҳақида бир қанча фикр ва мулоҳазаларга келинган.

Таянч сўзлар: жиноят процесси иштирокчилари, хавфсизлик чоралари, шахсий хавфсизлик чоралари.

УМАРХОНОВ Азизхон Шарипхонович
Исследователь Университета общественной безопасности
Республики Узбекистан, кандидат юридических наук, доцент

КЛАССИФИКАЦИЯ МЕР ПО ОБЕСПЕЧЕНИЮ БЕЗОПАСНОСТИ УЧАСТНИКОВ УГОЛОВНОГО ПРОЦЕССА

АННОТАЦИЯ

В данной статье анализируются меры по обеспечению безопасности участников уголовного процесса и их классификация на основе различных критериев. Автор считает, что содержание системы мер безопасности представляет собой сумму мер безопасности и научно обоснованную структуру взаимосвязанных ее элементов. Кроме того, формируется мнение и соображение о том, что переселение охраняемого лица на другое постоянное место жительства, замена документов и изменение внешности будут осуществляться только в случае, когда невозможно обеспечить его безопасность путем

применения других мер безопасности в отношении указанного лица.

Ключевые слова: участники уголовного процесса, меры безопасности, меры личной безопасности.

UMARKHONOV Azizkhon

Researcher of the University of Public Safety
Republic of Uzbekistan, candidate of legal sciences, Associate professor

CLASSIFICATION OF MEASURES TO ENSURE THE SAFETY OF PARTICIPANTS IN CRIMINAL PROCEEDINGS

ANNOTATION

This article analyzes measures to ensure the safety of participants in criminal proceedings and their classification based on various criteria. The author believes that the content of the security measures system is a sum of security measures and represents a scientifically based structure of its interrelated elements. In addition, several opinions and considerations were expressed that the transfer of the protected person to another place of residence, the replacement of documents and the change of appearance will be carried out only when it is impossible to ensure his safety by applying other security measures against the specified person.

Keywords: participants in criminal proceedings, security measures, personal security measures.

Жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш чоралари ваколатли шахслар томонидан шахс хавфсизлигига таъдиднинг олдини олиш ва у юзага келган тақдирда процесс иштирокчисининг хавфсизлиги бузилган ҳолатни тиклаш мақсадида қонунга асосланган ҳаракатлар тизими шаклида тақдим этилади.

Жиноят процессида ҳимоя қилинадиган шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаш чоралари тизими жиноятни аниқлаш, тергов қилиш ва суднинг айбдорлик ва айбдорлик учун жиноий жазо тайинлаш масаласини ҳал қилиш учун етарли далилларни аниқлаш учун жиноят процессида шахсга ёрдам бериш хавфсизлигини таъминлашнинг ўзаро боғланган кўп тармоқли воситаларидир.

Ҳимоя қилинаётган шахсларнинг хавфсизлик чоралари тизими фақат процессуал воситалар ва жиноят процессининг доираси, яъни жиноят-процессуал фаолият билан чекланиб қолиши мумкин эмас. У мураккаб характерга эга бўлиб, турли соҳаларнинг хавфсизлик чоралари мажмуини ўз ичига олади, уларнинг мажмуи ягона мақсадни – ҳар қандай шахснинг жиноят процессида иштирок этиш хавфсизлигини таъминлаш ва унга ёрдам беришни таъминлайди.

Жиноят-процессуал соҳада хавфсизлик объекти сифатида шахсни ҳимоя қилиш бошқа тузилма ва характерга эга бўлган махсус чоралар орқали амалга оширилади. Хавфсизлик чоралари тизимининг мазмуни хавфсизлик чораларининг йиғиндиси бўлиб, унинг ўзаро боғлиқ элементларининг илмий асосланган тузилмаси ҳисобланади.

Жиноят процесси иштирокчилари учун хавфсизлик чоралари қуйидаги асослар бўйича таснифланиши мумкин [1,2,3,4,5]:

- Жиноят-процессуал тартибга солиниши бўйича: процессуал ва процессуал бўлмаган (универсал, ташкилий);

- Қонунга нисбатан: умумий (ушбу қонунда кўрсатилган) ва махсус (қонунда кўрсатилмаган);

- тармоқли асосда: жиноят ҳуқуқи, жиноят-процессуал, тезкор-қидирув, ижроия-ҳуқуқий, маъмурий-ҳуқуқий ва бошқалар;

- жиноят процессининг босқичлари бўйича: терговга қадар текширув босқичида, суриштирув ва дастлабки тергов босқичида, жиноят ишини юритишнинг суд босқичида

амалга ошириладиган хавфсизлик чоралари (жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш босқичида, суд муҳокамасида, суд муҳокамаси кейинга қолдирилган ёки тўхтатиш вақтида, ҳукми ижро этишда ёки уни юқори инстанция судларида қайта кўриш жараёнида);

- жиноят процессининг табақалаштирилган шакллари бўйича: суд қарорини қабул қилишнинг алоҳида тартиби билан (шу жумладан, гумон қилинувчи ёки айбланувчи ўртасида ҳамкорлик тўғрисида айбга иқдорлик тўғрисидаги келишув тузишда), ишни судьялар иштирокида кўришда, вояга етмаганлар жинояти тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишда, жиний судлов соҳасида халқаро ҳамкорликда;

- ҳимоя қилиш ҳуқуқини чеклаш бўйича: исботлаш ҳуқуқини бевосита чекламаслик (масалан, ҳимояланган шахснинг телефон ва бошқа суҳбатларини тинглаш – ЖПК 270-моддаси ҳамда исботлаш ҳуқуқини чеклаш (масалан, сўроқ баённомаларининг кириш қисмларини кўрсатмаслик – ЖПК 375-моддаси 4-қисми);

- қўлланиладиган чоралар сони бўйича: ягона (шахсий ҳимоя) ва комплекс (қўшма) (ҳужжатларни алмаштириш ва яшаш жойини ўзгартириш);

- қўллашнинг мақсадга мувофиқлик даражасига кўра: асосий, қўшимча, фавқулодда;

- вақтинчалик асосда: вақтинчалик (хавфсизлик чораларини амалга ошириш учун маълум муддат билан) ва доимий (уларни амалга ошириш учун маълум муддатсиз);

- жиноят процессининг хавфсизлик чоралари қўлланиладиган иштирокчилари бўйича: айбловчи (жабрланувчи) томонидан иштирокчилар, ҳимоя томонидан иштирокчилар (гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи) ва бошқа иштирокчилар (гувоҳ);

- хавфсизлик чораларини қўллаш тўғрисида процессуал қарор қабул қилган шахслар бўйича: суд (судья), прокурор, суриштирув органи раҳбари ёки жиноят ёки жиноят иши тўғрисидаги ариза (хабар)ни юритувчи терговчи;

- хавфсизлик чораларини амалга оширувчи органлар ва мансабдор шахслар бўйича: ички ишлар органлари, давлат хавфсизлик хизмати органлари, ҳарбий қисмлар кўмондонлиги, жиноят-ижроия тизими муассасалари ва органлари;

- чиқарилиши лозим бўлган процессуал ҳужжатларга бўйича: суриштирув органининг ёки терговчининг қарори ва суднинг (судьянинг) ажрими (қарори);

- жиноят процесси иштирокчилари тоифалари бўйича: жазони ўтаётган хорижий фуқароларга нисбатан; Ўзбекистондан ташқарида жазони ўтаётган Ўзбекистон фуқароларига нисбатан; ҳимояланган шахсга нисбатан (транзит пайтида);

- тергов қилинаётган (кўриб чиқилаётган) жиноятнинг жиний-ҳуқуқий тоифасига кўра (ЖК 15-моддаси): фақат оғир ва ўта оғир жиноятлар тўғрисидаги жиноят ишлари бўйича қўлланиладиган чоралар ва жиноятлар тоифасидан қатъи назар, амалга ошириладиган чоралар;

- хавфсизлик чораларини таъминлаш муаммоларини суд-тиббий жиҳатдан ҳал қилиш бўйича: дастлабки тергов ва суд муҳокамаси маълумотларини ошкор этмаслик; жиноят процесси иштирокчиларига нисбатан қўлланиладиган хавфсизлик чоралари тўғрисидаги маълумотларни ошкор этмаслик; жиний судлов ва дастлабки терговга қаршилиқни бартараф этиш; далилларни ва бошқа суд-тиббий аҳамиятга эга маълумотларни ҳимоя қилиш; ёлғон гувоҳлик беришнинг олдини олиш, кўрсатув беришдан бош тортиш, сўроқ қилинаётган шахс томонидан кўрсатувни ўзгартириш ва бошқалар.

Замонавий қонунчилик жиний процесс иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишнинг турли ҳуқуқий механизмларини ўз ичига олади. Бундай чоралар амалдаги Жиний-процессуал кодексида, шунингдек, 2019 йилги Ўзбекистон Республикасининг “Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиний процесси иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунда [6], бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда, идоравий буйруқлар ва маъмурий норматив ҳужжатларда назарда тутилган.

Хавфсизлик чоралари нафақат мудофаа (ҳимоя) характерида эга бўлиши: бир қатор вазиятларда тажовузкор (олдини олиш, ноқонуний таъсир қилиш) бўлиши ҳам керак.

Масалан, айбланувчини гувоҳлар ёки жабрланувчиларга ноқонуний таъсир кўрсатиши мумкинлиги сабабли қамоққа олиш (Жиноят-процессуал кодексининг 242-моддаси).

Жиноий процесси иштирокчиларига нисбатан хавфсизлик чоралари жиноят иш юритилиши билан боғлиқ ҳолда қўлланилади. Шу сабабли, биз жиноят процесси иштирокчиларига нисбатан қўлланиладиган жиноят-процессуал хавфсизлик чораларини батафсил кўриб чиқамиз. Бу чоралар ҳам судга қадар иш юритуви, ҳам суд муҳокамаси давомида қўлланилиши мумкин.

Жиноят-процессуал қонунда шахсий хавфсизлик чораларини белгилашда қуйидагилар эътиборга олиниши керак: жиноят процессида шахснинг қонуний манфаатларини таъминлаш кафолати; жиноят процессининг мақсади ва вазифаларига (мақсадига) эришиш воситаси; жиноятнинг энг хавfli (уюшган, касбий) турларига қарши курашишнинг янги самарали шакли; давлатнинг миллий қонунчиликни бир қатор халқаро ҳужжатларга мувофиқлаштиришга ижобий интилиши [7, Б. 225-229].

Жиноят-процессуал хавфсизлик чораларининг қуйидаги белгилари ажралиб туради: улар Жиноят-процессуал кодекси нормалари билан тартибга солинади; жиноят процесси иштирокчиларига мурожаат қилади; уларнинг аризаси бўйича қарор жиноят ишини юритувчи мансабдор шахс томонидан қабул қилинади; иш бўйича далилларни олиш ва суднинг якуний қарорини чиқариш жараёнини таъминлашга қаратилган [8, Б.84–88].

Жиноят-процессуал кодексининг 270-моддасида процесс иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш чоралари кўрсатилган. Шу билан бирга, ушбу рўйхатга киритилмаган бошқа чоралар ҳам қўлланилиши мумкинлигини келтириб ўтишимиз мумкин. Масалан, айбланувчининг гувоҳлар ва жабрланувчиларга таъсир ўтказиш имконияти туфайли эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш, айбланувчи гувоҳга ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларига таҳдид қилиши, далилларни йўқ қилиши ёки жиноят иши бўйича иш юритишга бошқача тарзда тўсқинлик қилиши кабилар [3].

Жиноят ишлари бўйича судгача бўлган иш юритишда жиноят процесси субъектлари учун қуйидаги жиноят-процессуал хавфсизлик чоралари қўлланилиши мумкин: Жиноят тўғрисидаги хабарни текширишда жабрланувчи ва гувоҳнинг, шунингдек процессуал ҳаракатларни амалга оширишда иштирок этган шахсларнинг шахси тўғрисидаги маълумотларни сир сақлаш; шахсни визуал кузатишни истисно этувчи шартларда шахсни таниб олиш учун кўрсатиш; телефон ва бошқа сўзлашувларни эшитиш; абонентлар ва (ёки) абонент қурилмалари ўртасидаги уланишлар тўғрисида маълумот олиш; почта-телеграф жўнатмаларини ушлаб туриш, уларни кўздан кечириш ва олиб қўйиш; гумон қилинувчи (айбланувчи)га нисбатан эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида қарор қабул қилиш; дастлабки тергов маълумотларини ошкор қилишга йўл қўйилмаслиги [9, Б.88-94].

Жиноят-процессуал хавфсизлик чораларини амалга ошириш жараёни давлат ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва суд органлари фаолиятининг ягона соҳаси бўлиб, унинг мақсади жиноий одил судловга ҳисса қўшадиган шахснинг хавфсиз иштирок этишидир. Шу билан бирга, жиноятларни очиш ва тергов қилиш, айбдорни жиноий жавобгарликка тортиш ҳамда бир вақтнинг ўзида жиноят процесси иштирокчиларининг (уларнинг қариндошлари ва яқинларининг) шахсий ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш манфаатлари ўртасида оқилона мувозанат сақланиши лозим.

Муайян хавфсизлик чорасини қўллаш тактик таркибга эга бўлиши керак. Шунинг учун жиноят процессида қўлланиладиган хавфсизлик чораларини танлаш суд-тиббиёт экспертизаси тавсияларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши лозим. Замонавий шароитда ҳуқуқни қўллаш ва суд амалиёти муайян жиноят иши бўйича хавфсизлик чораларини қўллашнинг тегишли самарали суд-экспертиза усулларининг йўқлиги сабабли хавфсизлик чораларини қўллашда жиддий тўсиқларни бошдан кечирмоқда.

Жиноят процесси иштирокчилари учун процессуал бўлмаган (универсал, ташкилий) хавфсизлик чоралари Ўзбекистон Республикасининг “Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процесси иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунида

мустақкамланган. Бу чораларга қуйидагилар киради:

- 1) ҳимоя қилинадиган шахс тўғрисидаги маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш;
- 2) шахсий ҳимоя, уй-жой ва мулкни муҳофаза қилиш;
- 3) шахсий ҳимоя, алоқа ва хавф ҳақида огоҳлантиришнинг махсус воситаларини бериш;
- 4) бошқа яшаш жойига кўчириш;
- 5) ҳужжатларни алмаштириш;
- 6) ташқи кўринишнинг ўзгариши;
- 7) иш (хизмат) ёки ўқиш жойини ўзгартириш;
- 8) хавфсиз жойга вақтинча жойлаштириш;
- 9) қамоқда сақланаётган ёки жазони ўташ жойида сақланаётган шахсга нисбатан қўшимча хавфсизлик чораларини қўллаш, шу жумладан қамоқда сақлаш ёки жазони ўташ жойидан бошқасига ўтказиш [6].

Ҳимоя қилинаётган шахсга нисбатан бир вақтнинг ўзида бир нечта ёки кўрсатилган хавфсизлик чораларидан бири қўлланилиши мумкин.

Ҳимоя қилинаётган шахсни бошқа яшаш жойига кўчириш, ҳужжатларни алмаштириш ва ташқи қиёфасини ўзгартириш кўрсатилган шахсга нисбатан бошқа хавфсизлик чораларини қўллаш орқали унинг хавфсизлигини таъминлаш мумкин бўлмаган ҳоллардагина амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Жарбланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процесси иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун қоидаларига мувофиқ, жабрланувчилар, гувоҳлар ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларига нисбатан муайян хавфсизлик чораларини қўллашни тартибга солувчи қарор қабул қилиниши лозим.

Хавфсизлик чораларини қўллаш тўғрисида қарор қабул қилувчи орган томонидан белгиланган тартибда асослантирилган қарор (ажрим) олингандан сўнг, хавфсизлик чораларини амалга оширувчи орган қонунда назарда тутилган зарур хавфсизлик чораларини мустақил равишда танлайди ва уларни қўллаш усулларини белгилайди, бу ҳақда тегишли қарор чиқаради.

Хавфсизлик чораларини амалга оширувчи орган судга (судьяга), суриштирув органи бошлиғига ёки терговчига танланган хавфсизлик чоралари, уларга киритилган ўзгартиришлар ва ариза (хабар)ни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида хабардор қилади (ҳимоя қилинаётган шахс тўғрисидаги маълумотларнинг махфийлигини ҳисобга олган ҳолда, қонунчилиги уларни давлат сирини ташкил этувчи маълумотлар деб таснифламайди).

Ҳимоя қилинаётган шахснинг шахсий ҳимоясини таъминлаш билан бевосита шуғулланадиган бўлинмалар (хизматлар) ходимларига ўз ваколатларини тасдиқлаш учун хавфсизлик чорасини танлаш тўғрисида қарор чиқарилиши мумкин.

Ҳимоя қилинаётган шахснинг шахсий ҳимоясини таъминлаш бўйича ишларнинг ташкил этилиши, тактикаси, шакллари ва усуллари ушбу мақсадлар учун жалб қилинган бўлинмалар (хизматлар) ваколатлари доирасида ҳимоя қилинадиган шахс тўғрисидаги маълумотлар асосида белгиланади.

Ҳимоя қилинадиган шахс тўғрисидаги маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш учун, агар қонунчиликда уни давлат сирини ташкил этувчи маълумотлар сирасига кирмаган бўлса, уларга ишониб топширилган ёки ҳимоя қилинаётган шахсга нисбатан тегишли хавфсизлик чораси қўлланилиши муносабати билан маълум бўлган маълумотларни ошкор этмаслик тўғрисидаги бошқа ҳужжатларни хавфсизлик чораларини амалга оширувчи орган шахсни тасдиқловчи ҳужжатларни алмаштириш ва бериш учун масъул бўлган ташкилотларнинг мансабдор шахсларига огоҳлантириш юборади. Шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатларни алмаштириш ва бериш тўғрисидаги маълумотларни ҳисобга олиш маълумотларнинг махфийлиги тўғрисидаги

талабларга риоя қилган ҳолда амалга оширилади.

Ҳимоя қилинаётган шахснинг ўзини ҳимоя қилиш ва шахсий хавфсизлигини таъминлаш учун хавфсизлик чораларини амалга оширувчи орган зарурат туғилганда ҳимоя қилинаётган шахсга алоҳида ҳимоя воситалари, алоқа ва хавф ҳақида огоҳлантириш беради.

Махсус воситалар сифатида ҳимояланган шахсга бронезилет, электр токи уриши мосламаси, тирнаш хусусияти берувчи таркибга эга аэрозол спрейи ҳам берилиши мумкин.

Берилган махсус воситаларнинг тури хавфсизлик чораларини амалга оширувчи орган томонидан хизмат кўрсатувчи махсус воситалар рўйхатига мувофиқ белгиланади.

Ҳимоя қилинаётган шахсни алоқа воситалари билан таъминлаш ва хавф тўғрисида хабар бериш учун хавфсизлик чораларини кўрувчи орган зарурат туғилганда ҳимояланган шахсга кўчма кўчма радиоқурилма, уяли телефон беради.

Ҳимоя қилинаётган шахсга шахсий ҳимоя, алоқа ва хавф ҳақида огоҳлантиришнинг махсус воситаларини бериш хавфсизлик чораларини амалга оширувчи органнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Шахсни тасдиқловчи ҳужжатларни алмаштириш ва бериш ҳимоя қилинаётган шахснинг ҳақиқий яшаш жойидан ёки вақтинчалик яшаш жойидан ҳам амалга оширилади.

Шахсни тасдиқловчи ҳужжатларни алмаштиришда ҳимояланган шахс ўз ҳужжатларини сақлаш учун хавфсизлик чораларини кўрувчи органга топширади. Ҳимоя қилинаётган шахснинг алмаштирилган ҳужжатларини ҳисобга олиш ва сақлаш хавфсизлик чорасини қўллашнинг бутун муддати давомида хавфсизлик чораларини амалга оширувчи орган томонидан таъминланади. Ҳимоя қилинадиган шахс тўғрисидаги маълумотларни сақлаш ва махфийлигини таъминлаш тартиби, агар қонунларда уларни давлат сирини ташкил этувчи маълумотларга киритилмаган бўлса, хавфсизлик чораларини амалга оширувчи орган томонидан белгиланади.

Ҳимояланган шахснинг ташқи қиёфасини ўзгартириш хавфсизликнинг истисно чорасидир. Ушбу хавфсизлик чорасини қўллашни таъминлаш учун ташқи кўринишини ўзгартириш учун махсус воситалардан фойдаланиш мумкин.

Алоҳида ҳолларда, хавфсизлик чораларини амалга оширувчи орган, ҳимоя қилинаётган шахс ва тиббиёт муассасаси ўртасида ёзма шаклда тузилган шартнома асосида ушбу хавфсизлик чораси самарали бўлган даражада ташқи кўринишни ўзгартириш бўйича операция ўтказилиши мумкин.

Иш (хизмат) жойини ўзгартириш Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилигига, “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонун [10] ҳужжатларига мувофиқ тенг лавозимни ёки суғурта (меҳнат) тажрибасини сақлаб қолган ҳолда, пенсия олиш ҳуқуқини берувчи мутахассислик бўйича бошқа лавозимни тақдим этиш билан амалга оширилади.

Ўқиш жойини ўзгартириш “Таълим тўғрисида”ги Қонун [11] ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Ҳимоядаги шахс вақтинчалик иш (хизмат) ёки ўқиш жойига жойлаштирилганда, у ўзининг собиқ ёки шунга ўхшаш иш (хизмат) ёки ўқиш жойига қайта тикланиш ҳуқуқини сақлаб қолади. Хавфсизлик чораларини амалга оширувчи орган тегишли ташкилотларнинг раҳбарларини уларга ишониб топширилган ёки ҳимоя қилинаётган шахсга нисбатан маълум бўлган маълумотларни ошкор этмаслик тўғрисида ёзма равишда огоҳлантиради.

Алоҳида-алоҳида, “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонунида белгиланган хавфсизлик чораларини алоҳида таъкидлаш керак.

Мазкур Қонуннинг 14-моддаси 6-қисмига биноан, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар жиной процесс иштирокчиларининг жиной тажовузлардан хавфсизлигини таъминлашга ҳисса қўшишлари шарт. Бунда тезкор-қидирув фаолияти жиноят процессида иштирок этувчи шахслар учун хавф туғдирувчи ҳаракатларни

аниқлаш, бостириш ва олдини олиш бўйича муайян тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш заруратидан келиб чиқади.

Жисмоний шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи, мулкига таҳдид туғилганда, уларнинг аризаси ёки ёзма розилиги билан “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонун ушбу шахсларнинг телефонларидан олиб борилган суҳбатларни тинглашни, тегишли судни 48 соат ичида мажбурий равишда хабардор қилишни назарда тутаяди. Ушбу тезкор-қидирув чорасини қўллаш жараёнида олинган натижалар, агар улар жиноят-процессуал Қонун ҳужжатларининг далиллар, уларни амалга ошириш манбалари ва усуллари бўйича талабларига жавоб берса, терговчига топширилиши ва жиноят иши бўйича исботлаш жараёнида фойдаланилиши мумкин.

Тезкор-қидирув фаолияти соҳасидаги шахсий хавфсизлик ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, биринчи навбатда, бундай фаолиятнинг махфийлиги билан боғлиқ саналади.

Тезкор-қидирув фаолияти жараёнида шахс хавфсизлиги ваколатли давлат органларининг тезкор бўлинмаларини ўз ваколатлари доирасида тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш ошкора ва яширин (махфий) кузатиб бориш орқали амалга оширилади.

Амалиёт шуни кўрсатадики, тезкор-қидирув чораларини қўллагандан жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш мумкин эмас. Тезкор тергов таъминоти, асосан, жиноят ишида иштирок этувчи шахслар учун хавф туғдирувчи ҳаракатларни аниқлаш, бостириш ва олдини олиш бўйича муайян тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш заруратидан келиб чиқади [12, 13, 14].

Тезкор-қидирув фаолияти шахс хавфсизлигига кўп қиррали таъсир ўтказади.

Бир томондан, тезкор-қидирув фаолияти шахсий ҳаётини манфаатларни ички ва ташқи таҳдидлардан ҳимоя қилишга чақиради. Бу шахснинг қонуний манфаатларига путур етказувчи жиноятларни аниқлаш, олдини олиш, уларга чек қўйиш ва уларни очиш, шунингдек давлатга, давлатнинг ҳарбий, иқтисодий ёки экологик хавфсизлигига таҳдид соладиган ҳодисалар ёки ҳаракатлар тўғрисида маълумот олиш йўли билан амалга оширилиб, инсон хавфсизлигини таъминлаш билан бевосита боғлиқ саналади.

Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар билан очиқ ёки яширин (махфий) ҳамкорлик қилаётган шахсларнинг қонуний манфаатлари қаторида шахснинг нафақат ўзи, балки унинг яқинлари хавфсизлигини таъминлаш бўйича ҳамкорликни ҳам алоҳида таъкидлаш лозим бўлиб, у қуйидагича амалга оширилади:

- 1) бундай ҳамкорлик муносабати билан етказилган мулк, жисмоний, маънавий зарарни тўлиқ қоплаш;
- 2) ҳамкорлик фактини ошкор қилмаслик;
- 3) узатилаётган ахборот сифати (миқдори)дан маънавий қониқиш ва бошқалар.

Бошқа томондан, тезкор-қидирув фаолиятининг ўзи шахснинг хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин [15]. Бундай таҳдид шахс тўғрисидаги тезкор-қидирув фаолияти давомида олинган маълумотларнинг, айниқса шахсий ҳаётга, шахсий ва оилавий сирларга, шаъни ва қадр-қимматига дахлдор бўлган ёки тижорат, банк, касбий фаолиятни ташкил этувчи маълумотлар, шунингдек шахсга тегишли сир, унинг шахсий ҳаётининг интим жиҳатлари билан боғлиқ маълумотларнинг қонунга хилоф равишда тарқатилиши натижасида юзага келади.

Ҳимоя қилинаётган шахсларнинг жазони ўташ жойида судланганидан кейин хавфсизлигини таъминлаш имконияти давлат жазони ижро этиш тизимида назарда тутилган. Шу билан бирга, очилаётган, тергов қилинаётган ёки кўриб чиқиладиган жиноят иши жазони ўташ жойи ҳудудида жиноят содир этилганлиги натижасида, гувоҳлар, жабрланувчилар ва судланувчилар – озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаётган маҳкумлар томонидан содир этилган ҳолатларга тегишли бўлган вазият юзага келади.

Жиноят-ижроия хавфсизлик чоралари, биринчи навбатда, озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жиноий жазони ўтаётган ҳимояланган шахсга қаратилган. Бундай чора-тадбирларнинг мақсади суд ҳукмини ижро этиш жараёнида ҳимоя қилинадиган

шах томонидан жазони ўташ учун хавфсиз шароитларни яратишдан иборат.

Жиноят-ижроия кодекси ҳимоя остидаги шахс жиноий жазони ўтаётганда муайян хавфсизлик чораларини ва уларни амалга ошириш кафолатларини белгилайди. ЖИКнинг “Маҳкумлар ҳуқуқий ҳолатининг асослари” деб номланган 8-моддасида шундай муҳим қоида белгиланганки, унга кўра, Маҳкумлар, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун назарда тутилган ҳуқуқлар, эркинликларга эга бўладилар ва мажбуриятларни бажарадилар. Маҳкум ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида белгиланган ҳуқуқлар, эркинликларга эга бўлишлари ва мажбуриятларни бажаришлари мумкин ҳамда уларга нисбатан қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматини камситувчи муомала ёхуд жазо турларининг қўлланилишига йўл қўйилмаслиги белгилаб қўйилган.

